

ГЕННАДИЙ БЛИНОВ

ПСИХИАТР-ВРАЧ ХОТИРАЛАРИ

Русчадан қисқартиб таржима
қилинди

- Блинов Геннадий.**
Б 77 Психиатр-врач хотиралари.
 Русчадан қисқартиб тарж. қилин-
 ган. Т., «Медицина», 1976 ©
 131б.

Психиатр-врач Геннадий Михайлович Блинов ҳаётда содир бўлган воқеаларни ҳикоя қилади.

Алкоголь касофати туфайли сеvimли иншдан, ақлидан, обрўси, са-
 ломатлиги, оилавий бахтидан жудо бўлган ёш йигитнинг фожияси ҳар
 бир одамнинг дилида алам пайдо қилади.

Врачлар ёрдамида дардини енгиб олган, ижодий меҳнат сеvimчи-
 ши қайта тотиб, одам бўлган олим бари бир ҳалок бўлади. У мутлақо
 нотаниш одамнинг маст ҳолда жиноят қилиши нағижасида ўлади.

Китобча жуда қизиқарли воқеаларга бой, содда ва равои тилда,
 бадний повесть сифатида ёзилган, у кенг китобхоналар оmmasига муъ-
 жалланган.

Блинов Геннадий. История болезни № 689.

617.9



52400—40
 Б — М 354 (06) 76 65—76

- © Издательство «Московский рабочий», 1975 г.
 © УзССР «Медицина» нашриёти, 1976 й.
 Ўзбекчага таржима.



Бандитлар фақат менинг кўз юмнишимни пойлаб туришарди. Уларнинг борлигини алақачон пайқаб қолганимни билишмас, шу сабабли уйнинг бурчакларида, дарпардалар, очилиб қолган шкаф эшиги орқасида биқилиб кутиб туришарди. Очигини айтганда, улар шовқин-сурон кўтармасдан мени ўлдиршмоқчи эди, шунинг учун ҳам шошилишмасди.

Мен қочиб улгуролмаслигимни тушундим ва кўзимни бақрайтирганимча вақтни чўзиш пайига тушдим, гарчи кўзларим юмиллиб кетаётган бўлса-да, ҳатто киприк қоқмасликка ўзимни мажбур қилардим.

Мен ўринда ётардим. Оқшом эди. Атроф шу қадар жимжит эдики, гўё хонанинг гир атрофини суваб, худди шиша қўнғироқ тагидан ҳавони сўриб олишгандек туюларди. Нақ мен ётган каравотнинг олдида чуқур ўра шуи доққини қорайиб кўришиб турарди. Афтидан уйда ремонт бошланган бўлса керак, ишчиларга полни кўчириб, қудуққа ўхшаган ўра ковлаш зарур бўлиб қолгандир. Ана шу чуқурга тушиб кетмаслик учун мен доим ўришимнинг нариги четига сурилардим.

Дераза орқасидан кимнингдир шивирлаб гаплашгани қулоғимга чалинди. Мен бутун вужудим билан қулоқ сола бошладим, бирдан каравотимнинг рўпарасидаги деворнинг сан-сарик ранга бўялганига кўзим тушиб қолди. Мендан сўрамай деворни бўяшганига нарво ҳам қилмадим. Менинг фикру ёдим фақат бандитларда эди, умид билан ҳалиги келаётган товушга қулоқ солардим. Товуш тобора қаттиқроқ эшитила бошлади:

— Глеб, уч тийин бер!—деган товушни англаб олдим.

Бу кампирнинг бўғиқ овози эди, мен илгарги бу товушни ҳечам эшитмагандим. Бу нотаниш кампир менинг исминини қаердан билиб олганига ақлим етмас эди. Лекин уй ўйлаб ўтиришга вақт йўқ эди. Дастлабки да-

қиқада мени ўлдиришмоқчи бўлишяпти, деб ҳалиги кампирга бақириб юборишимга сал қолди. Бироқ товушим яширишиб турган бандитларни чўчитиб юбориши, шунда улар мени иложи борича тезроқ ўлдириб, қочиб кетиши мумкин эди. Жимгина кутишга қарор қилдим. Мен мўъжизани кутардим, шуидай аҳволда бирор мўъжиза рўй беради, деб ўйлашимнинг ўзи бемаънилик эди.

Бу товуш менга эшитилгандек туюлгандир, деб бир лаҳза ўйлаб қолдим. Мен худди ақлдан озаётганга ўхшардим. Лекин кампир худди менинг дилимдагини сезгандек гўё ўзининг чиндан ҳам шу ердалигини тасдиқламоқчи бўлиб, деди:

— Уч тийинни кўзинг қиймаса, будильникнинг қўнғироғини бера қол. Винтини бурагин-да, олиб бера қол!

— Менда уч тийин йўқ,—дедим мен,—будильник бўлса ўзимга керак, уни қисмларга ажратиб нима қиламан!

Кампир жим бўлиб қолди. Чамаси у гапимдан хафа бўлди, мени хасис экан, деб ўйлаган бўлса керак. Лекин мен ростини айтдим-да. Маошимнинг ҳаммасини ўша куниёқ ичиб тугатгандим, бугун бўлса, ҳақиқатан ёнимда сариқ чақа ҳам йўқ эди.

Деразага қарасам, кампир худди қуриб қолган дарахт шохига ўхшаш қўлини дарпарда остидан будильник томон узатаяпти денг. Бир оздан сўнг унинг қуруқшаган бармоқлари звонокни бураб ола бошлади. Будильник қаттиқ жиринглаб кетди. Кампир қўрқиб кетди-да, қўлини тортиб олди ва кўздан ғойиб бўлди. Девор ортидан қўшни аёлнинг товуши эшитилди:


— Хўш, Вася, пичоқни чархладингми? Шунақаям ўтмас бўлиб кетибдики, ҳатто нонга ҳам ўтмайди.

— Чархладим,—жавоб берди эри.—Нимани кесиб кўрсамийкин...

— Глебнинг олдига кириб, унинг қулоғини кесиб кўра қол!

Мен алланечук бўлиб кетдим. Лекин бандитларни бир лаҳза ҳам унутмаган эдим, улар ҳар бир дақиқада мени ўлдиришлари мумкин эди.

Бошимнинг тагида ёстиқ ўрнида бир даста папирос қоғози пайдо бўлиб қолди. Сезиб турибман, ҳалиги таъқибчилардан биттаси бош томонимдан биқиниб келиб, бўйнимнинг тагидаги қоғоздан бир варақдан аста-секин суғуриб ола бошлади. Мен бандитларнинг ниятини дарров сезиб қолдим. Кўз юмишимни кутиб туриш уларнинг жонига тегди, улар бошимни чойшабга туширмоқ-



чи бўлишди. Бошим чойшабга шилқ этиб тушиши биланоқ улар яшири- ниб турган жойларидан чиқишди. Шифтга қараб ётаверадиган бўлсам улар мени ўраб олиб, ўлдирганла- рини билмай қоламан. Мен улар- нинг ниятига тушунганимни сездир- мадим ҳам. Тўғри, бир марта саб- рим чидамай, яшириниб олиб эҳти- ётлик билан бўйнимнинг тагидан бири-кетин қоғоз тортиб олаётган бандит томон бошимни бурдим. Қ- рашим биланоқ у қандайдир йўл билан ғойиб бўлиб қолди.

Уранинг нариёғидаги полда ка- ламушлар, калтакесаклар, мушук болалари югуриб юрарди. Мен сал- пал бўлса-да ўзимни чалгитиш учун уларни кузата бошладим. Ҳамон бўйнимнинг тагидан қоғозни суғу- ришарди. Бошим анча тушиб қол- ган эди, бироқ варақларнинг ҳам-

масн тамом бўлишига менинг ҳисобимча, яна саккиз соат бор эди. Саккиз соат ичида эса мўъжиза рўй бе- риши, яъни милиция келиши мумкин эди.

Мен шуларни ўйлаб ётар эканман, бирдан кўчадан келаётган шўх-шўх ашула овозини эшитдим ва дераза томонга қарадим. Дераза йўқ эди. Кўз олдимда катта майдон памоён бўлди. Юзларча милиционерлар шу май- донда доира бўлиб олиб, чаққонлик билан ўйинга туш- шар ва шўх-шўх ашула айтишарди.

«Бугун Милиция куни бўлса керак»,—ўйладим мен ва кутулганимга ақлим етди.

Милиционерлар менга таҳдид қилаётган хавфни би- либ олгунларигача кутиб турмасликка қарор қилдим ва бандитлар бурчакдан камроқ қарайдиган бўлиши

биланоқ ўрнимдан сапчиб турдим, ўрадан сакраб ўгдим ва каламушлар билан калтакесакларни босиб-янчиб, ўйинга тушаётган милиционерлар томон отилдим. Ҳушмдан кетар эканман, қўлларимнинг бармоқлари чидаб бўлмас даражада огриди, қарасам, дераза яна жойида турибди, ойпанинг шарақлаб синганини эшитдим-да, баланд жойдан йиқилаётганимни пайқадим...

Мен шу ерда китобхонага ўзимни таништирамоқ ва нималар тўғрисида сўз юритмоқчи эканимни тушунтирамоқ мақсадида Глеб Васильевич Лусаровнинг касаллик тарихидан ўқиб беришни тўхтатаман.

Менинг исмим Александр Петрович, фамилиям Бобров. Мен психиатр врачман, шу мутахассислик бўйича узоқ йиллардан бери ишлаб келаман. Назаримда менга яқин вақт ичида пенсияга чиқишга тўғри келади. Кўп йиллардан бери ёшим ўтиб қолганини сезмаган эдим. Гўё студентлик давридан буён ҳеч нарса ўзгармагандек туюларди менга. Бироқ энди, олтмиш ёшга кирганимдан кейин, иш олиб боришга анча қийналиб қоляпман, бунинг устига мен анча расмиятчи ва ишни пухта қиладиган одамман, касаллик тарихини қисқа ёзиб қўя қолмайман, ҳолбуки беморларнинг касаллик тарихини ёзишда икки-чаккирларигача аҳамият беришни яхши кўришим кундалик тажриба учун унчалик зарур эмас.

Мен илгари ҳеч қачон адабий асар ёзмаганман, бундан кейин ҳам ёзиш ниятида йўқ. Лекин одамнинг ёши ўтгандан кейин шунақа бўлиб қолар экан: биз ўтган умримизга яқин ясар эканмиз, одамларга нималарнидир ҳикоя қилиб беришга, уларни нималардандир огоҳлантириш, бирор нарсада қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезамиз. Бутун умрида фожияларини кўп кўрган, неча миңглаб касаллик тарихларини тўлдирган, узоқ йиллик иш мобайнида миңглаб одамларнинг тақдирга аралашган психиатр врачнинг дилида айтадиган гапи кўп.

Одам эс-ҳушини таниганидан кейин ўз севинчларини ва айниқса бошидаги ғам-ташвишларини кимгадир айтгани келади. Христианларда одамнинг ўз қилган гуноҳларига яширинча иқрор бўлиш одати борлиги бежиз эмас. Бироқ қилган гуноҳлари учун диндорларга бориб, хуфиёна тавба қиладиган замон ўтиб кетган. Энди одамлар дўстларини, қариндош-уруғларини кўрганларида қилган айблари учун узра сўрайдилар, ғам-ташвишлари-

ни гашириб, дилларини ёзадилар. Аммо одамнинг бошига огир мусибат тушиб, дили вайрон бўлса, турмуши бузилиб, дунё кўзига тор бўлиб қолса, бу ерда ниҳоятда уста раҳнамо керак бўлиб қолади. Сўз, таъсир қилиш билан даволаш методларини ўрганаётган худди биз психиатрлар, бошқа бировларга қараганда ана шу ролга кўпроқ яраймиз. Одамлар ҳам умрларида ҳеч кимга айтмаган дардларини бизга очиб ташлайдилар. Биз улар ҳақидаги ҳамма нарсани — яхшиликларни ҳам, ёмон ишларни ҳам биләмиз. Шунинг учун ҳам мен биттасини, ўзим ёзган касаллик тарихларидан фақат биттасини китобча қилиб чиқаришга журъат этдим.

Мен сурункали алкоголизмга мубтало бўлган бир йигитнинг тақдирини ҳикоя қилмоқчиман. Бу тема балки сизга аҳамият беришга арзимайдигандек бўлиб туюлар. Бу тушунарли! Сиз пиянисталарни менчалик кўп кўрмагансиз. Сиз уларни менчалик яхши билмайсиз, мен умримнинг кўпини алкогольларни даволашга сарфлаганман. Ана шу офат ҳеч бўлмаса битта одамга хавф солиб турар экан (балки у сизнинг акангиз, опангиз, укангиздир, сизнинг отангиз ёки ўғлингиздир), мен индамай, уларни бу фалокатдан огоҳ қилмай туролмайман.

Ҳеч бўлмаса ичавериб адо бўлган битта потатор (алкоголик) менинг ҳикоямни ўқиганда кейин ичишни ташлайди, деб ўйлайман. Биринчидан, алкогольликнинг қизиқиш доираси одатда тор бўлади, у шунчаки ҳеч нарса ўқимайди. Иккинчидан, хроник алкоголизм ҳақида касаллик сифатида сўз борар экан, бу ерда уларни зўр қийинчиликлар билан даволашни айтиб ўтиш керак. Албатта бу ерда беморга пайд-насиҳатлар қилиш камлик қилади эмас, балки жуда жиддий аралашини, актив терапияни, баъзан эса уни зўрлаб даволаш керак бўлади. Бу ҳикоя спиртли ичимликларга ружу қилиш оқибат-натигада қандай фалокатларга олиб боришини ўйлаб кўрмадан, алкогольни кўп ича бошлаган одамларга мўлжалланади.

Менинг пациентларимдан бири бўлмиш Глеб Васильевич Лусаровнинг ҳаётини ва касаллигини очиқ-ойдин кўрсатиб берадиган воқеий ҳикоямни давом эттираман. Бу воқеани унинг ўзи огир алкоголь делирийидан, ёки халқ ибораси билан айтганда, оқ алақлаш (белая горячка)дан кейин ўзини анча тутиб олгач, ҳузуримга келганида гапириб берган эди.

Мен кўзимни очсам касалхонада ётибман, қаерга келиб қолганимни ва кейинги кунларда бошимдан нималар ўтганини анчагача тушуна олмадим. Бошим гир-гир айланарди. Тердан ҳўл бўлиб кетган кўйлагим баданимга ёпишиб қолган. Қўлимни кўтаришга ҳам мажоним йўққа ўхшарди. Унг оёғим гипслаб ташланган.

Бир мўйсафид врач келди-да, мен ётган каравот четига ўтириб, жуда оддий саволларни бера бошлади. У мендан бугун қанақа кун, қайси ой эканини, касалхонада неча кундан бери ётганимни сўрай бошлади. Бироқ мен ҳатто шу саволларга ҳам тўғри жавоб бера олмадим! Хаёлимдаги ҳамма нарса чалкашиб, алғов-далғов бўлиб кетганди.

Доктор ҳаммаси бўлиб беш кундан бери касалхонада ётганимни, мени зўр қийинчиликлар билан ўлимдан қутқариб қолишганини айтди.

Шу пайт мен ўзимни худди жар ёқасида кетаётгандек ҳис қилдим. Бирдан йиқилиб тушдим. Ҳали тушиб кетяпман, ҳали тушиб кетяпман денг. Кейин, ухлаяпманми ёки уйғоқманми, ҳеч тушунолмай гаранг бўлдим. Ўз хонамда ётганим тушимми, ўнгимми, билмайман. Дераза ойнасига кимдир чертди. Дераза ёнига бориб, пардани сурдим. Ёнимиздаги сартарошхонада ишлайдиган иккита сартарош кўча томондан нақ дераза раҳиғача чиқиб олиб, менга бир неча дақиқа безрайиб қараб турди-да, кейин ерга тушиб, оломон ичида ғойиб бўлди. Оломон эса исқирт кийинган, кўкрак чўнтагидан тароқлари чиқиб турган сартарошлар, сартарошлар, сартарошлардан иборат эди. Улар индамай тарқалишди, нақ дераза тагидаги асфальт одамлардан бўшаб қолди. Қардандир менинг хотиним оёғи гипсланган ҳолатда пайдо бўлди ва сартарошлардан биттаси билан ади-бади айтиша бошлади. Ҳалиги сартарош хотинимни бир чеккага, тор кўчага чақиряпти денг. Билиб турибман, у ҳозир хотинимни ҳақорат қилади, балки урса ҳам керак, чунки жуда ғазабга тўлгани башарасидан кўриниб турарди. Менинг хотиним бўлса гипсланган оёғи билан оқсоқланиб, унинг орқасидан юрди. У бўлса тобора тор кўча томон орқаси билан тисарилиб юрар, дарбоза тагига ўзини оларди. Мен негадир ўрнимдан қимирлай олмаймам ва хотинимга ёрдам беролмайман, уни ҳимоя қилолмайман...

— Сизга нима бўлди?—гудурлади доктор.—Уйқуга тўймадингизми? Уйқу элтяптими?

— Мен жуда чарчадим.

— Ҳечқиси йўқ. Энди тузалиб кетасиз. Ҳозир ҳамма гап синган оёғингизнинг тузалишида. Бир ярим ойча ишга ярамайсиз, шу давр ичида бамайлихотир гаплашиб оламиз. Хўш, ҳозирча айтинг-чи, авлодингизда алкоғоликлар бўлганми, ёшлигингиз қандай шароитда ўтган.

— Ёшлигимми? У вақтда мен қишлоқда яшаганман...

Мен ўз товушимни гўё четдан эшитгандек бўлдим. Товушимни танимадим. Сўзларим эшитилмас, худди тўқилган симоб томчиларидек оғир эди.

— Сизга гапириш ҳали оғирлик қилади,—деди доктор.

— Сиз ёшлигим ҳақида сўрадингиз-а?

* *

*

Қуёш ётоғига бош қўймоқда. Ой энди чиқиб келмоқда эди. Чивинлар ғинғиллаб жонга тегеди. Қишлоққа молларни ҳайдаб келишяпти. Болалар ва қизлар қишлоқ четига эчки-сигирларни кутиб олгани чиқишган, улар Петрухи амакининг қаровсиз қолган боғидан хом крижовникларни узиб ейишади. Олис-олисдан аёл кишининг товуши эшитилади. У адашган эчкини чақиради:

— Шалпанг қулоқ, шалпанг қулоқ, хў шалпанг қулоқ!

Кеч. Дарё сокин оқади. Фақат баъзан-баъзан сув юзида шип этиб балиқ кўриниб қолади. Дарё устини туман қоплаган.

— Шалпанг қулоқ, хў шалпанг қулоқ, шалпанг қулоғов!

— Нимага туман-а, Костя? Уни худо юборадими?

— Вой, тентагей. Шунчаки буғ майда-майда томчиларга айланади, шунда туман ҳосил бўлади. Учинчи синфда ўқиганингда ҳаммасини билиб оласан.

— Шалпанг қулоқ, хў шалпанг қулоқ!

— Бувим бўлса, момақалди роқни ҳам худо юборди, дейди.

— Нонушта қиласизми?—сўради санитар.

— Бувинг мактабда ўқимаган. Учинчи синфда ўқиганингда ҳаммасини билиб оласан.

— Егим келмаяпти,—дедим бош чайқаб.

— Бари бир ейиш керак, бу ҳам дори-да, ҳеч бўлма-са бир-икки қошиқ енг,—у қўлида тоғорача билан ёнимга ўтирди.

Мен эътироз билдирмадим.

Куз. Бугдойни ўриб, япчиб олишган. Пичанни ўриб, гарам қилиб қўйишган. Колхозчилар подадан ўзларининг эчки, қўй, сигирларини олишди. Утлар қуриб, музлаб қолган, энди моллар оғилхонада туради.

Эрта тонгда дарахтларга ва бурганларга шудринг тушади, кўлмак сув музлаб қолади. Ҳовлида қўйларнинг жунини катта қайчи билан олишади.

Кундузи, мактабдан келиб амакимнинг ўғли Славка билан молхонага борамиз, қўйларни ёзда кечаси шу ерга қамаб қўйилади, Славка худди қадим замонда ишлатиладиган ойболтага ўхшаш болтаси билан молларнинг қават-қават бўлиб кетган гўнгни ғиштга ўхшатиб сомон аралаш кесиб олади. Мен унинг орқасидан юриб, уларни паншаха билан ағдараман. Шунақа ғиштарни бизда тезак деб аташади. Тезак печкада жуда яхши ёнади.

Кечқурунлари биз олинган жунларни тараймиз, қоқамиз ва ифлосдан тозалаймиз. Шунақа жундан калава ўралади ёки кигиз этик қилинади.

Жун титиш жонимизга теккандан кейин бамайлихотир ўтириб олиб, писта чақамиз. Чироқни атайлаб узоқ вақтгача ёқмаймиз. Керосинни аяймиз. Бувим эртак айтиб беради. Онам бўлса печкани ёқади. Ғўлаларда нам қайнаб кўпиради. Ўтин ёниб бўлгандан кейин бувим чўгга товани қўяди. Бувим қизиб кетган товага хамир солганда у вижиллайди ва ёрилиб кетади. Биз иссиққинна қуймоқ еймиз.

Яқинда дарёда сув музлайди, шунда ҳар кун кечқурун кошыки отиш мумкин.

— Менинг фикримча, Лусаровга тизерцин беришни тўхтатса бўлади, деди доктор.—У ўрнидан сапчиб турмайдиган бўлиб қолди.

Фельдшер қўлидаги блокнотига буни ёзиб қўйд.

Менинг чапам йўқ эди. Бувим шаҳарга борсам, сенга чана олиб келиб бераман, деганди. Бу Пугачев шаҳарини эди. Ораси йигирма километр.

Вақт ўтиб борар, бироқ бувим шаҳарга боришни хаёлига ҳам келтирмасди. Биз бошқа нарсани ўйлаб топдик. Тосга сув қуйиб, кечаси даҳлизга олиб чиқиб қўйдик. Сув эрталабгача тарашадек қотиб қолди. Мен тос-

ни ағдарган эдим, ичидан юм-юмалоқ муз кўчиб тушди. Мен ана шу музга ўтириб олиб, тепаликдан сирғанардим. Муз жуда яхши сирғанарди. Фақат орасига арқон кўйиб юбориш эсимизга келмабди. Музни тепаликка қўлида кўтариб чиқаман денг.

Кушлардан бирнда музда сирғанаётган эдим, олдиндан кўшшимиз Никон Куприянович ўтиб қолди. У бир пас тўхтаб турди-да, музга қараб кулиб кўйди, кейин ўз иши билан кетди. Никон Куприяновичнинг иши кўп: у ҳам дурадгор, ҳам уста. Уй ҳам қура олади, шкаф ёки стул ясаш ҳам қўлида келади. Бир айби шуки, қулоғи ҳеч нарсага эшитмайди, том битган. Урушда унга яқин жойда снаряд портлаган экан. Никон Куприянович тупроқнинг тағида қолиб кетган экан. Уни ўртоқлари қутқариб қолишган, аммо кар бўлиб қолган.

Орадан бир неча кун ўтгач, эшигимиз тақиллади ва туман қоплаб олган совуқда Никон Куприянович кириб келди. У уйга ян-янги ёғоч чанани олиб кирди. У у ёқ — бу ёққа қараб, мени кўриб қолди, ҳозиргина кўчадан келиб, печка устида ётгандим.

— Хўш, мана сенга чана. Маза қилиб учавер,— деди у.

Бувим иккаламиз раҳмат дейишга ҳам улгурмасдан Никон Куприянович чиқиб кетди. Мен печкадан сакраб тушдим-да, устимга пальтони олиб, кўчага чопдим. Бувим орқамдан бақириб қолди.

— Қулоқчингиз қаёққа кетяпсан?

Мен ҳовлида Никон Куприяновичга етиб олдим-да:

— Никон бува, катта бўлганимда мен ҳам дурадгор бўламан. Уйлар қураман, чана ясайман, устачилик қиламан. Мен ҳам сенга ўхшаб кун бўйи ишлайман,— дедим.

Лекин Никон Куприянович ҳеч нарсага эшитмади. У ҳеч нарса демади, дағал, гадир-будир қўли билан бошини силаб, кулиб кўйди-да, қорни гарч-гурч босиб юриб кетди.

Шуни айтиб ўтмоқчиманки, Глеб Васильевич анча табиати поэтик, эсли-хушли одам эди, у ҳаётда кўп нарсаларни қилиши мумкин эди.

Мен, шошма-шошарлик қилиб олдиндан гапириб кўйдим шекилли. Ҳа, Глеб Лусаров ҳозир оламдан ўтган. У айни навқиронлик пайтида, бошқача қилиб айтганда, барча орзу-умидларини рўёбга чиқара олмай, фожияли

ҳалок бўлди. Институтни битирганидан кейин (Глеб Васильевичнинг ҳам врач бўлганини ҳали айтмадим шеклли) у студентларга ўхшаб эмас, балки мустақил равишда фикр юрита бошлади, бироқ бирор тузукроқ иш қилиш унга nasib бўлмади.

Бу ҳикоя, медицина мазмунида олганда, фақат касаллик тарихини баён этиш билан чекланмайди. Мен касалхонамиз архивидан Глеб Васильевич Лусаровнинг 689-касаллик тарихини сўраб олдим, мана, ҳозир у столим устида ётибди. Бироқ медицина ҳужжатларининг расмийлаштиришда жуда пухта иш кўришимга, икир-чикиригача эринмай ёзиб чиқишимга қарамасдан, 689-касаллик тарихида, сизларга айтиб бермоқчи бўлган нарсаларим қисқагина конспект тарзида ёзилган холос. Глеб Васильевич Лусаровнинг бундан бир неча йил олдин ёзилган ҳаёти ва касаллик тарихини ўқир эканман, у айтиб берган жуда кўп воқеаларни эслайман. Ҳикоямга шуларни ҳам қўшдим.

Мен бу ерда қаҳрамонимнинг ёшлигида қандай касалликлар билан оғриганини, ирсиятини ва фақат врачни қизиқтириши мумкин бўлган махсус нарсаларни айтиб ўтирмайман.

Мен Глеб Васильевичнинг ташқи қиёфасини қисқача бўлса-да таърифлаб бермоқчиман. У қотмадан келган, келишган, норғул йигит эди, ёшлигимда шунақа йигитларни гвардиябоп дейишарди. Сочлари оч сариқ, бурни катта, лекин пучуқ эди (физиономистлар бунақа бурунни ҳазилкашлик аломати деб ҳисоблашади). Ияги гўштор, юмшоқ, чеҳраси ва мовий кўзлари ҳамиша бир оз ғамгин кўринарди. Уйлайманки, илгари Глеб Лусаровнинг чеҳрасида кўпроқ севинч акс этган. Бироқ мен кўрганимда гарчи кулиб турганда ҳам доимо ғамгин кўринарди.

У бизнинг касалхонамизга тушганида ҳали 28 ёшга тўлмаган навқирон йигит эди. Тўғриси айтганда, у барча гўзал нарсаларнинг шайдоси, бу сўзни турмушга тадбиқ қилганда ўзига яраша идеалист эди. У сал нарсадан қаттиқ таъсирланар ва ҳис-ҳаяжонлари дарров ўзгарарди. Масалан, у хотинининг жуда софдил ва меҳрибонлигига шак-шубҳасиз ишонганди, хотини унга хиёнат қилганидан кейин эса дунёда садоқат ҳам, муҳаббат ҳам, дўстлик ҳам мутлақо йўқ деган қатъий қарорга келди. Айтганча, Глеб Васильевичнинг тасаввурдаги севги ва садоқат ҳақидаги бу хил кескин ўзгариш озми-кўпми касаллигига алоқадор бўлиб, турмушда бошига

тушган оғир мусибатлар бунга чиндан ҳам сабаб бўлган эди. Мен ўзимнинг врачлик кузатишларимдан бундай ҳолатнинг ўтиб кетишини, одамнинг яна асли ҳолига келишини ва орадан бир неча йил ёки ойлар ўтгач унда яна ишонч ва умидлар пайдо бўлишини, севишни ва қайтадан бахтли бўлиб кетишини биламан.

Сиз албатта тушуниб олгандирсиз, ҳа ўзим ҳам буни яширмайман, мен Глеб Лусаровга жуда хайрихоҳман. Бу ҳақда кейинроқ батафсил гапириб бераман.

Балки китобхонлардан бирортаси мени умидсиз ва ҳаётдан ажраб қолган хаёлпараст, шу публицистик повесть босилиб чиққандан кейин у дарров катта натижа беради, шундан кейин пиянисталик жуда ҳам камайиб кетади, деб ўйлайдиган киши деб ҳисоблаши мумкин. Йўқ, мен реалистман. Менинг фикримча, алкоголизмга қарши пропагандани жуда турли-туман жанрлар ва шаклларда, ниҳоятда хилма-хил воситаларда олиб бориш керак, бунда плакатдан тортиб, кинематографиягача фойдаланиш зарур. Лекин мен шуни яхши биламанки, алкогольга қарши ва умуман ичкиликбозликка қарши кураш узоқ вақт сабр-тоқат, чидам билан машаққатли иш олиб боришни талаб қилади. Бу хилдаги курашни вақти-вақти билан эмас, балки муттасил равишда қунт билан олиб бориш керак. Ана шундагина яхши натижа чиқишига шубҳа қилмасдим. Менинг китобим хусусига келганда эса, у босилиб чиққудек бўлса, мен ҳозир мамлакатимизда алкогольга қарши олиб борилаётган курашга оз бўлсада менинг ҳиссам қўшилди, деб ҳисоблайман.

Мен врачман. Менинг ўз вазифаларим ва ўз иш услубим бор. Пиянисталарга нисбатан мажбурий чора кўриш керак, бироқ бу ишни врачлардан кўра кўпроқ маъмурий-милиция амалга ошириши керак. Мен қаҳрамонимнинг ўзимга ёқишини яширмайман, китобхонлар қалбида ҳам шу қаҳрамоним Глеб Лусаровга нисбатан хайрихоҳлик ва меҳр-шафқат уйғотсам, деган ниятим борлигини очиқ-ойдин айтиб қўя қолай. Ишончим комилки, қаҳрамонимнинг бошига тушган мусибатларни ўқиган китобхонларнинг кўпчилиги алкогольнинг инсон ҳаётида қанчалар машъум роль ўйнаши мумкинлигини илгаригидан бошқачароқ, жиддийроқ ўйлаб кўрадилар. Мен одамда нафрат, жирканч, ғазаб уйғотадиган пияниста ҳақида ҳикоя қилганимда ўз вазифамни унча адо эта олмаган бўлур эдим. Фожиа инсон қалбига дарров етиб боради, дилида раҳм-шафқат уйғотади ва одамни

ўйлатиб қўяди. Юзларча касаллик тарихи пичдан шу битта, ҳозир сиз ўқийдиган касаллик тарихини танлаб олганимда онгли равишда ана шунинг назарда тутдим.

Ҳар йили ёзда Серёжа тоғам (ойимнинг акаси) бизникига келарди. У қаердадир Қутб доирасида яшар ва ишлар, бизнинг қишлоғимизга эса фақат отпусказида қариндош-уруғларини кўриб кетгани келиб кетар эди. Серёжа тоғам ҳар сафар шимолга жўнаб кетаётганида менга кичкина тюлень олиб келишни ваъда қиларди. Шу сабабли, тоғамнинг ҳар сафар келишини эшитганимда, уни жуда бесабрлик билан кутардим. Албатта у тюленчани олиб келмасди. Лекин бари бир у келиши билан уйимиз хурсандчиликка тўларди, мени ҳам ҳеч зерпктирмасди. Биринчидан, Серёжа тоғам катталар учун жуда кўп янги гапларни топиб келарди (катталарнинг ҳамма гапини диққат билан албатта эшитардим), иккайкейин мен учун ҳам у гап топарди. Иккинчидан, у қишлоқда бир неча кун яшаганидан кейин зеркиб қолар ва шаҳарга жўнаш тараддудиди бўларди. Бунда эди албатта менинг ҳам шаҳарга боришим турган гап эди.

Биз шаҳарда, районимиз марказида айланиб юрардик, бозорга кирардик, тоғам менга ичига чўп тикилган қип-қизил хўроз қанд олиб берарди, магазинларга кириб нарса сотиб олардик, ё бўлмаса шунчаки молларни томоша қилардик. Кейин ресторанда овқатланардик — у ерда жуда бемаза, аччиқ овқат беришарди. Тоғам у ерда анча-мунча ароқ ичиб оларди. Кейин биз кинога тушардик, кинодан чиқиб шаҳар боғига борардик, мен от ўйинида учардим, иккайкейин Серёжа тоғам менга мороженое олиб берарди. Меҳмонхонада ётиб қолардик. Эрталаб уйга қайтиб келардик. Мен қишлоққа таассуротларга тўлиб қайтардим, кейин бир ҳафтагача ўртоқларимга сафар ҳақида гапириб берардим ва шаҳарга борганимиз бир неча кунгача тушимга кириб чиқарди.

Эсимда, яна бир сафар шаҳарга борганимизда мен биринчи марта пиво ичганман. Ушанда мен тоғамнинг ҳақиқий алкоголик эканини билмасдим. Лекин унинг ҳар ярим соатда гоҳ ошхонага, гоҳ ресторанга, гоҳ дўконга кириб, пиво ёки ароқ ичиб чиққани эсимда бор. Қунлардан бирида у мен учун ҳам бир кружка пиво олиб келишни буюрди. Мен пивонинг кўлигини пуфлаб, бир қултум ичдим. Пиво жуда тахир, ярамас нарса экан. Кейин Серёжа тоғам пивоини ичиб қўйишга мени ҳар қанча ундаса-да, бошқа бир қултум ҳам ича олмадим.

Қаҳрамоним ва пациентимнинг бу ҳикояси алкогольга табиий мойиллик бўлмайди, деган шубҳасиз фикрни яна бир бор тасдиқлайди. Аксинча, ҳатто «безарар» бўлган пиво ва қувватсиз узум виносини биринчи марта ичганда ҳам одамда нафрат пайдо бўлади.

Бизни ана шу табиий нафратни енгиб, алкогольни ичишда давом этишимизга, кўпинча тобора кўпроқ миқдорда ва тез-тез ичиб туришимизга нима мажбур этади?

Агар гап биринчи марта алкогольни ичиш, ҳали унинг уйдаги пиянисталик чегарасидан ўтмаганлиги ва ҳали касалликка айланмаслиги устида кетаётган бўлса, шу нарсани айтиб ўтиш керакки, бу проблема психолог врачлар вазифасидан кўра кўпроқ социологлар, психологлар вазифасига кирadi.*

Алкоголь одамга жуда қадимдан маълум. Тўғрироғи, одамлар ёввойи ҳолда ўсадиган узумдан жуда қадим замонларда, ҳали улар деҳқончилик билан шуғулланмаган даврда алкоголь олишга ўрганганлар. Айтганча, баъзи алкогольсизми текшириш билан шуғулланган олимлар ақлни ҳайрон қолдирадиган мантиқий шошқалоқлик билан ҳатто неолит одамнинг деҳқончилик билан шуғулланишга ўтиши кўнгилни хурсанд қиладиган ичимликларни ҳайдаш учун мева ва дон олишга уриниш билан боғлиқ бўлган, деб ҳисоблайдилар.

Буддизм ва ислом дини ичкилик ичишни таққиқлайди. Яҳудийлар ва христиан дини спиртли ичимликка «худонинг туҳфаси» сифатида қарайдилар ва винони айрим байрам кунларида, баъзи маросимларда ҳамда сирли ўтиришларда диний ичимлик сифатида ичишга рухсат этганлар.

Христиан дини анча кеч қабул қилинган Россияда узоқ вақтларга қадар маъжусийлик тушунчаси ва маросимлари сақланиб келди, улар қисман христианликдан ўтди, қисман православ черкови догматларига қарши турли хилдаги хурофотлар ва уларга боғлиқ бўлган анъанавий урф-одатлар сифатида давом этди.

Масалан, Янги йил маросимида ва масленицада кўпчилик бўлиб ўтириш ва худо йўлига вино қуйишда маъжусийлик иншоналарни шундоққина сезилиб туради. Қачонлардир («биринчи кун жодуси») йилнинг биринчи куни қандай бўлса, йил охиригача ҳам шундай бўлади, деб ҳисобланар эди. Шу сабабли, Янги йил кирадиган куни ва масленицада шунчаки тўйгунча еб-ичишмас, балки иложи борича кўп еб-ичишарди.

Вақт ўтиши билан диний тақиқлар тобора кучини

йўқота бошлади, ичиш маросимлари ва одатлари эса майдаланиб, кўпайиб кетди. Энди катта аграр ва черков байрамларида ҳам ичишар, ичганда ҳам жуда кўп ичишар, бундан ташқари барча диний байрамлар муносабати билан (черков календари бўйича бундай байрамлар ўнларча), ҳар бир оилавий тантаналарда — тўйда, бола туғилганда, чақалоқни чўқинтирганда ёки бирор киши ўлганда ичишарди... Фақат қишлоқда эмас, балки шаҳарда ҳам алкогольни ичиш учун сабаб кўпая бошлайди. «Меҳмонга ичкилик тутмаслик уят ҳисобланади, — деб ёзади 1914 йилда В. Я. Канель, — ароқ ва вино ҳар қандай дўстона суҳбатнинг, ҳатто ҳар қандай иш юзасидан суҳбатлашишнинг таркибий қисми ҳисобланади... Яхши ичиш санъати, бошқаларни ҳам шунга ўрганишга мажбур этиш яшаш учун курашишнинг яна бир шартидир».¹

Бугун-чи? Бизда деярли ҳар қандай яхши ва ёмон воқеани «ювиш» одати бор. Ёш ишчи ҳаётида биринчи марта маош олади — шу заҳотиёқ ўртоқлари уни ўраб олиб, албатта ресторанга ёки кафега судрашади. Кейин ҳар сафар маош олгандан кейин ичиш канда бўлмай қолади. Кимдир янги нарса сотиб олди, дейлик. Шунда қўшнилар дарров ҳазиллашиб, янги нарсани «ювиш керак», дейишади. Ана шу ҳазил кўпинча жуда кўп ичиш билан тугайди. Биз уйга меҳмон таклиф этар эканмиз, ароқсиз шунчаки бир пиёла кофе билан пирожное еб, суҳбатлашиб ўтиришни, телевизорда берилаётган қизиқ кўрсатувни тамоша қилишни, меҳмонларни ва мезбонни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашишни ҳатто тасаввур қила олмаймиз. Йўқ, биз столга бир шиша коньяк билан икки шиша вино қўйишни ўз бурчимиз, деб ҳисоблаймиз. Биз шу зайлда меҳмон кутишга бирам ўрганиб қолганмизки, ичкилик бўлмаса гап гапга қовушмайди. Бир одам китоб ёзса, диссертация ёқласа, мансабга кўтарилса, хотинини чақалоқ билан туғруқхонадан олиб келсә — ҳаётда сал бўлсада бирор воқеа содир бўлса — у қариндош-уруғлари ва ёру дўстларига қуйиши керак.

Афсуски, ҳаётимизда кўп учраб турадиган ана шу анъаналар ичмайдиган одамларнинг алкоголь истеъмол қиладиган одамлар сафига қўшилишига сабаб бўлади.

Масалан, асримизнинг бошидаёқ А. М. Коровин ота-онага ва умуман қариндош-уруғларга тақлид қилиш

¹ В. Я. Канель. Алкоголизм и борьба с ним. М., 1914, 271-б.

«яшил илон»га қўшилиш процессида содир бўлади. деб айтган эди. Унинг маълумотларига кўра, спиртли ичимликларни ичган 68 процент ўғил бола ва 72 процент қизлар уни ота-оналарининг таклифи билан татиб кўрганлар; 23 процент ўғил болалар ва 23 процент қизларни ичишга қариндошлари ва уларнинг танишлари ўргатган. Фақат 8 процент ўғил болалар ва 4 процент қизлар алкоғолли ичимликларни яширинча ўзлари ёки болалар билан бирга ичганлар. Бу манзара энг янги тадқиқотлар билан ҳам тасдиқланади: масалан, тахминан спиртли ичимликларни ичган 80 процент болаларнинг ота-онаси алкоғоллы ичади, кўпинча эса ичкиликни сунистеъмом қилади.

Яқинда москвалик психиатрлар (Э. С. Дроздов, А. И. Кузнецов, И. Г. Ураков ва бошқалар) хроник алкоғолизмга мубтало бўлган 1703 та одамни текшириб, маълум социал микромуҳитда деярли одат тусига кириб қолган алкоғоллы ичиш традициясини аниқладилар. Бу беморларнинг ончаларида фақат 20 процент ҳодисада алкоғолга ёмон муносабат бўлган, 70 процент ҳодисада «ширакайф қилиш» йўл қўйса бўладиган ҳисобланган, 10 процент оилада эса қаттиқ кайф қилиш маъқулланган. Уша беморларнинг улфатлари орасида эса (танишбилишлари, дўстлари, бирга ишлайдиган одамлар) фақат 4 процент ҳодисада алкоғоллы ичиш қораланган, 43 процент ҳодисада ширакайф қилиш маъқулланган, 53 процент ҳодисада эса қаттиқ маст бўлгунча ичилган. Бунда ярим ҳодисадан кўпроғида компанияда одам қанчалик кўп ичса, шунчалик «мард» бўлади, деб ҳисобланган.

Мен одамлар спиртли ичимликларни мутлақо оғизларига олмасликлари керак, демоқчи эмасман. Бу гап фақат алкоғолдан ўзини бутунлай тийиши керак бўлган айрим категориядаги беморларга тегишли бўлур эди холос. Яхши вино озгина ичилса жоннинг роҳати. Лекин ҳамма бало шундаки, биз баъзан меъёрни билмаймиз ва бу роҳат бағишлайдиган шаробни ичиб, ҳайвонга айланиб қоламиз. Алкоғолни кўп ичадиган улфатларга қўшилиб қолганда одам меъёрни билмай қолади.

Менинг ёшлигим Катта Иргиздаги Сақме қишлоғида ўтган. Мен ҳозир ҳам эман ўрмонига туташган дала-ларни, қишлоғимизнинг серқуёш ёзини соғинчман, энда у ерда юмронқозиқларнинг чийиллашидан ҳаво титрайди ва ер устида тебранади ҳамда қаёқларгадир, қади.

Шу ерда, Березовка деган қўшни қишлоқда мактабни тугатдим ва мени медалчи сифатида Биринчи Москва Медицина институтининг гигиена факультетига имтиҳонсиз қабул қилишди. Баъзи шифокор врачларнинг санитария врачларига менсимасдан қарашларини билман. Улар хато қиладилар. Келажак гигиенаникидир — бу эса трюизмдир. Айтганча, гап истиқболда ҳам эмас. Мен шунчаки ўз ишимни севардим ва бу касбнинг зарулигини доимо сезардим.

Студентлик йилларим ҳақида ҳикоя қилиб ўтирмайман, у йиллар ҳамма студентларнинг ҳаёти каби ўтган. Деярли ҳамманикидек ўтган. Биринчи курсда мени институтдан ҳайдашларига сал қолган. Бунинг сабаби шундай бўлганки, мен қишлоқдан марказга келгач, умумий ривожланишда шаҳарлик студентлардан қанчалик орқанда қолаётганимни сездим, шунинг учун спектакль ва концертларга ҳар кунни борардим, доим музейма-музей юрардим, виставкаларга, расмлар галереясига борардим, анатомия ва гистологиянинг ўрнига Блокнинг шеърларини, Кнут Гамсуннинг повестини ёки Пикассо ва Эль Греко ҳақидаги монографияларни ўқирдим...

Мен эрталаб тонг саҳарда соат бешда турардим. Шоша-пиша чалакам-чатти нонушта қилиб (пулларимни консерваторияга ва китоблар олишга сарфлаб бўлгандим), Мох кўчасидаги аудиторияга югурардим, биринчи йилларда бизга ўша ерда лекция ўқишарди. У ерда эскигина, ёмон созланган рояль турарди. Студентлар келгунга қадар музика чалишни ўрганардим. Мен шунчаки чалишни сал-пал ўрганиб олиш ниятида эдим. Мен гаммалар ва машқлар билан кўп шуғулланмасдим, орандан кўп ўтмай, унча мураккаб бўлмаган Шумановский «Карнавал» идаги «Киарина» ёки Чайковскийнинг «Йил фасллари» даги «Октябрь» га ўхшаш пьесаларни чаладиган бўлиб қолдим.

Умуман ўша пайтларда деярли бутун вақтимни музика чалиш билан ўтказардим. Грампластинкалар жонитаним эди. Тушлик қилиш ўрнига Глюк, Бетховен, Шопен, Рахманинов, Сибелиус, Прокофьевнинг асарларини сотиб олардим. Агар сотиб олганим грамёзув партитурасини топсам, янги музика нотасини титкилаб, ҳаммасини битта қолдирмай чалиб чиқардим. Нота бўлмаганда куйни то ёдлаб олмагунимча пластинкани тинмай қўяверар эдим.

Мен аста-секин фақат музика асаринигина эмас, балки ижрочининг ҳам қадрига етадиган бўлдим. Бу эса,

гапимга ишонинг, сиз ўйлаганча осон иш эмас. Бунда менга битта ўша фортепьяно учун ёзилган пьесанинг Рахманинов, Софроничский ва, масалан, Аксельрод ижроларини таққослаб кўришим ёрдам берди. Шунчалик музикапараст бўлиб кетган эдимки, ҳатто трамвайнинг кўнғироғини эшитсам ҳам шу қаттиқ товушни хаёлимда беихтиёр бирор оҳангга солиб чалардим. Автомобиль моторининг шовқини, эшикнинг гижирлаши ва бошқа ҳар хил товушлар менга шу хилда таъсир қиларди. Мен ўрмонда сайр қилиб юриб, ўзим ёқтирган куйни ҳуштак қилиб чалардим, баъзан эса хаёлга берилиб кетиб, ҳатто метро эскалаторида Рахманиновнинг «Элегия» сини ёки Глюк операсидан Орфей ариясини баланд овоз билан айтиб юборардим.

Лекция бошланишига яқин қолганда мустақил ўрганидиган музика машғулотида тугатардим ва аудиториянинг юқори қаторида ўтириб олардим. Мен лекция эшитишни хаёлимга ҳам келтирмасдим, ҳамма материални дарсликлардан албатта топиш мумкинлигидан шундай қилмасдим, бунинг сабаби шунда эдики, менинг портфелимда доктор Яремичнинг бирорта касаллик ҳақида эмас, балки рассом Врубель тўғрисида ёзган монографияси ётарди. Икки соатлик ёки тўрт соатлик лекцияда монографияни ёки санъат ҳақидаги бошқа китобни ўқирдим.

Ичкиликбозлик ва алкоголизм одамнинг ўз ишига қанчалик берилганига, бўш вақтини қандай ўтказишига, индивидуум маънавий истаклари даражасининг қандайлигига бевосита боғлиқ эканлиги социологлар ўтказган жуда кўп тадқиқотлар билан аллақачон тўла-тўқис тасдиқланган.

«Маълумот даражаси қанчалик юқори бўлса, одам уни оширишга шунчалик кўп ҳаракат қилади; одам қанчалик маданиятли бўлса, у ўзининг маданий даражасидан шунчалик кам қаноатланади; киши маънавий жиҳатдан қанчалик бой бўлса, у маданий бойликларга шунчалик кўп интилади. Бу хусусиятлар ва интилишлар аслида алкогольни кўп ичишга мос келмайди»¹.

Бу ўринда шунини айтиб ўтиш керакки, бўш вақтни ўтказиш модаси ва маънавий ривожланишининг юқори

¹ В. Переведенцев. Мнение неравнодушных. М. Давлат сўёсий адабиёт нашриёти, 1972, 163-бет.

даражаси гарчи жуда муҳим роль ўйнаса-да, шахсни спиртли ичимликларга ҳавас қўйишдан ҳимоя қиладиган бирдан-бир ва шак-шубҳасиз фактор бўла олмайди.

Биологик моментларни гапирмасданоқ, анча-мунча соф социал ҳодисалар — меҳнат коллективдаги келиш-мовчиликлар, ўз истеъдодини ва «ҳаётда ўз ўрнини топиш» ни тушуниб ололмаслик, бинобарин ишдан кўнгли тўлмаслик, онладаги можаролар ва ҳоказолар учрайди, булар қандай бўлмасин ичкилик ичшига интилиш учун туртки бўлади.

Ичкиликбозликни капитализм қолдиги дейиш аслида қуруқ гап. Дарҳақиқат алкоголизмга олиб келадиган синфий сабаблар бизда аллақачон йўқотилган, иқтисодий сабаблар — ишсизлик, қашшоқлик, эртаги кунга ишончсизлик ўтмишда қолиб кетди. Бироқ социал сабаблар албатта бор. Уларни жуда қунт билан ўрганнш-да давом эттиш керак.

Бироқ бўш вақтни қандай ўтказиш масаласига қайта-миз. Санъат, адабиёт, музикага ҳавас қўйиш, турли хилдаги нарсаларни коллекция қилишдан ташқари (пияниста коллекционерни ким кўрган?) пиянисталикни ёппасига профилактика қилишда спорт жуда муҳим роль ўйнайди. Спорт билан актив шугулланиш, биринчидан, ичкиликбозликка имкон қолдирмайди, чунки катта жисмоний нагрузка ва спорт жамиятларининг қаттиқ интизоми спортчилар ўртасида пиянисталикни подир ҳодиса қилиб қўяди. Иккинчидан, спорт коллективининг бутун руҳи, машғулотларга қизгин берилиб кетиш, яхши натижаларга бор куч-ғайрат билан интилиш — буларнинг ҳаммаси спортчини қандай бўлмасин бошқа бирор-та ўз-ўзини қўзғатадиган воситани қўллашдан қайта-ради.

Афсуски, спортизмнинг жуда оммавий бўлишига қарамай, мамлакатимизда спорт билан асосан ўспиринлар ва ёш йигит-қизларнинг шугулланишини синчиклаб ўтказилган социологик текширишлар аниқлаб берди. 35 ёшдан ошган аёллар ўртасида амалда ҳечам спортчилар йўқ. Шу ёшдаги эркеклар ўртасида ҳам спортчилар 20—24 яшар йигитлар ўртасидагига қараганда уч ярим марта кам.

Бу масалани яхшилаб ўйлаб кўриш зарур. Бизга фақат муҳташам, ажойиб спорт иншоотлари керак эмас, улар Совет Иттифоқида қурилган ва ҳар йили қурилади. Кичик спорт комплексларига маблағ ажратиш пайти келган, комсомоллар эса спорт майдончалари тармоқла-

рини кенгайтиришга, ҳар бир йилги-қизни спорт билан шуғулланидиган қилишга аҳамият беришлари керак.

Бироқ мен Глеб Лусаровнинг ҳаёти тарихини давом эттираман.

Рассомликка ҳам тобора қизиқишим орта бёрди. Мен расм чизилган кўпгина матоларни гўё биринчи марта кўраётгандек эдим; расмнинг ҳам музика билан илк бор танишганда пайдо бўладиган ҳиссиётларни кўзгата олишини янги кўз билан кўрдим.

Бунга менинг бирдан ақлим етди. Дастлаб мен кўр-газмаларга ва галереяларга бориб, уларни астойдил кўрардим, рассомларнинг фамилияларини, улар чизган расмларнинг номини ёзиб олардим, картиналарнинг мазмунини тушунишга ҳаракат қилардим. Мен мана шуларни: Репин ва Шишкинни бебаҳо рассомлар, Серов ва Брубелни декадентлар, ёмон ва ясамачи, енгилтабиат рассомлар деб ўйлардим. Ўша вақтда ҳаммаёқда шундай дейишарди. Мен бунга чиппа-чин ишонардим. Ҳеч шубҳа қилмасдим.

Куилардан бирида қуйидаги воқеа содир бўлгунга қадар мен шу фикрда эдим. Умуман олганда ҳеч нарса бўлгани йўқ. Шунчаки мен Третьяков галереясини бошидан охиригача ўрганиб бўлиб, бир куни одатдаги Брюлловдан Репинга борадиган йўлимдан бошқа томонга, томсшабинлар оқимиининг қаршисига — Репиндан Иванов ва Брюллов расмлари томонга юрдим.

Мен полотнолар олдида тўхтамасдим, бироқ битта-битта қадам қўйиб, гоҳ ўнг, гоҳ чап томондаги экспозицияларни томоша қилиб юрардим, илгари кўрганларим олдида тўхтамасдим. Мана, Суриковнинг расмлари турадиган хонанинг эшиги. Мен Репин расмлари олдида сибирлик рассом чизган полотнолар томон юра бошладим. Нигоҳим Репин расми «Бояр аёл Морозова» га тушди. Мен ўзимни гўё очик эшикдан ташқарига чиқиб қолгандек ҳис қилдим. Кўзингни юмсанг ҳам шундоққина кўришиб туради денг.

Мен, орадан бир-икки йил ўтгач, шу кичкинагина кашфиёт туфайли, қадимги рус иконаси расмини чизувчилар образларининг гайри табиий равишда чўзилган фигураларининг гўзалликда ҳеч нарсага қилёслаб бўлмайдиган бебаҳо санъат эканлигини тушундим. Мен илгари бу иконалар доимо бўм-бўш турадиган ва одам кам кирадиган Третьяковка залларига тарихий ёдгорлик

сифатида қўйиб қўйилган, уларнинг санъатга алоқаси йўқ: «Мана, одамлар қадим замонларда жуда содда, қўлларидан келганча расм солганлар, ҳозир айниқса передвижниклар расм солишга жуда уста бўлиб кетганлар», деб ўйлардим.

Ана шундан кейин менинг ҳақиқийликка эмас, балки тасвирий санъатга қизиқишим бошланди. Суриковдан кейин Камиль Коро мени мафтун этди. Мен унинг пейзажларида музикани ҳис этдим. Куйни кўрдим. Матьослик, севинч, ҳайратни кўрдим. Кородан сўнг эски усталарга бошқача қарайдиган бўлдим, шу билан бирга импрессионистларга ҳам қизиқиб қолдим. Импрессионистларни бир вақтлар зарарли, «нотўғри йўл тутган» рассомлар деб ҳисоблашганига ҳозир ишонгинг келмайди.

Кейин — Сезанн. У узоқ вақтгача жуда совуқ ва сермулоҳаза, рационал бўлиб кўринди. Матисс. Қанчалик қизиқ бўлмасин, фақат шундан кейингина — рус иконаси ва эрта Уйғониш даври расмлари мени қизиқтирди. Ҳозир мендан ҳаммадан ҳам қайси рассомларни яхши кўрасиз, деб сўрашса, эҳтимол Рублев, Учелло, Сезанни айтардим.

Ушанда мен нақадар бахтиёр эдим. Уша вақтларда ичкилик ичиш хаёлимга келмаганига ўзимнинг ҳам ишонгим келмайди. Менинг фикру ёдим ҳам бутунлай бошқа нарсалар билан банд эди, бир сўм бўлса ҳам ортиқча пулимни китобга, репродукцияларга, театр ва концерт залларига билет сотиб олишга сарфлардим.

Аҳволим баъзан кулгили бўларди. Эсимда, бир ўртоғим антракт вақтида (биз чамаси Большой театрда эдик) бир шиша мева сувини сотиб олганида ҳайрон қолган эдим. «Нега олдинг,— дедим унга.— Ахир бу пулга грампластинка сотиб олиш мумкин-ку».

Шундай қилиб, мен кун бўйи кўргазмаларга ва театрларга борардим, шеърлар ўқирдим, музыка эшитардим. Баҳорги сессия пайти келганда имтиҳонларни қайта-қайта топшириб, бир амаллаб уч баҳога зўрга илинардим, кечалари билан китобларни ёдлаб чиққаным туфайлигина институтдан ҳайдалмай қолдим. Кейинчалик вақтни бир текисроқ тақсимлашга ўргандим ва медицина билан ҳам, мени қизиқтирган бошқа нарсалар билан ҳам бир хилда шугулланадиган бўлдим.

Кузда ва қишда биз курсдош ўртоқларимиз билан Павелецкий вокзалидаги товар станциясида ишладик, сабзавот ва меваларни пульман вагонлардан автомаши-

наларга ортардик, усти очиқ вагонлардан тошқумир платформаларини туширардик. Гарчи яхшигина — бир кунга эски пулда эллик сўм тўлашса-да, мен у ерга кам борардим, яна нимани юклашимизга қараб портфелимиз қуруқ қайтмасди, картошками ёки узумми олиб қайтардик. Мен стипендия олардим, иннайкейини менга уйдагилар ёрдам қилиб туришарди, гоҳо пул, гоҳо озиқ-овқат юбориб туришарди. Шунинг учун доим ишлашга муҳтож эмасдим.

Езда биз кичикроқ бригада бўлиб, пул ишлагани кетардик. Мен биринчи курсни тугатганимдан кейин ўз ўртоқларим билан Кривец (Вологда области) даги ёғоч оқизишда ишладим.

Андога дарёси Суду деган жойга қуйнади, улар орасидаги масофа уч километр келади, бизнинг бригадага шу участкани биркитиб қўйишди. Андога дарёсида ёғочлар мул усулида, бир метрли ва катта ёғочлар дарё оқимида эркин, боғланмай оқизилар эди. Баъзан ёғочлар дарё бўғзига бориб тиқилиб қоларди. Бу вақтда эса тепадан ёғочлар кўплаб оқиб келарди. Ёғочлар уюлиб кетар, дарёнинг тагигача тўлиб тиқилиб қолар, уларни фақат трактор билан судрашдан бошқа илож қолмас эди.

Бизнинг бригадамиз ёғочларнинг кўплаб тиқилиб қолишига йўл қўймаслиги керак эди. Ёғочлар бирор жойда тўпланиб, уюлиб қолди дегунча биз узун дастали чангак билан уларни тарқатардик. Бунинг учун бир-бирининг устига чиқиб кетган ёғочлардан озрогини уриб чиқарсак бас эди, қолганлари ўз-ўзидан сочилиб кетар ва ёғочлар дарё оқимига тушиб кетарди.

Баъзан дарё оқимининг бирор жойида шу қадар кучли шамол турардики, ёғочлар гарчи секин бўлса-да, оқимга қарши кетиб қоларди. Шунда биз оқимга қарши кетаётган ёғочлардан бир қисмини арқонга боғланган илгак билан илардик, бригадани икки қисмга бўлиб, шу илгакли арқоннинг учидан тортиб, дарёнинг икки четидан оқимга томон то дарё эгрилиги ўзгариб, оқими шамолни енгмагунича ва ёғочлар дарё бўйлаб оқиб кетмагунига қадар тортиб борардик.

Ёз иссиқ эди. Ишимиз жуда кўп, бошимиздан офтоб қиздириб турарди. Кундузи ташналик жуда қийнарди. Кечга бориб искарботпарлар таларди. Дарё суви илиқ ва ёғочлар бир-бирига ишқаланиб пўстлоқлари майдаланишидан сув бўтана бўлиб кетган эди. Сувни ичишга кўнгил тортмас эди. Шу сабабли, биз ташна бўлсак ҳам

чидардик, фақат дам олган пайтларимиздагина қирғоққа чиқиб, кичикроқ қоғоз фабрикаси жойлашган қишлоқдаги қудуққа борардик.

Ана шундай жазирама кунлардан бирида ошхонага бир неча бочка пиво олиб келиб қолишди, бундай ичимлик ўша йиллари қишлоқ жойлари учун жуда танқис нарса эди. Эрталабки ишни қилиб бўлгандан кейин, посёлкада пиво пайдо бўлганини эшитдик-да, бутун бригада билан ошхонага қараб йўл олдик. Мен ўша ёшлигимда биринчи марта пиво ичганимда огзимда қолган тахир мазани ҳали унутмаган эдим. Лекин биз жуда ҳам ташна эдик, мен ҳам бошқа ўртоқларим қатори буфетдан бир кружка пиво олдим ва бир кўтарганда ҳаммасини ичиб қўйганимни ўзим ҳам билмай қолдим, пиво эскиб қолган, сал нордон бўлишига қарамай жуда роҳат қилдим. Ичим муздаккина бўлиб, танам яйради. Бошим айланди. Дилим равшан тортиб, дунё ниҳоятда гўзал ва ёқимли бўлиб кетди. Шу кунни кечгача илгаригидек қаттиқ ташна бўлмадим.

Биз бутун ҳафта давомида кундан-кунга ачиб бораётган пивони то охиригача маза қилиб ичиб турдик.

Москвага қайтгач, ҳар сафар тушлик қилганимда ортиқча уч сўмим бўлса албатта пиво оладиган бўлдим.

Глеб Васильевич студентлик йилларида кечирган ҳаётини гапириб берар экан, мен унинг оқибат-натижادا пианиста бўлиб қолганига ҳайрон бўлиб қолдим. Бундай қараганда унинг ҳар нарсага қизиқишлари ва турлитуман нарсаларга берилиб кетиши уни бу офатдан албатта асраши керак эди. Лекин шундай бўлдики, Глеб Васильевич ҳаёти йўлида қоқилди, бирданига ўзгарди ва турмушдаги ўзгаришга бардош бера олмай, ўз умрини хазон қилди. Мен мутахассис сифатида бир нарсани тушунириб ўтмоқчиман. Мана, сурункасига бир неча кунлаб ичадиган алкоголик касалхонага тушади. Ундан: «Нима учун ичдингиз? Ахир сизга ўтган сафар бир рюмка винопиям, бир кружка пивониям ичиши мумкин эмас, деб айтдим-ку!» дейман. Узингиз яхши биласиз, ичишга доимо «баҳона» топилади. Туғилган кун. Мотам. Совуқ. Дўстлар зўрлашади. Оилада можаро бўлади. Хуллас, сабаб минг хил. Оиладаги можаро алкоголиклар учун «ичмасликнинг иложи қолмагани» дейдиган энг кўп баҳоналардан биттаси. Аслини олганда, албатта бошқача бўлади. Оиладаги уриш-жанжал ва қўйди-чиқди ички-

ликбозликдан кейин бошланади. Кўпинча шундай бўлади. Лекин менинг ҳозирги ҳикоямда турмушдаги фожия алкогольни кўп ичишга асосий сабаб бўлган, бу камдан-кам учрайдиган воқеадир.

Глеб Васильевич анча нозик табиат, салга таъсирланадиган, дили огрийдиган одам эди. Чамаси, ана шу нозик табиатлилик ва сал нарсадан дилининг озор топиши ҳаётидаги оғир кунларда ичкиликдан нажот исташига сабаб бўлган.

Агар, умуман алкоголизмнинг келиб чиқиши сабаблари ҳақида сўз юритиладиган бўлса, модомики, шу хусусда сўз юритилган экан, бу масала жуда жиддий, уни бир оғиз сўз билан тушунтириб бўлмаслигини айтиб қўйишим керак. Баъзи одамлар меъёрида ичади, ҳеч қачон ўзини йўқотгунча ичмайди. Бошқаларни эса дарров ичкиликнинг қули бўлади қолади.

Нима учун шундай? Гап алкогольнинг хусусиятидами? Ё одамнинг хусусиятидами? Ниҳоят қандай хусусиятда — жисмоний хусусиятдами ёки психик хусусиятдами?

Бу масалада кўп олимлар бош қотирганлар. Ниҳоят улар алкоголизмнинг келиб чиқиши жуда кўп сабаблар билан изоҳланади, деган хулосага келдилар. Бунда бевосита атрофдагиларнинг, маълум анъаналар ва урф-одатлар, шахснинг баъзи хусусиятлари: беқарорлик, жамият ва ота-она қариндош-уруғлар олдида бурч ҳисси бўлмаслиги, бўшаглик, ўзига ишонмаслик роль ўйнайди.

Менимча, ҳозир олимлардан бирортаси ҳам алкоголизм наслдан наслга ўтади, деб ҳисобламайди. Фақат шароит туғилганда алкогольга ҳаддан ташқари иштиёқ қўйишга замин яратадиган баъзи психик ва жисмоний сифатларни орттириш мумкин, холос.

Ичадиган ота-оналар генетик жиҳатдан кўра, маънавий жиҳатдан кўпроқ хавфлидир.

Специфик алмашинув — эндокрин хусусиятлар алкоголизм учун замин бўлиши мумкин. Бироқ буларнинг ўзи ҳам ўз ҳолича одам албатта алкогольлик бўлади, деб белгилаб бермайди.

Тўла ишопч билан айтиш мумкинки, ичкиликка мойил қиладиган омиллардан биттаси эмас, балки ҳатто уларнинг йиғиндисига ҳам алкоголизмга муқаррар олиб келадиган машъум сабаб, деб қарамаслик керак. Спиртли ичимликларга патологик мойиллик туғма хусусият эмас, балки уни ҳаётда орттирилгандир. У фақат ичкиликни тез-тез ичиб турганда шаклланади. Ичкиликка мойил

қиладиган моментларга эса ана шу махсус, енгиб бўлмайдиган истакнинг қанчалик тез пайдо бўлиши боғлиқ бўлади, холос.

Алкоголизмга бағишланган махсус ишларда алкогольга патологик мойилликнинг хусусан ёш йигитларда ва аёлларда тезроқ, ёши катта бўлганда ичишга бошлаган кишиларда эса анча кечроқ шаклланиши ҳақида кўрсатмалар бор.

Шундай қилиб, гап вақтда. Одамнинг ўзида ҳам. Бу ерда у шароитнинг қули эмас, муболага қилмасдан айтганда ўз тақдирининг хўжайинидир.

Мен жуда эрта уйландим. Институтнинг иккинчи курсида ўқиб юрганимда уйланганман. Рафиқамнинг исми Ольга эди, у мен билан бирга ўқирди. Энди хотиним тўғрисида тобора камдан-кам ўйлайман. Муҳими унга алоқадор бўлган оғир хаёллар ва кечинмалар сўнган ва ёрқинлигини йўқотган. Бироқ касалхонада кейинги кунларда ўрнида ётиб қолиб, бекорчилигимда Ольгани қайта-қайта эсладим.

Оленька курсимиздаги қизларнинг энг чиройлиги эди. Балки менга шундай туюлгандир. Билмадим. Бунақалар ҳақида «Тургенев ҳикояларидаги қизлардан» дейишади. Мен шу гапни эшитганимда негадир жаҳлим чиқади. Мен хотинимнинг қиёфасини таърифлаш учун шунини айтишим мумкинки, уйимизга келган меҳмонлар деворга осиб қўйилган денгиз чиганоги ичидаги Боттичеллевск Венерасининг расмини кўриб, уни Олянинг портрети деб ўйлашарди. Рост, илгари бу ҳаммага манзур расмини кўрмаганлар шундай деб ўйлашарди.

Оленька доимо рассомлар орасида бўларди. Улар Оленьканинг расмини чизишарди. У кўпинча рассомларнинг жонига оро кирарди. Рассом-студентлар ўқитувчига Олянинг ҳатто ўртача чизилган расмини топишарди ҳам уларга яхши баҳо қўйишарди.

Оленьканинг атрофида билимдон, истеъдодли ва «манман деган», гапга чечан йигитлар гирдиқалалак эди, улар ҳар ҳолда енгил ҳаёт кечирешарди. Қишлоқдан келган йигитга Оленьканинг меҳри тушиб қолганига ҳали ҳам ақлим етмайди.

ЗАГС га кетаётганимизда Оленька уялиб-қизариб париштадек пок, вафодор бўлишини, унга мендан бошқа ҳеч кимнинг кераги йўқлигини айтди. Мен бахтиёр эдим. Бу бахтга, тўғриси, турмушимизнинг биринчи йилларида

битта арзимаган нарса рахна солган эди. Очигини айтганда, уни гапиришга ҳам арзимаydi. Ҳар йили Оленьканинг туғилган куннда қандайдир номаълум одамдан бир хил мазмундаги: «Табриклаймман, бахт тилаймман, сенинг дўстинг», деб ёзилган телеграмма келарди.

Хотиним бу ҳақда менга: — Ун беш яшарлигимда қанақадир Юра деган бир бола менга тегажоқлик қиларди, у ўша вақтда мактабни бнтирган, ҳеч қанақа иш қилмай, бекор сандирақлаб юрарди,—деди. Ана шу Юра Оленьканинг кичкина укасини алдаб Оленька ҳақида ҳамма нарсани сўраб-суриштириб, билиб олибди ва унинг юрагига йўл топибди. У Оленьканинг укасидан почталъон ва уй жосуси сифатидаги хизматидан фойдаланиб ҳамда Оленьканинг онаси Александра Наумовнанинг ишда банд бўлганидан ва қўшниси Константин Константинович Серебряковга ҳуштор бўлиб қолганидан фойдаланиб шунга эришганки, Оленька қисқа муддат ичида гўё унинг хотинидек бўлиб қолган. Кейин Оленьканинг ўз маъшуқидан кўнгли совиган ва бадний билим юрти студенти Николай (Кока)га ишқиб тушган. Лекин у билан ўрталаридаги муносабат энг юксак маънавий муҳаббатдан нарига ўтмаган, ёш рассом унинг суратини чизган холос. «Кока шундай ҳаяжонланардики, — деб менга гапириб берган эди хотиним ўша вақтда расмини чиздиргани ҳақида, — унинг қўллари титрар, мўйқалами юрмас эди, ахири у ишни ташлашга мажбур бўлди».

Унинг чеки менга тушди. Мен бахтиёр эдим, «Сенинг дўстинг» деб ёзилган телеграммани ҳисобга олмаганда, бахтимизга ҳеч нарса рахна солмас эди. Телеграммалар аччиғимни чиқарарди. Телеграммаларни юбораётган одам Олянинг эри борлигини билатуриб, шундай қилаётгани жигимга тегарди, бироқ жимгина юриш учун унга олижаноблик етишмасди. У қандайдир балогатга етмаган қиз билан ўйнашиб қўйиб, турмага тушмағунинга қадар канда қилмай, ҳар йили шафқатсизлик билан телеграмма юбориб турди. Оляни айбловчи гувоҳ сифатида судга чақирришди. Ярамаснинг «ишқий кундалиги» га унинг исми тушиб қолган экан. Бунга чидаб бўлмас эди, лекин мен бу воқеани унутишга ҳаракат қилдим ва унутиб юбордим ҳам.

Кока билан муносабатимиз яхши эди. Мен яширинча Оленькамни ундан рашк қилардим. Лекин рашким узоққа чўзилмади, чунки ёш рассом кўп ўтмай уйланиб болалик бўлди, кейин хотинини қўйиб, яна бир марта уй-

ланди ва яна ўғил кўрди. Қисқаси, у ўзининг дарди-ғамми билан овора бўлиб қолган. Оляни ўйлашга вақти ҳам йўқ эди.

Биз хотиним билан Николайникига меҳмонга тез-тез бориб турардик, санъат ҳақида у билан мусобақа қилардик. У кишини ҳеч зериктирмайдиган ҳамсуҳбат эди. Нинмаям бўлдию, Кока менга туғилган кунимда ўзининг акварелини ҳада қилди. Акварель унча ёмон эмас эди, унда Коктебель яқинидаги тоғларнинг манзараси чизилган эди. Пейзаж менга ёқди, уни хонамиз деворига осиб қўйдим. Мен командировкадан Москвага қайтиб келсам (Узоқ Шимолга командировкага борганим ҳақида кейин гапириб бераман), уйда акварель йўқ бўлиб қолибди, илгари акварелга ҳусн бериб турган арқоннинг учи ғарибона қимирлаб турибди. Кока ўзи менга берган суратни олиб кетибди (чамасн кўргазма учун керак бўлганга ўхшайди), шундан бошлаб менинг тутилган кунимга совға қилинган ҳада санъатшунослар айтганидек, муаллифнинг тўпламларидан бирига айланди. Шу арзимаган нарса дилимга қаттиқ ботди. Деворда қимирлаб турган арқон бўлаги ўша кунларда уйимнинг ҳувиллаб қолганидан нишона эди. Мен Оленьканиннг ҳеч қанақа паришта эмаслигини, балки олти ойлик ҳижронга бардош бериш учун кучи етмаганини билиб олдим. Бироқ бу ҳақда кейин гапириб бераман.

Институтни тугатганимдан кейин мени аспирантурада қолдиришди. Мен Узоқ Шимолдаги мактабгача болалар муассасаларининг гигиеник хусусиятларига алоқадор тема устида ишлашим керак эди. Буни илмий раҳбарим, профессор Саричев тавсия этган темалар ичидан тандаб олдим. Анча кенг кўламдаги проблемани ҳал қилиш менинг вазифамга кирар эди: қутб туни даврида «ультрабинафша нурига ёлчимаслик»ни енгиш ҳам, болалар боғчаларини лойиҳалашга гигиеник нуқтаи назардан баҳо бериш ҳам, мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг микроклиминини ўрганиш, масалан, шу билан бирга биноларда оптимал ҳаво намлигига эришиш учун тавсиялар бериш ҳам керак эди.

Экспериментлар ўтказиш учун қутб ортидаги ёш Норильск шаҳрини танладик.

Мен октябрь ойининг бошида ишлайдиган жойимга учиб кетдим. Самолёт икки кундан кейин Сиктивкарга қўйди. Ҳозир у ерда меҳмонхонали ажойиб аэропорт

қурилган, илгари, бундан бир неча йил олдин аэродромдаги ёмон қурилган уйлар хунук манзара бериб турарди. Ҳаво ёмон эди, бундай ҳавода самолёт уча олмас эди. Сиктивкар Норильск маршрутида фақат почта самолётлари учарди. Аэропортнинг тор ва ноқулай биноларида бир неча юз йўловчилар тўпланишарди. Меҳмонхопада болалик йўловчиларга жой зўрга етарди. Чаққонроқ одамлар кутиб залидаги тахталарга жойлашиб олишарди. Қолганлари полда ётишарди.

Ҳаво булут эди. Кўчалар шилт-шилт лой. Фақат тўқ сариқ рангга кирган дарахтлар чиройли ва тик турарди. Кузда Сиктивкарнинг сап-сариқ парки тутун ичида худди қиялаб ёғаетган ёмгирдан шалаббо бўлган мактаб дафтарига ўхшарди — бу бир умрга эсимда қолган. Бунақа гўзал жойни умримда кам учратганман.

Бир ҳафтадан кейин бизни олдин Хатангага, сўнгра Норильскка юборишди. Хотиним мени командировкага жўнатаётганда портфелимга солиб қўйган пул ва колбаса тугай деб қолганди.

Бу ерда ҳаққий қиш эди. Лекин бари бир мен ўзимни фақат Москванинг у районида бу районига ўтгандек ҳис қилдим, чунки Норильск катта замонавий шаҳар экан. Мен абадий музликдаги пайвандланган кўп қаватли уйларни бунёд этаётган қурувчиларнинг жасоратига ҳамиша қойил қоламап. Бу ерда ҳамма нарса; телемарказ, радио, электр, квартираларда газ ва иссиқ сув, магазинлар, клублар, яхмалак ва ҳатто сузиш учун бассейн бор эди. Шимол менга меҳмондўст бўлиб кўринди. Бироқ бу меҳмондўстлик мезоннинг тўкин дастурхонга таклифи эмас, балки ижодга, меҳнатга таклифи эди.

Ҳамма нарса — шаҳар ҳам, унинг атрофидаги тундра ҳам сипо ва жойида (Норильскнинг атрофида шаҳарлар йўқ, атрофи шундоққиси ажралиб турарди), одамлари ҳам камтарин, вазмин эди.

Мен жузый ва кўчма маънода олганда иқлимга тез ўрганиб кетдим. Икки кунгача ўзимни анча ҳорғин сездим, уйқу босарди, кейин аҳволим анча жойига келди, ташкилий тайёргарлик ишларини битиргандан кейин биринчи тадқиқотларни бошлаб юбордим. Мени қизиқтирган нарсалар бу ерда жуда ҳам кўп эди. Худди мен келган кезлари янги «комбинат» — 49-ясли-боғчани очишган эди. Мен ишга шу қадар берилиб кетдимки, совуқни ҳам, шамолни ҳам сезмасдим, ҳолбуки шамолнинг тезлигини ўлчаш учун баъзан оддий приборларнинг даражаси ҳам, узоқ қутб тунни ҳам етишмас эди. Шундай

бўлса-да, 29 январда тоғ ортида бир парча паст турган қуёш кўринганда ва қор ёғиб берганда (қуёш бўлса биздаги «қўзиқорин ёмғиридагидек» бари бир нур сочиб турарди)— худди байрамга ўхшаб кетди. Уша куни мен ишламасликка қарор қилдим ва чанғини кийиб, шаҳар четига қирғовул отгани кетдим.

Уч ой зўр бериб текшириш ишлари билан шуғулланганимдан кейингина бирданига яқинларимнинг — ўғлим билан хотинимнинг йўқлиги билинди. Кўнглим ғаш бўлди ва Ольганинг онда-сонда хат ёзишидан сал ранжидим, мен ҳар куни хат ёзсам ҳам у ойига кўпи билан икки марта хат ёзарди. Қариндош-уруғларимни жуда кўргим келиб кетди. Иссиқ ёзни кўмсаб қолдим. Москва яқинидаги уй айвонида ўтириб олиб, электричкаларнинг узоқдан келаётган шовқинини эшитгим келди. Эринчоқлик билан вазадаги мураббога қўнган арини ҳайдаб ўтирсанг... Ўтган-кетганларни ўйлаб маза қилиб ўтирсанг ёки ҳеч нарсани ўйламасанг.

Мен йўл-йўлакай почтага кириб ўтишга қарор қилдим. Чанғини эшик олдида қолдириб, «довостребование» даричаси олдига бордим. Дарича ортидаги қиз биринчи бўлиб менга салом берди ва ачингансимон бугун келмади-я, ҳаво ёмон бўлганидан самолёт учмабди, деди.

— Кечаги почтани бўлса сиз билан кўриб чиққанмиз, сизга ҳеч нарсани йўқ,— деди у.

Мен қалпоғимни кийиб кўчага чиқдим. Жуда совуқ эди. «Иш чатоқ,— деб ўйладим,—бунақа кўп ишламаслик керак. Жуда мазам қочиб қолганга ўхшайди. Шу бугуноқ янги дўстларимни йиғаман, озроқ шампанское ичиб, улфатчилик қилиб, дилни ёзиш керак».

Овдан қайтишимда гастрономга кириб, бир неча бутилка шампанское, кичикроқ яшиқда мандарин, икки банка консерва олдим. Вақтинча яшаб турган уйимга келдим-да, норильскли оғайниларимга телефон қилдим ва ўзим отган какликларнинг патини юлишга тушдим.

Ўртоқларим тез орада келиб қолишди, кўп ўтмай уй байрамдагидек меҳмонларнинг гунгури ва қаҳ-қаҳаси билан тўлди. Мен меҳмонларга қутб тунидан кейин қуёш пайдо бўлганини тантанали равишда нишонлаш учун уларни таклиф қилганимни айтдим. Қуёш учун, тинчлик учун, Норильск учун ичдик. Мен меҳмонларга боқардим, улар менга жуда яхши кўринишарди. Шимол одамларнинг характеридаги камчиликларни билинтирмайдиган қобилиятга эга. Бағри тош ва ўз ишидан бошқа нарсани билмайдиган одамлар бу ерда ўзига хос, мақсадга қара-

тилган романтикага берилиб кетадилар. Менинг меҳмонларимдан бири бўлмиш Ваня Макеев (у шу ерлик шоир эди) каби ҳали камолотга етмаган, хаёлпараст, баъзан ҳамма ишни пала-партиш қиладиган, ҳаётда ўз ўрнини қидирадиган йигит бу ерда ишчан одамга айланади, у ҳар хил хаёлларга берилиш ўрнига муқаддас орзуларга интилади. Бу одамларда олифтагарчилик, қуруқлик, сунъийликдан асар ҳам қолмайди, улар тундра каби вазмин ва мағрур бўлиб қоладилар.

Мен жуда оз ичдим. Эй, худо! Наҳотки бир вақтлар мен «ўз меъёримни» билганман ва иккинчи рюмкадаёқ ўзимни тўхтата олганман! Дилим анча ёзилди. Биз ҳар соҳадан гаплашиб ўтирдик, бир гап қолиб, иккинчисини бошлаб кетардик. Шу пайт дунё беиҳёя гўзал эди менга.

Радиони қўйдик. Қимдир бугун кутбчилар учун концерт берилишини билар экан. Концерт программаси жуда ҳам яхши тузилибди: дастлаб Узоқ Шимолга командировкага кетганларнинг хотинлари ўз эрларига бир икки оғиз илиқ сўз айтишди, кейин уларнинг таклифи билан шимолдагиларга атаб, ёқтирган куйларидан концерт берилди. Биз беихтиёр хотинларимиз ҳақида гапир кетдик. Уларни соғиниб бир оз хўрсиндик. Яхшигина кайф қилиб олган меҳмонлардан бири айёропа кўз қисиб қўйди-да, албатта менинг хотиним вақтни бекор ўтказмаётганини айтди. Мен ҳатто ундан хафа ҳам бўлмадим, унга бошдан-оёқ қараб чиқдим-да: «Ахир менинг хотиним Ольга каби ажойиб аёлнинг қандайлигини билганингда эди, бундай демаган бўлардинг. Тентак! У паришта-ку», деб ўйладим. Мен унга хотиним мени сабрсизлик билан кутяпти, ҳозир ўғли билан овора, деб айтмадим. Мен индамадим. Ўзим эса уй ҳақида ўйлардим. Бундан бир ой олдин Янги йилни кутиб олганимизни эсладим. Мен хотинимни хиралашган тасаввуримда қандай пайдо бўлган бўлса, шундай эсладим...—Мана, соат саккиз ҳам бўлди. Сени Янги йил, янги бахт билан табриклайман!

— Сени-чи кириб келаётган янги йил билан табриклайман! Яна тўрт соатдан кейин янги йил Москвагача етиб боради. Шу бир стакан шампанскоени сен билан ўғлим учун ичаман! Кириб келаётган янги йил эскисидан бахтлироқ бўлсин! Қани, ичдик!

— Ишинг жудаям кўпми?

— Йўқ, мен совқотмайман, ёлғиз эмасман. Лекин сизлар ёнимда бўлсангиз яхши бўларди.

— Ҳозир ким билан биргасан?

— Бутун умримни, афтидан, мусофирчиликда ўтказсам керак. Нимага ҳаётингни мен билан боғладинг? Қокага тега қолсанг бўларди. У сени орқангдан қолмасди. У уйдан нарига чиқмайди...

— Менинг ишларим яхши. Бизлар соғ-саломатмиз. Уғлим «Шимол» деган сўзни эшитса бўлди, «Менинг дадам Шимолда! Менинг дадам Шимолда!» деб қичқиргани қичқирган. Агар бирор ширинроқ нарсани егудек бўлса албатта «Буниси дадамга» деб озгинасини олиб қўяди.

— Уғлимиз каттароқ бўлиб олса мен билан юраверасизлар...

— Совқотмаяпсанми? Ахир у ерда жуда қаттиқ совуқ бўлади-ку! Шамол ва бўрон...

— Йўқ, йўқ! Зерикишга вақт йўқ.

— Қимдир менга у ерда йил бўйи фақат қурилган картошкадан бошқа нарса бўлмайди, деди... Ростданам шунақами?

— Сенга бевафолик қилишни хаёлимга ҳам келтирмайман!

— Сигарета юборган эдим, олдингми?

— Катта раҳмат! Яхши кўрганимни юборибсан. Жуда вақтида келди. Қани, яна ичайлик.

Мен янги йил кечаси минг чақирим йироқдаги Ольга билан худди шу тарзда гаплашгандек бўлдим. Ҳамма саволларимга жавоб ололмадим. Баъзи гаплар томдан тараша тушгандек бўлди. Ахир юракнинг ўз тили бор, у дунёдаги барча тилларга тушунади...

Меҳмонлар алламаҳалда тарқалишди. Эрталаб анча дилим равшан, ўзим тетик бўлиб турдим. Яна иш бошланди, иш, иш. Менинг ҳам, дўстларимнинг ҳам, ҳар бир одамнинг бу афсонавий совуқ Норильск шаҳрида иши кўп эди.

Апрель ойининг охирида тўсатдан Москвага бориш, хотиним ва ўғлимни кўриб келишга имконият бўлиб қолди.

Уйга жўнашимга озгина қолганда, кетишимнинг аниқлиги хаёлимга ҳам келмаган эди, мени шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига чақиринди, лекин бу идорага ҳеч қандай алоқам йўқ эди. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига борганимда болалар врачлари ва эпидемиологларнинг йиғилиши бошланган эди. Қичкинагина бир болалар боғчасида дизентерия тарқалгани ҳақида гапиришди. Икки ҳафта ичида бир неча боланинг касал-

лангани қайд қилинган. Касаллик эпидемияси тарқалишга қарши курашиш плани муҳокама қилинди.

Кейин билсам, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими фавқулодда ҳодисани ҳисобга олиб, мени ишдан чақириб олиб, эпидемиологик жиҳатдан шароит ёмон бўлган боғчага юборишга қарор қилган экан. У ердаги эпидстанциянинг эпидемиологи ҳам мен билан ишлаши керак эди.

Ийгилиш ранси мен борадиган болалар боғчасининг ўз врач иўқлиги, бор-йўғи 120 та бола борлиги ва лавозим рўйхати бўйича у ерда врач кўзда тутилмагани, тўғрироғи фақат чорак ўрин кўзда тутилгани ҳақида гапирди. Ириқроқ болалар муассасасидан врач олиб, эпидемияни тугатишни шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими маъқул томпаган, чунки шундай қилинганда бошқа болалар боғчаси врачсиз қолган бўлурди. Шу сабабли, менга тадқиқотларимни қўятуриб, амалий ишга ўтишимни таклиф қилишди.

Соғлиқни сақлаш бўлими мудир и бизнинг институти- мизга махсус шароит муносабати билан бир мунча муд- датга аспирантурадан чақириб олинишим ҳақида расмий хат тайёрлаб қўйибди ва айни вақтда стипендияни ҳам- да «командировка пули»ни сақлаб қолишни хатда сў- рабди.

Шундай қилиб, мен мактабгача муассасага врачлик лавозимига тайинландим. Иш, ростини айтсам, менинг таъбимга тўғри келмайдиган, жуда расво эди. Худди ёввойи ҳайвонга ўхшаб боғчада айланиб юриб, ҳамма бурчакларни қараб чиқиш ва ҳеч қаерда губор бўлмас- лигига, хас-чўп тушмаслигига, идиш-товоқларнинг топ- тоза, ярақлаб туришига ва ҳар бир челақда: «Пол ювиш учун»,... «учун» ким билсин яна нималар «... учун» деган тамга бўлишига эътибор қилиш керак эди. Ошхонада санитария назорати ўрнатиш, меню тузиш...

Шуларга қарамасдан, мен худди шу ерда жудаям керак эдим. Мен болаларга анча зарарли бўлган бу касалликнинг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик учун ҳаракат қилардим ва бутун билимимни сарфлар- дим.

Биз ишни боғчада қатъий карантин ўрнатишдан бош- ладик. Энди болалар доимо боғчада бўладиган, шу ер- да ётиб қоладиган бўлдилар. Мен бўлсам кун бўйи уйда бўлмасдим, бир кун и эса 72 соатгача кўчага ҳам чиқ- май, ишда қолиб кетдим. Мен ўз кабинетимдаги кушет- када ухлардим.

Кўп ўтмай карантинни бекор қилдик. Мен дам олмадан ишлаганим ва бир неча марта суткалаб навбатчилик қилганим учун ўн икки кун дам олишим керак эди.

Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими оиламнинг материкда эканини эшитган экан, мени «дизентерияни енгган голиб» сифатида Москвага бориш-келиш билети билан мукофотлади.

Мен тўсатдан сафарга отланиш билан овора бўлиб, хотинимга телеграмма беришга ҳам улгурмадим. Тезроқ оиламни кўргим келиб, сабрим чидамасди, бунинг устига Ольга сўнги хатида кўпдан бери хат ёзмаётганига ўғлимни касал бўлганини сабаб қилиб кўрсатган эди.

Одамни кутб қишидан — 30 даражали совуқдан уч соат ичида баҳор бўлиб турган жойга олиб бориб қўйганларида унинг нималарни ҳис қилганини сўз билан тасвирлаб бериш қийин. Сиктивкардаёқ исиб кетдим. Қуёш чарақлаб турарди. Қор ҳечам йўқ эди. Аэродромнинг нам бетондаги кўлоб сувда осмон акси кўринарди. Йўловчилар самолётдан чиқишдию, баҳор нафасидан маст бўлиб трапнинг зинасида бир печа секунд туриб қолишди; шундан кейингина пастга тушишга журъат этишди.

Икки ярим соатдан кейин эса Внуково аэродромига кўндик. Бу ер яна ҳам иссиқроқ, ҳеч ким пальто киймаган эди. Ялангоч дарахтлар сал куртак отган, аэродромдан Москвага кетадиган йўлнинг икки четида айрим жойларда майсалар кўрина бошлаган эди.

Хотиним мени кўриб жуда ҳам хурсанд бўлиб кетди, шу заҳотпёқ таниш-билишларига телефон қилиб, трубкага «дадамиз келди, дадамиз келди» дедп бор овози билан. Танишимиз бўлган бир аёл ҳатто қандай қилиб Ольганинг 1941 йилда фронтда бедарак йўқолган отаси топилибди экан, деб ўйлабди. Мен ўшанда хотинимнинг хурсандчилигида ҳеч қанақа сохталикни сезмаган эдим. Фақат орадан бахтли тўрт кун ўтгандан кейингина 29 апрелда хотинимнинг ҳеч қанақа фаришта эмаслигини билиб қолдим, менинг дилимда унинг айёрлиги ва сохталигига шубҳа туғилди.

Ўғлим Александра Наумовнашикида эди. Мен шунда ҳам ҳеч қандай ёмон хаёлга бормадим. Биз дарҳол бунимизнинг олдига жўнадик ва кўп ўтмай ўғлимнинг олдига бўлдим. У бир неча кун грипп бўлибди, ҳозир тузалиб қолган эди. Ўғлим билан эртасига ҳайвонот боғига боришга келишдик.

Мен шу 29 апрелгача ўтган тўрт куннинг турмуш қурганимиздан бери энг бахтли кунлар бўлганини боя айтган эдим. Биз ҳар куни кечқурун театрга, кундузи эса ўғлим билан кинога ёки ҳайвонот боғига борардик. Уйда овқат қилмай, вақтни тежаш мақсадида ресторанда овқатланардик.

Мен Москвада 10 кун бўлсам-у, эски таниш-билишларимни кўрмай кетсам, одамгарчиликдан бўлмас, деб ўйладим. Учининг ҳам уларни кўргим келарди. Шунинг учун 29 апрель куни кечқурун ўртоғим Ромка Знамеровскийникига бордим. Хотинимга қанча ялинсам ҳам бормайман, деб туриб олди. Кирларга дазмол уриб қўйишим зарур, деди.

— Ҳа, у ерда нима ҳам қилардим!— деди Ольга хотиржамлик билан табиий оҳангда.— Сизлар эски қадрдонсизлар, сизларнинг суҳбатларингга халақит бериб нима қиламан.

Мен ҳеч нарсани кўнглимга келтирмай ва ҳеч нарсадан шубҳа қилмай ёлғиз ўзим кетдим, Ромканикида соат ўн шккиларгача бўларман, дедим.

Ромка билан эски қадрдон эдик, эслашадиган ва ўтган воқеалардан гаплашадиган гаплар кўп эди. Лекин, шунга қарамай соат тўққизлардаёқ тўсатдан Ольганинг олдига қайтгим келиб қолди, дўстим билан хайрлашдикда, уйга томон йўл олдим.

Мен такси олмадим, автобусга ҳам тушмадим. Кўчада юриб, ўртоғим билан ичган бир шиша винонинг кайфини очиқ ҳавода тарқатгим келди.

Разгулядаги Ромканинг уйидан «Кировская» метроси олдидаги тор кўчамизгача уч километр эди, мен уйгача хотиним, ўғлим ҳақида, эрта-инди уларнинг бағридан ажралиб (тўғри энди фақат бир ярим ой қолганди) яна Норильскдаги ишимни охирига етказиш учун кетишимни ўйлаб, пиёда кетдим. Июньнинг ўрталарида каникул бошланар эди.

Кечаси совуқ эди, совуқдан этим жунжикиб, тез-тез юриб кетдим. Орадан йигирма минутча чамаси вақт ўтмай, уйга етиб бордим. Хотиним уйнинг ўртасида енгил пальто кийганича, менга қўрқиб қараб турарди. Мен тўсатдан келиб, уни шубҳасиз гафлатда қолдирган эдим. Ў мен бунақа эрта қайтади, деб ўйламаганди.

— Хўш, радио эшитасанми?— у нима қилишини билмай, мендан тескари ўғирилди, приёмник олдига бориб, бирорта тўлқинни тезроқ тутиш учун дастасини бурай бошлади.

«Наҳотки?—ўйладим мен.—Йўқ, йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас!.. Шу заҳотиёқ: «Бундай бўлиши мумкин эмас», деб ўзимни ишонтирдим. «Қўрқиб кетиб, ўзини йўқотиб қўйиш — менга шундай кўрингандир!».

— Қаерга бординг? Ромканикига боринг келмади,— дедим мен, сал аччиғим чиқиб.

— Айланиб келдим. Ҳа, айланиб келдим. Нега ҳайрон бўласан? (Мен умуман ҳайрон бўлганим йўқ эди).— Ё сен менинг кўчада айланиб келишимни кўрмаганмисан? Мен сайр қилишни жуда яхши кўраман. Сен буни ҳечам сезмагансан. Сен умуман менга бепарво бўлгансан.

«Наҳотки?—ўйладим яна,—балки...»

— Қаерга бординг?

Энди шубҳам тобора орта борарди. «Аҳмоқ,—ўйладим мен,—ана шу ярим йиллик жудодикда бутунлай эсингни еб қўйибсан, ўтакетган рашкчи бўлиб қолибсан,—ҳатто кулгил! Бўлиши мумкин эмас. Бўлиши мумкин эмас!».

— Хўш, қаерда айланиб келдинг?

— Тор кўчани! Зимнийни-да! Хўш, нима бўпти?

«Нима бўпти»—бу сўзини у хотиржам, овози ўзгармасдан, қандайдир ўзини дадил тутиб, тўғрироғи ҳатто зарда билан айтди. «Наҳотки тўғри бўлса?».

Ўзимни ҳорғин сездим ва пальтом билан дивапга чўзилдим.

— Зимнийни дедингми?

— Ҳа, Зимнийни!

— Садовой ҳалқасигача тор кўчадан бориб келдингми?

— Ҳа-да.

Тушунтириб қўяй: бизнинг уй олдидан Садовой ҳалқаси томон уч қатор йўл — Перов кўчаси, Зимний тор кўчаси ва Благовешченский тор кўчаси кетади.

— Балки, Зимнийдан бормагандирсан, Благовешченскийдан еттинчи поликлиника ёнидан боргандирсан.

— Йўқ, Зимнийдан.

— Балки, Перовскдандир.

— Мен айтдим-ку, Зимнийдан деб.

«Ёлғон гапиряпти,—ўйладим мен. Зимний тор кўчасини девор билан тўсиб қўйишган, дарбозалари берк. У Садовой ҳалқасига бу ердан ўта олмас эди».

— Кечирасан, бир айланиб келамак,—дедим-да, кўчага чиқдим. Зимний кўчасини тўсиб турган баланд темир деворгача деярли югуриб бордим.

Бу деворни қуришганига кўп йил бўлди. У Нигерия элчихонаси олдидаги болалар ўйнайдиган майдончани ба паркни ўраб туради. Бу ердан автомобиль ўтмайдиган қилишган, автомобиллар фақат айланиб ўтади. Лекин дарвоза, одатдагидан ташқари, очиқ эди! Қўнглим дарҳол енгил тортди. «Қандай қилиб Ольгани бирор нарсада шубҳа қилдим-а! Тезроқ уйга бориш керак. Тезроқ бориб, узр сўрай қолай! Ўзим ҳам шу олти ой ичида жуда кўрс бўлиб кетибман!

Бироқ уйга келгач, нимагадир, ҳозиргача ўзим ҳам тушуна олмайман, узр сўраш ўрнига бирдан бақириб юбордим:

— Дарвоза ёпиқ-ку. Сен Зимнийдан ўтмагансан.

Ольга менга худди бегона итга қараган кучукдек қаради ва гудурланиб қолди:

— Йўқ, мен мулақо Зимнийдан юрмадим.

«Демак, тўгри! Тўгри! Тўгри!»

— Сен Перов кўчасидан юргансан-а?

— Йўқ.

— Благовешченскдан, поликлиниканинг олдиданми?

— Йўқ.

— Демак, сен элчихона олдидаги паркда шундай айланиб юргансан?

— Ҳа, паркда бўлдим.

— Эй худо. Мен ҳаммасига тушундим!—Мен худди дев бўлиб кетдим, меп иккаламиз учун ҳақорат бўлган савол беришдан ўзимни тўхтата олмадим.

— Мен ҳаммасига тушундим! Сен Зимнийдан юрмоқчи бўлгансан, бироқ дарвозанинг берклигини кўриб, паркка киргансан, шундайми?

-- Ҳа, бўлмасам-чи!

— Сен Зимнийдан ўтмоқчи бўлгансан, лекин дарвоза ёпиқ бўлганидан ўта олмагансан, а?

-- Ҳа-да.

— Сен ўйлаб-петиб ўтирмасдан, оғзингга келган гапини айтдинг-а? Сен билмасдан гапириб қўйдинг-а?

— Бўлмасам-чи! Бўлмасам-чи! Дарвоза берк экан холос.

— Юр, бирга айланиб келамиз.

— Йўқ, кўчага чиққим келмаяпти.

— Юр.

— Йўқ.

Мен уни деярли зўрлаб уйдан олиб чиқдим, иккаламиз элчихона олдидаги паркка томон кетдик. Мен Ольганинг кўзларини олиб қочаётганини сезиб борар-

дим, дарбозага яқинлашганимиз сари унинг олазарак бўлиб, ҳаяжонланаётгани билиниб турарди.

— Хўш, нимага бақраясан? Очиқ-ку, дарбоза очик-ку! Мен ҳазиллашувдим!

Ольга индамади. Биз қоронғи йўлгага қараб юрдик. Арғувон тагидаги скамейкада қучоқлашиб ўтирган бир эркак билан аёл бизнинг шарпамизни сезиб шоша-пиша туриб кетишди. Ана шу сайримиз Ольганинг сирини очганини кейинроқ билдим. Озгина ёлгон гапириб, мени чиққан Ольга балки мени Ромканикига бормаи, кечқурун орқамдан пойлаб уйда ўтирган, шунинг учун ҳам уйда бўлган, мен билмасдап кириб қолганим, деб ўйлаган бўлса керак. Бундан ташқари, яқингинада ўша жазмани билан учрашган йўлкада юрганимиз ҳам уни ҳаяжонга солиб қўйган бўлса керак (мен буни сал ўтмай билиб олдим). Худди шу томонга бурилганимдан кейин у шак-шубҳасиз мени орқамдан пойлаган деб ўйлаган.

— Сен уйимдан кетишинг керак,— дедим мен босиқлик билан.

— Нега энди?— деди магрурона, жаҳли чиқиб.— Сен мени ўғлимиз билан қаерга ҳайдамоқчисан. («Ўғлимиз билан» эмиш!).

— Ахир унинг уйи бор-ку?

— Бор!— деди зарда қилиб, дангал, алам билан.

«Мана, тамом-вассалом...»

Мен қандай қилиб уйга етиб келганимни, эшикни очиб, коридордан ўтганимни билмайман. Фақат уйга кириб, ўзимни диванга отиб: «Яшашнинг нима кераги бор? Энди ҳаёт нега керак?» деб бақирганимни биламан. Ольга йиғлади.

— Энди, бошқа ҳечам бунақа қилмайман. Мен бу ишга чек қўймоқчи эдим. Сенга кейин ҳаммасини айтиб бермоқчи эдим!

— Шунинг учун унинг олдига борганимнинг?

Мен дивандан турдим-да, Ольгага тарсаки солдим.

Ана шу поёнсиз тунда мияга қандай хаёллар келмади дейсиз. Мен Юрани, унинг аноним телеграммаларини эсладим. Кунлардан бирида хотинимни телефонда аёл киши чақирганини ва Ольга телефонда гаплашиб келганидан кейин коридорда ким билан гаплашдинг, деб сўраганимда қизариб-бўзариб, бирга ишлайдиган Лебедкин қўнгироқ қилибди, деганини эсладим. Хотиним борган кечаларни ҳам эсладим, у ишхонада «эрларсиз ўти-

риш бўлади», деб айтиб кетарди (бунақа воқеалар кўп бўлганидан мен илгари парво қилмасдим).

Мен гапирмаслигим керак эди. Лекин сабрим чидамди. Мен уни роса койидим, у ҳам кечаси билан мижжа қоқмади. Менинг бахтимга ўғлим яна Александра Наумовнаникида эди.

Хотиним ким билан ўйнашиб юрганини яширарди. Мен у билан иштайдиган барча эркак врачларни санаб чиқдим, уларни ўзим билан солиштирдим, мендап қаерни ортиқлигини, Ольга уларнинг нимасига учганини ўйлардим.

Менинг ниқтаб сўрашларимга, Ольга қанчалик жавоб бермасликка ҳаракат қилса-да, лекин ўйнашининг хотини ва ўғли борлигини гапириб берди. У билан Нигерия элчихонасининг олдидаги боғда учрашганини, уйга олиб келай деса қўшниллар кўриб қолиб, менга айтиб беришидан қўрқганини айтди.

Мен уни таъналарга кўмиб ташладим. Хотинимни вафосизликдан кўра мен биллиб қолганимдан кейин ўйнашдан даров ваз кечганида кўпроқ айбладим.

— Уша шилқимингдан шунчалик осонлик билан ваз кечаркансан, нега энди мен билан ўғлимнинг юзига оёқ қўйдинг,— тинмай гапирардим мен.— Нима сабабдан келишимдан олдин касал боланинг олдинга бормаи қўйдинг?

Хотинимга ва унинг ўйнашига қарши кейинги далилим шундан иборат бўлдики, мен қоровул келиб қолишидан қўрқа-писса боғда учрашиб юришганини улар учун ҳақорат деб ҳисобладим.

— Хўш, шунақа экан, бирорта арзонроқ уйни топса ўлармиди! Унинг хасислигига қараганда у ифлос, пасткаш одам бўлса керак. Қандай қилиб шу ярамас йўлга кирдинг, ахир сен, она, хотин, врачсан-а! Жуда бўлмаганда Шимолдан етарлича юборган пулларимга ўзинг уй топа қолмабсан-да.

Мен тўхтамасдан соатлаб гапирардим. Хотинимни бировнинг отасини йўлдан урганида айблардим, нималар совға қилганини, унинг ўрнига хотинимнинг нима берганини, мен юборган пулларга ўйнашига совға қилгани, йўқми, қўярда-қўймаи сўрардим... Оғзимга нима келса, ҳеч қайтармадим. Мен фақат биргина нарсани — хотинимнинг бевафоллик қилганини ўйлардим. Биринчи кунни кечаси бошим жуда қаттиқ оғриди, роса қусдим. Эрталаб аҳволим анча яхши эди. Кейин шунақаям ичдимки, уйни зўрға тошиб борибман.

Ольга ҳаммасига чидади. Лекин баъзан унинг ўйнашини жудаям ҳақорат қилиб юборганимда кўзларини ола-кула қилиб:

— У ҳақда бунақа дема,—деб кўярди узуқ-юлуқ.

Нега у ҳақда ёмон гапирмай. Эртасига эрталаб телефон жиринглаб қолди, олсам нотаниш ингичка товуш:

— Ольга Владимировнани чақириб қўйсангиз,—деди.

— Ҳа-ҳа! Сизга. Ольга Владимировна керакми? Ҳозир! Жоним билан чақираман!

Хотиним трубкани олди-да, жавоб қилди, товушнинг эшитган заҳоти трубкани қўйиб қўйди.

— У менинг келганимни биладими?

— Билади.

— Нега бўлмаса қўнғироқ қилади? У балки мени ҳеч нарсага билмайди деб ўйласа керак. Бўлмаса, у ахир қўнғироқ қилиб сенинг бошингни галвага қўйишини, шубҳа туғилишини ўйламадимикин?

Ольга индамади.

— Балки у сени мендан рашк қилар? А, лаббай? Яна ўн кун — мен жўнаб кетгунча чидай олмадиларингми?

Мен ўша куниеқ, 30 апрель кунини эрталаб Норильскака учиб кетсам бўларкан. Лекин мен бундай қилмадим. Мен оғзимга келганини вайсардим, хотинимни уришардим, тақдиримдан хафа бўлардим. Мен ўзимни ўзим еб қўйдим, ўзимни одамлар қаторидан чиқариб қўйдим.

Ниҳоят, жўнаб кетиш олдидан рақибимни бир тугиб олиб уришга қарор қилдим. Уни сўз билан ҳар қанча пастга урсам ҳам, тасаввуримда у маънавий ва жисмоний жиҳатдан етук, ҳар ҳолда мендан кучлироқ, ақллироқ, чиройлироқ, мендан юқори эди. Лекин мен бари бир уни урмоқчи эдим.

Кечаси билан хотинимни қистовга олиб, рақибимнинг исмини билиб олдим. Хотиним унинг номини айтишга журъат қила олмай, қоғозга: «Мантуровский Алексей Петрович, 33 ёшда», деб ёзди.

— Қаерда ишлайди?—сўрадим мен.

— Шу яқинда, ветеринария поликлиникаси ёнидаги сартарошхонада.

Ҳайрон бўлиб қолганимдан гапим оғзимда қолди, нима демоқчи бўлганим ҳам ёдидан кўтарилди. Шу заҳотиёқ сартарошхонага бориб, навбатга турдим. Мен одобсизлик қилиб, ҳадеб аёллар залига қарардим, у ердаги усталар орасида фақат ўттиз беш ёшлар чамасидаги бир киши ишларди, корсонни жуда катта, яхши бо-

қилган гозга ўхшарди. Орадан кўп ўтмай у кутиш залига чиқди-да, қоғозга нималарнидир ёзди ва мижози кассирга пул тўлагунича кутиб турди, кир халатининг чўнтагига мижоз пул солиб қўйганидан кейин миннатдорчилик айтди, кулиб қўйди-да, эснаб туриб:

— Навбат кимники?—деди.

— Кечирасиз,—дарров олдига бордим.—Кечирасиз, ишдан кейин бизникига бориб кела олмайсизми? Яхши тўлайман. Бир ойдан бери хотиним касал ётибди, у сочини турмаклатиб, маникюр қилдирмоқчи. Ҳозир аҳволи сэл яхши.

— Ҳа, майли... Уйингиз узоқми?

— Йўқ, хотиржам бўлинг, сизни машинада олиб бориб, яна олиб келиб қўяман. «Соколийки» метроси олдида.

— Алёша деб сўранг...

— Алексей Петровичми?

— Ҳа... Сиз қасрдан биласиз?

— Қўнглим сезди-да. Хайр.

— Омон бўлинг!—У кулиб қўйди. Эснади.—Навбат кимники?

Рақибимнинг мен тасаввур қилгандек бўлиб чиқмаганидан негадир бирдан дилим хира бўлди, аччиғим чиқди. Сартарошхонадаи чиқиб, тўппа-тўғри Держинский майдонига бордим, билетимни Норильсккача шу яқиндаги рейсга компостер қилдим. Шу куни кечқурун хотинимга ортиқча гапирмадим, уришмадим ҳам.

— Нима қилай, ишдан бўшаб, сен билан бирга кетайми?—деди Ольга кечқурун чой ичиб ўтирганимизда.

— Йўқ, йўқ. Сэл эс-ҳушимизни йиғиб олайлик. Агар иложи бўлса, бошқа сартарошхонада сочининг турмаклат. Яна ўзинг биласан.

Эрталаб уйдан ва баҳор кезиб юрган ўлкадан жўнаб кетар эканман, хотинимга:

— Афсуски, ростини айтиб мен билан ажраша қолмадинг. Шунда ўғлим мендан бўлганми-йўқми деб ўйлаб эзилмасдим. Ростини айтганингда мен сенга ишонган бўлардим. Ҳозир эса ишонмайман.

— Нима, эсингни едингми!

— Ўғлим мендан бўлмаган деб фақат бир процентгина шубҳа қиламан. Ана шу бир процент шубҳадан меннинг қапчалик эзилишимни билганингдайди! Йўқ, буни сен ҳеч қачон билмайсан. Лекин худди шу қилмишингни ҳечам кечиролмайман.

Мен байрамин қолдириб, жўнаб кетдим — иккинчи

май эрта тонг эди, баҳордан, ўғлимдан ажралиб яна қишга, совуққа жўнадим — қулоғимда ўғлимнинг худди етимчаларга ўхшаб гапирган гаплари турарди, унинг болалар боғчасида ўрганиб, менга айтиб берган: «яшил боғда най чалинди!» — деган ашуласи мотор шовқинига кўмилиб кетди.

Ғам мени адоий тамом қилди. Кўнглим ғаш, дунё кўзимга тор эди. Мен ухлашга ҳаракат қилдим. Лекин ухлай олмадим. Киптоб ўқимоқчи эдим, юрагимга сизмади. Мен ўғлим ҳақида ўйлардим, у энди худди етимчага ўхшаб қолган эди. Мен боланинг ҳаққи-ҳурмати хотиним билан ярашишим керак, деган қарорга келдим.

Мен Сиктивкарда самолётни узоқ кутиб қолмадим, кечаси соат учдаёқ Норильскдаги уйимга етиб бордим. Кўзимни очиб қарасам дераза орти ёп-ёруғ, кўзимга тушиб ухлатмади. Жонинг азоби. Деразамда дарпарда бўлмай, юнқа парда тутилганди, шунинг учун қутб нури уйни ёритиб юборган эди. Мен ҳатто бир таблетка люминал ичсам ҳам ухлай олмадим.

Эрталаб магазинлар очилгандан кейин бир шиша спирт сотиб олдим-да, ўлгудек ичдим, шундан кейинги шиша кўзим илди. Мен икки кун бош кўтармасдан ичдим, бешинчи май кун ишга чиқдим. Кабинетимга кириб, тушликкача ўрнимда қимирламай ўтирдим. Бутун фикру хаёлим кейинги кунларда ҳаётимда рўй берган воқеалар билан банд эди. Мен ҳатто ошхонага борадиган вақт келганда хурсанд бўлдим. Нарн-бери овқатландим-да, фикримни тўйлаб, ишлашга уршиб кўрдим. Лекин кечгача ўтириб, ҳеч иш қила олмадим.

Уйга келиб бир рюмка спирт ичдим, шунда жуда қориним очиб кетгани билинди, гўё кундузи ичимга туз кирмагандек эди. Мен дарров суюқ ош қилдим, котлет қилиб, дастурхон ёздим.

Суюқ ош жуда иссиқ бўлганидан, то совигунча, текширишларимнинг баъзи бир натижаларини ёзиб қўймоқчи бўлдим. Ёзув машинкаси олдига ўтирдим. Миям жуда тиниқ эди. Лекин фикрларим чалқшиб кетган, хаёлим паришон эди. Мен иш ҳақида кўп ўйламасликка уришиб, машинканинг клавишларини боса бошладим. Узук-юлуқ фикрларим қоғозга тушарди:

«Суюқ ош совигунча бирор нарса ёзиб қўймоқчиман. Мен то суюқ ош совигунча бирор нарса ёзиб қўйишга қарор қилдим. Бироқ ҳеч нарса ёза олмайман. Ҳатто фикримни ҳам қисқача ёзолмайман. Спнов, синов... Машинка жуда яхши ёзпти. Суюқ ош бўлса совий турсин.

Жуда иссиқ. Мен уни ҳозиргина плитадан олдим. Эски дўстингдан ортиқ душман йўқ. Тўғрироғи, ўзини дўст қилиб кўрсатган одамдан ёмони йўқ. Нега ўзларини дўст қилиб кўрсатишади! Тўғри, гўё ақлли вазмин, ишбилармон бўлиб кўринишга ҳаракат қилганларида ўзларини аслидагидан тузукроқ қилиб кўрсатишга уринишади. Нега энди ўзларини дўст кўрсатиб, яқин бўлиб олиб, ишонишга мажбур этишади, кейин сотишади? Шундан кейин ҳеч кимга ишонгинг келмайди, ҳеч кимнинг ҳам қолмайди. Шунақа яшашнинг нима кераги бор? Муваффақият қозониш учунми? Икки сўмга эмас, беш сўмга овқатланиш учунми? Яхши винолар ичиш учунми? Энг мода бўлган костюм кийиш учунми? Айтганча, халос бўлиш иллюзияси бор: бошқалар учун нимадир қилиш. Одамлар учун яшаш. Ўзингни унутиш, узлатга чекиниш. Енгини ўчириш керак — ҳамшиша ер юзида бирорта қўшинингнинг уйи ёнади. Қўшинингга ёрдам беришга шошил. Ўзингни ўйламасликка ҳаракат қил...

Лекин юрагим, худога шукур, тошга айлана бошлади. сезиш қобилиятини йўқотяпти, гўё ҳамма нарса жойига келяпти. Азоб йўқоляпти. Доим югурганинг-югурган. Бу ҳамшиша, то ўлгушингча шундай бўлади, чунки одам умрида бир марта севади. Лекин севиш—умуман мансаб эмас! Одам умрида ҳеч кимни севмаган бўлса айб эмас. Севгими, севги эмасми — ҳеч фарқ қилиб бўлмайди. Балки севги хор бўлса, умр ҳам тугаса керак? Гоголнинг «Эски дунё помешчиклари»да шундай ёзилган. Агар мен тирпаолсам севги йўқ. Лекин ҳозирча ўляяман. Мен бутун кучимни йиғиб, чалкашиб кетаётган фикрларимни бир жойга тўплашга уринаман, дилимдаги тугёни бо- сишга ҳаракат қиламан. Одатланганимча ҳаракат қилиб, пешонамда тўзиб кетган сочимни қўлим билан орқага тарайман, кўкрагимдаги қалбим пора-пора бўляпти...»

Ҳа, ҳа! Мен ёзув машинкасини ана шу алпозда алаҳ- лашга мажбур этдим, унинг ричагларини фарёд қилиш- га, арз-дод этишга, йиғлашга мажбур этдим. Овқатла- ниб бўлганимдан кейин қоғоздаги жиннисанги сўзларни ўқиб кўриб, ғалати бўлиб кетдим. Мен руҳан унча соғ эмаслигимни, чамаси ишни давом эттира олмаслигимни тушундим.

Бир амаллаб Норильскдаги ишларимни тугатдим-да, икки ҳафтадан кейин Москвага учиб кетдим. Ўтказган тажрибаларим ҳақидаги ҳисоботнинг хомакиси 29 апрел- дан олдиноқ тайёр эди, шунинг учун ҳам уни ёзиб, иш-

ститутнинг илмий бўлимига ва ўзининг раҳбарим профессор Саричевга топшира олдим. Профессор матерналарни кўриб чиқиб, жуда мамнун бўлди ва яқинда чиқадиган институтнинг илмий ишлар тўпламига дастлабки ахборот сифатида киритишини айтди.

Менинг аспирантурадан кетиш ҳақидаги берган аризамни кўриб, у ҳайрон бўлиб қолди. Олдин у мулойимлик билан, кейин жаҳли чиқиб ишнинг давом эттиришини талаб қилди. Профессор узоқ суҳбатлашгандан кейин гаплашишнинг бефойда эканини тушунгач, мен бўшатишга рози бўлди, бироқ, олдин икки ойлик отпускангизни — каникулни оласиз, деб шарт қўйди.

— Чиндан ҳам аҳволингиз ёмон, қурбингиз етадиган ва ўзингизга ёқадиган ишни топа оласизми-йўқми, билмадим. Шу сабабли, ҳозирча аспирант сифатида икки ой дам олинг, стипендия олиб туринг. Сиз ҳали ўзингизни ўнглаб оласиз, бунга ишонаман,— деди.

Глеб Васильевичнинг ҳикоясини яна бўлиб, мен бир масала устида тўхтаб ўтмоқчиман, менинг фикримча, алкогольизм ҳақида сўз борганда у муҳим аҳамиятга эга. Мен спиртли ичимликларни пичишга алоқадор баъзи нотўғри, хато тушунчалар, анча кенг тарқалган хурофотлар ҳақида ҳикоя қиламан.

Глеб Васильевич Лусаров тасодифий пиянисталикдан мунтазам равишда ичадиган пиянистага айланиб қолишини кейинги бобдан билиб оласиз. Глеб Васильевичнинг тез-тез кўп вино ичишига ўртоқларининг «дилнинг ёзилди», «гамни унутасан» деб берган маслаҳатлари сабаб бўлди. Мана сизга ҳаммадан кўп учрайдиган, гўё алкоголь гам-ташвишдан чалғитади, одамни тинчлантиради, деб алдайдиган биринчи нотўғри тасаввур.

Ҳа, албатта, алкоголь кўпчилик одамларнинг дастлаб кайфиятини кўтаради. Эйфория¹ пайдо қилади. Лекин гап шундаки, бу хурсандчилик нонормад. юзакни бўлади. Маст одам эзма бўлиб қолади, шарм-ҳаёсиз ҳазиллар қилади, баъзан шунақа қилиқлар қиладики, кўпчилиكنинг жонига тегади. Мастлик ҳолати оша боргани сайини ланжлик, уйқу босиши зўрайиб боради, ҳатто бу ҳолат эс-ҳушнинг йўқотишгача етади. Шундай қилиб, маст одамнинг хурсандлиги носоглом, патологик ва қисқа муддат давом этадиган хурсандчиликдир. Айни вақтда шуни айтиб ўтиш керакки, алкоголь кўпчилик одамларда кай-

¹ Эйфория — жуда ҳам хурсанд бўлиш.



фиятни кўтармайди, аксинча дилни ғаш қилади, қайғуга ботиради, йиғи келтиради.

Алкоголь ичишдан олдинги кўнгил ғашлик ҳақида гашириладиган бўлса, бу фикрлар одам маст бўлганда яна ҳам дилни вайрон қилади. Ҳеч бир одам винодан таскин топмаган! Мен ўзимнинг кўп йиллик тажрибамга асосланиб айтаманки, барча ўз-ўзини ўлдирishiниң ҳаммаси ё психик касаллик зўрайганда ёки мастлик ҳолатида содир бўлади.

Рашк васвасасини? Рашк донмо ичкилик ичиш оқибатида пайдо бўлади. Буни кўпчилик психиатрлар аллақачон пайқашган. «Рашк алкоголизм тамғасидир» — деган бир врач. Пияниста хотинини ҳеч қандай асоссиз бевафоликда айблайди, уни қаттиқ ҳақоратлайди ва кўпинча ёвуз бў-

лади. Бу одатдаги пиянисталикда алкоголикнинг сийқаси чиққан рашкидир. Баъзан алкоголь туфайли рашк васвасасининг жуда муҳим манзараси юзага чиқади. Бундай ҳолларда алкоголик хотинини одатдагича рашк қилиб қолмай, ақлага тўғри келмайдиган фикрларга ва ҳаракатларга ўтади. «Сен бугун бошқача нардоз қилибсан, — дейиши мумкин алкоголик хотинига, — эркакларин ром қилиш учун шундай қилгансан, бугун кечқурун мен ишда бўлмаганда, фурсатдан фойдаланиб айшишрат қилмоқчисан!» «Нега гулдондаги гулларни дераза тоқчасига қўйдим? Менинг уйдалигимни ўйнашингга хабар қилганманми?» — дейди у. Алкоголь васвасасига йўлиққан бемор хотинининг орқасидан пойлайди, хотини ишдан қайтаётганда таъқиб қилади, агар хотини кела-

ётиб, магазинда ўн минут ушланиб қолгудек бўлса уриш-жанжал чиқаради. У «бевафоллик белги» сени томоқчи бўлиб, хотинимни бадани кўкариб қолган жойни йўқмикан, деб қарайди ва ҳоказо. Бундай беморнинг ёвуз ҳаракатлари кўпаяди ва атрофдагилар учун хавфли бўлиб қолади. Ичкилик ичганда рашк васвасасининг пайдо бўлиши алкоголикни иложи борича тезроқ психиатрия касалхонасига ётқизиш кераклигидан далолат беради, чунки бундай алкоголикларнинг хотинини рашк қилиб уриб, майиб қилгани ва ҳатто ўлдириб қўйгани каби ҳодисалар маълум.

Албатта Глеб Лусаровнинг винодан таскин топиш йўлидаги ҳаракати унинг бошига бало бўлди. Спиртли ичимлик хотинига бўлган нафратини яна ҳам кучайтирди, кейинчалик эса менинг қаҳрамоним алкоголнинг қули бўлиб қолди. Турмушдаги пиянисталикдап алкоголизмгача бориб, оғир дардга дучор бўлди ва ниҳоят психиатрия касалхонасига тушди.

Энди, алкоголни сунистеъмол қилганда иш қобилиятининг қандай бўлиши ҳақида икки оғиз сўз. Одам ғирт маст бўлганда иш қила олмаслиги шубҳасиздир. Лекин баъзи одамлар озроқ миқдорда вино ёки бошқа спиртли ичимлик ичиш жисмоний ва ақлий меҳнат билан шуғулланишни енгиллаштиради, деб ҳисоблайдилар. Асло! Ҳатто алкоголнинг 30 грамм дозаси мускул ишини 17 процентга камайтиради, бу аллақачон аниқланган. Ҳисоб-китоб билан шуғулланадиган одамларга озроқ миқдорда узум виноси бериб, тажриба ўтказилганда иш суръати пасайган ва хатолар сонини ортган.

Балки алкоголь ижодий фаолиятнинг активлашишига ёрдам берадими? Иши унча ўнгида келмаган баъзи сапъат коҳинлари одатда шундай деб ўйлайдилар. Бошқалар «натура артистизми» ҳақидаги тушунчани ичкиликнинг одамни шўх қилишига, дилини очишига боғлайдилар. Бундай хато фикрнинг заминини қидириб ўтирмаймиз, ишнинг моҳиятидан гапиришамиз.

Ҳа, тарихда истеъдодли рассомнинг (шу сўзни кенг маънода айтганда) алкоголик бўлиб қолгани ҳақидаги фожиали ҳодисалар маълум. Мен машҳур шонрлар, рассомлар, музикачиларнинг номларини айтиб ўтирмайман, касофат ичкилик уларнинг ҳаётини заҳарлаган. Улар бу билан шуҳрат орттиришмаган. Агар ичкиликка ружу қилган ҳар бир рассомнинг ижодий йўлини кўриб чиқадиган бўлсак, ижодий бараканинг камайиб кетгани шакшубҳасиз аён бўлади. Бу одамлар уларни ичкилик «ша-

рефати» дан эмас, балки ичмаган пайтларида ижод қилганлар.

Гап очикдан очик маст бўлганда ёки қаттиқ кайф қилганда одам ижодий иш у ёқда турсин, ҳеч қанақа ишни қила олмаслигида эмас. Гап алкогольни роса ичиб, маст-аласт бўлган куннинг эртасига ичкиликбознинг бармоқлари ппаннио чалишга келмаслиги, қўли мўйқалам ёки перони тута олмаслиги, бошнинг тошдек оғир бўлиб қолишида эмас. Алкоголнинг озгина дозаси ҳам ижодий ишга халақит қилади, меҳнат қобилиятини сон жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам пасайтиради, ҳолбуки одамнинг ўзи буни сезмайди.

Озгина дозадаги алкогольнинг (30 грамм спирт) идрок этиш қобилиятига таъсир қилишини экспериментда ўрганишди. Синаладиган одам алоҳида-алоҳида бўгинларда иборат ёки қисқа-қисқа сўзларни тор даричадан ўтказиб турилганда ўқиши керак эди. У спирт таъсирида кўп ҳарфларни ўтказиб юбориб, ўқишда анчагина хато қилди (бир ҳарфнинг ўрнига бошқасини ўқиди). Вазифани мураккаблаштирилган сари синалаётган киши кўп хато қилди ва сўзларни ўтказиб юборди. Шундай қилиб, алкоголь мураккаб, катта активлик талаб қилинадиган ишга жуда кучли ва ёмон таъсир қилади.

Ўз-ўзидан равшанки, рассом учун умумий маҳсулдорликнинг камайишидан ташқари, унинг ишида ранг сезиш ва кенгликни кўришнинг бузилиши бефарқ бўлмайди. Алкоголь эса гарчи озгина дозада бўлса-да, иккаласини ҳам бўзади, бу ҳам тажрибада аниқланган. Музикачи учун алкоголь гарчи товуш баландлигини идрок этишга таъсир этмаса ҳам тембр, ритм ва тоналликни аниқлаш қобилиятини сезиларли даражада бузиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Шубҳасизки, музиканинг баландлиги унинг афзаллигини билдирмайди. Адабиётчи учун спиртли ичимликнинг ўта сифатли ассоциацияларга нисбатан қобилиятнинг пасайтириши муҳим ҳисобланади, ичкилик оҳангдорлик бўйича ассоциациялар сонини кўпайтиради. Жуда зўр шеърларни ёзиб юрган кучли шоир спиртли ичимликларни сунистеъмол қилиш натижасида енгил-елпи ва тутуриқсиз шеърлар ёзади, аста-секин саёз шеърлар ёзадиган бўлиб қолади. Ҳа, шеърятда ҳам «муסיқийлик», ритмика, ҳаммага маълумки, муҳим аҳамиятга эга.

Ижодий иш қилиш мутлақо мумкин бўлмай қоладиган қаттиқ алкоголь деградацияси хусусида, бу сурункали алкогольизмнинг бошланғич ҳолати тўғрисида биз-ҳали ал-

коголик шахсининг патологик ривожланиши устида тўхтаганимизда батафсил сўз юритамиз.

«Иштаҳа очиш учун» алкоголь ичишни хавфли хатога киритиш керак. Алкоголь дастлаб иштаҳани очиб, кейинчалик овқат ҳазм қилиш органлари ишини бузади ва оқибат-натижада иштаҳанинг бутунлай йўқолишига олиб боради, баъзан эса меъда-ичак йўлини касалликка чалантиради.

Спиртли ичимликларни асло даволаш мақсадида ичиш мумкин эмас. Алкоголь ҳар қандай касалликнинг кечишини оғирлаштиради. Баъзи ҳолларда спиртли ичимлик ички органлар ишнни жуда бузиб юборади ёки психиканинг жиддий касалликларини келтириб чиқаради. Менинг қаҳрамоним худди гриппоз ҳолатни «даволаш» учун иситадиган ичкилик ичганидан кейиноқ алаҳлаш билан психиатрия касалхонасига тушганини кейинроқ билиб оласиз. Ичкиликнинг шундай оқибатга олиб бориши шубҳасиз. Бу касаллик тарихидаги гапларнинг ҳаммаси бўлган воқеа.

Сиз спирт кўпгина касаллик кўзгатувчиларини ўлдирадик, деб эътироз билдирасиз. Ҳа! Албатта. Хирург операцияга тайёрланаётганида операция қилинган ярага инфекция тушмасин учун бекорга қўлини спирт билан ювмайди, Баъзи ўта хавфли инфекцияларда беморларга қарайдиган ходим вақти-вақти билан оғзини спиртда чайиб туриши керак. Иккала ҳолда ҳам гап алкогольни ташқи восита сифатида ишлатиш устида бормоқда. Микробларнинг кўпайишини тўхтатиш учун етарли бўлган алкогольнинг қондаги концентрациясини олиш мақсадида ўрта ҳисобда 12 литр соф спирт ичиш керак! Бунда микроблар эмас, балки беморнинг ўлиб қолишига ҳар бир одамнинг ақли етади.

Баъзан медицинага онд бўлмаган китобларда (масалан, кулинария рецептлари китобларида) «шифобахш винолар» ҳақида ёзилади. Бундай китоблар жуда кўп пухада чиқарилади, унда ёзилган парсаларни эса китобхон чиндан ҳам шундай қилиш керак экан, деб ўйлайди ва унга амал қилади. Тўғри-да! Чунки китобда кулинария бўйича маслаҳатлар ва кўрсатмалар шубҳасиз аниқ, бехато берилади ва китобхон берилган маслаҳатларга амал қилиб, виро ва кучли ичимликларини шифо топиш мақсадида ичиб юради. Одатда гўё «шифо берадиган ва касалликларнинг олдини оладиган ичимликлар» сифатида кагор, мускатлар, шампанское буюрилади. Уларнинг шифобахш самара бериши ҳақида мутла-

қо шубҳага ўрин қолмайдиган, ниҳоятда ишонарли қилиб, илмий тарзда ёзилади.

Бирорта ҳам оқил врач ҳозирги кунда спиртли ичимликни даво воситаси сифатида буюрмайдн. Алкоголнинг шифобахш хусусияти ҳақидаги гап уйдирма, ҳатто кичик дозадаги алкогольнинг бемор одамга зарар қилиши шубҳасиз ва у пухта ҳамда аниқ илмий текширишлар билан исботланган. Спиртли ичимликлар билан касалликларнинг олдинп олиш ва даволаш юзасидан маслаҳатлар бериладиган китоблар, мақолаларнинг муҳаррирлари зиммаларига тушадиган барча масъулиятин тушунишлари ва енгилтаклик билан асоссиз ёзилган бундай гапларни нашрга тайёрланадиган қўл ёзмалардан чиқариб ташлашлари керак.

Одамлар ҳаминша «оби ҳаёт»ни ўлганни тирилтирадиган, ҳар қандай дардга даво бўладиган дорини излаб топишни орзу қилганлар. Халқ эртакларида бу ҳақда жуда кўп нарсалар ёзилган. Аксинча, биз, олимлар «оби ҳаёт»ни бўлмаса-да, бироқ олимларнинг ҳар қандай дардга даво бўладиган ўта таъсирчан дориларни топишларига умид қиламиз ва ишонамиз. Бироқ учар савдогарлар ёки нодон, билимсиз одамлар беморнинг ишончидан ва оғир дардидан фойдаланиб, турли хилдаги, ҳатто оғир ва даволаш қийин бўлган касалликларга зарар қиладиган шубҳали «дори»ларни тарқата бошласалар бу ёмон. Бу алоҳида муаммо, бу ерда табиблик ҳақида сўз юритиб бўлмайди. Лекин қуйидагилар бевосита бизнинг суҳбатимизга тааллуқли: кўпинча табибларнинг рецептларида спирт асос бўлади, шунда ҳам «дори» профессионал медицинадаги каби бир томчидан эмас, балки (медицина ҳам спиртли настойкалардан фойдаланади), масалан, бир ош қошиқдан ва ундан кўпроқ ҳар куни 3 маҳалдан узоқ вақт давомида, ҳатто ойлаб ичиш буюрилади. Шундай қилиб, шундоқ ҳам тинка-мадори қуриб қолган бемор бир суткада ароқ ҳисобида олганда камида 100 грамм алкоголь ичади. Ҳар куни, бир неча кун мобайнида! Бу хилда «даволаш» одамни хроник алкоголька айлантириб қўйиш маъносида ҳам, «дори» буюрилган касаллик манзарасини ва кечинини оғирлаштириб қўйиши маъносида ҳам хавфлидир. Мен табиб буюрган «шифобахш настойка»нинг бемор учунгина эмас, балки соғлом одам учун ҳам зарар қилиши мумкинлигини гапирмай қўя қолай.

Уйга меҳмон келганда, алкоголь жуда қувватли, фойдали ичимлик деган гапларни эшитамиз, баъзи китоб-

ларда эса ўқиймиз. Шунда ҳам пиво, вино ва ўткир ичимликларнинг тўйимли хоссалари ҳақида ёзадиган одамнинг услуби ўзининг «илмий жиҳатдан асослаб бериши», дабдабали, кўпгина тушуниб бўлмайдиган сўзлари билан одамни ўзига ром қилади-қўяди, шунинг учун ҳам кенг китобхонлар оmmasига жуда маъноли ва ишонарли сўзлар бўлиб туюлади. Мана, кулинария ҳақида ёзилган бир оммабоп китобдан бир неча сатрни келтирамиз: «...Фақат шуни қайд қиламизки, винода органик кислоталар, минерал тузлар, азот, ошловчи ва пектин моддалар, В гуруппадаги витаминлар, витамин Р (цитрин) ва С бўлади. Десерт виноларда яна маълум миқдорда жуда фойдали узум қанди бўлади. Пиво жуда фойдали озиқ-овқат маҳсулоти: унда кўпгина озиқ моддалар бор. Кўпинча ун «суяқ нон» деб аталиши бежиз эмас».

Жуда зўр ва пшонарли қилиб ёзилган, тўғрими? Алкоголли ичимликлар ҳақида бундай мақтовларни ўқигандан кейин одамнинг сабри чидайди, бутун витаминлар ва пектин моддалар олиш учун шу яқиндаги магазинга дарров юрасиз. Бироқ магазиннинг вино сотиладиган бўлимига боршдан олдин, бу масалани анча жиддий кўриб чиқайлик.

Дастлаб спиртнинг калориялилиги ҳақида гаплашамиз. Ҳа, бир грамм соф алкогольнинг ёниши 7,1 калория беради, бу углеводлар ва оксидларнинг калориялилигидан ортади. Спирт организм учун гўё бебаҳо қувват манбаига ўхшаб кўринади. Бироқ шуни унутмаслик керакки, *in vitro* («пробиркалар»даги тажрибалар) да қайд қилинадиган ҳодисаларни кўр-кўрона *in vivo* (тирик организм)да кузатиладиган қонуниятларга тадбиқ қилиб бўлмайди.

Маълум бўлишича, тирик тўқималар спиртни ҳақиқий озиқ маҳсулот (яъни, ёғлар, углеводлар, оқсиллар) сифатида ўзлаштирмас, унинг энергия запасидан организм фойдаланмас экан. Спирт организмда ҳеч қандай фойда бермай ёнади. Бунинг устига у ўз қувватини организмга бермайди, балки организмдаги муҳим, ҳаётий зарур биохимиявий моддаларни ўзига олади. Бу ўз-ўзидан тушунарли. Организмнинг ички муҳити ичилган алкогольга нисбатан фалокат, ҳам жузъий, ҳам том маънода олганда, заҳар киритилгани каби таъсирланади. Организм ёт ва зарарли токсик (заҳарли) маҳсулотдан иложи борича тезроқ қутулишга интилади. Одамнинг ва сигналетган ҳайвоннинг барча органлари ҳамда орган

системалари алкоғолдан фойда олиш учун эмас, балки ундан иложи борича тезроқ халос бўлиш учун ҳаракат қилади. Шундай қилиб, организм киритилган заҳарга қарши курашиш мақсадида спиртни оксидлаш ва парчалаш учун ўз «омборидан» қимматбаҳо субстанцияларни ташлайди, бу субстанциялар эса турли органларнинг нормал ҳаёт фаолияти учун зарур бўлади, ана шу моддалар нормада овқат билан қабул қилинган оқсиллар, ёғлар, углеводларни сингдиришда ҳаётий муҳим ҳисобланади. Шундай қилиб, бу муҳим субстанцияларнинг спиртни парчалашга сарфланиб кетиши натижасида организм пластик ва энергетик эҳтиёжлар учун ҳақиқатан ҳам зарур озиқ моддаларни тўла сингдириш имкониятидан маҳрум бўлиб қолади.

Витаминларга келганда, шуни айтиб ўтиш керакки, алкоғоль меъда-ичак йўлининг шиллиқ қаватларига шу қадар таъсир қиладики, витаминларнинг сўрилиш шариоити бузилади, организмда витаминларнинг, хусусан витамин РР танқислиги оша боради. Натижада мунтазам равишда «витамин очлигида» юрадиган хроник алкоғоликда авитаминознинг оғир симптомлари ривожланади.

Шундай қилиб, кўриб турибсизки, алкоғолдан ичимликлар организмнинг энергетик эҳтиёжларини ва витаминларга бўлган талабини қоплашга ёрдам бермайди, балки, аксинча, тўғридан-тўғри акс таъсир кўрсатади. Бунинг устига алкоғоль пластик материал, яъни турли тўқималар қурилишига сарфланадиган моддалар манбаи бўлиб хизмат қила олмайди. Оқсил барча ҳайвонлар ва одам учун асосий пластик материал бўлиб хизмат қилади. Алкоғолли ичимликларда оқсил бўлмайди.

Алкоғолга алоқадор бўлган яна бир уйдирма тўғрисида нима дейиш мумкин — гўё алкоғоль «совқотганда иситар эмиш», совуқ урганда ва совқотганда биринчи ёрдам бериш учун яхши восита бўлармиш. «Алкоғоль билан даволаш» тарафдорларининг фикрини пучга чиқаришимга тўғри келади. Биринчидан, совқотиб ўлган барча одамлар мурдасини ёриб кўрганда 90 процент ҳолида тўқималарда алкоғоль топилган. Қаҳратон совуқда кўчада маст ҳолида йиқилиб қолган одамларни совуқ ургани тўғрисидаги мисоллар ҳам кўп. Айтганча, ҳаво температураси сал пасайганда ҳам одамни совуқ уриши мумкин! Пиянистанинг совуқ олдириши кўпинча оёқ-қўл бармоқларини, баъзан эса оёқ-қўлнинг ҳаммасини кесиб ташлаш билан тугайди.

Совуқ олдириш ва умумий совқотиш билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг кўпчилик қисми шу билан изоҳланадиги, алкоголик шималар қилаётганини ўзи билмайди. Пьяниста ҳар қадамида ухлаб қолгани ёки қарахт бўлиб қолиши мумкин. Бундан ташқари, шушиси муҳимки, маст бўлган одамда температура сезгиси жуда ҳам бузилади. У температуранинг унча яхши сезмайди, пьяниста шунчаки «совуқни билмайди», қаҳратон совуқда кўйлақчан кўчага чиқиб кетади, совуқда қотиб қолиши у ёқда тургани, ҳатто шамоллаб, қаттиқ касал бўлиб қолишини ўйлаб ҳам кўрмайди.

Алкоголь, гарчи уни ичганда субъектив равишда «баданга иссиқ тарқалса-да», аслида тана температурасини оширмайди, балки пасайтиради. Спиртли ичимликлар тери қопламига яқин ётган қон томирларни кенгайтиради, бунинг натижасида организмнинг иссиқлик ажратиши ортади.

Ҳа, умуман, ҳар қандай касалликдаги каби спиртли ичимлик фақат организмнинг умумий қаршилиқ кўрсатиш кучини сусайтириши, табиий ҳимоя механизmlарини кучсизлантириши, алмашинув процессларини бузиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси совуқ урганда ва совқотганда спиртли ичимликларни биринчи ёрдам бериш воситаси сифатида қўллашнинг нақадар мақсадга мувофиқ ва мақбул эмаслигини кўрсатади. Бундай пайтда алкоголь фақат зарарланган одамнинг аҳволини оғирлаштириши, унга зарар етказиши турган гап. Совуқ урган одамни иссиқ жойга олиб кириш, совуқ урган жойларни ишқалаш (асло қор билан ишқаламаслик керак!), иссиқ чой ичириш врач келгунча кўриладиган энг ишончли воситалардир, врач келгандан кейин унга малакали ёрдам беради.

Бироқ мен ўз мавзудан жуда ҳам чиқиб кетдим. Алкоголь тўғрисидаги нотўғри тушунчалар ҳақида батафсил сўз юритиш учун вақтим йўқ, бу ҳақда узоқ гапириб ўтиришни зарур, деб ҳисобламайман, умид қилманки, китобхон юқорида айтганларимга қўшимча далилсиз ҳам тўла ишонади, менинг медицина соҳасидаги кўп йиллик тажрибамни инобатга олади. Энди, қаҳрамонимиз Глеб Лусаровнинг ҳикоясига қайтамиз.

Ольга билан ярашишга аҳд қилган бўлсам ҳам у билан бирга туриш менга жуда қийин бўлди. У билан нима ҳақда гаплашмайлик, унинг бевафолик қилганини

Ўйлардим ва бунн эсдан чиқаролмасдим. Кўпинча кечалари уйқум қочиб, тинмай чекиб чиқардим. Ҳамма нарсага бепарво бўлиб қолдим. Мен театрга бормасдим, ҳатто кинога ҳам тушгим келмасди, мабодо сиқилганимдан бирорта кинога бориб қолгудек бўлсам, бошимга тушган ташвишга сал бўлса-да ўхшайдиган воқеани қидирардим, кинодан оғир ўйга ботиб қайтардим.

Уша вақтларда отпускаи пайтида бирор жойга сафарга отланадиган ўртоқларим мени ўзлари билан бирга келишга кўндиришди, қор босган сайхонликлар ва денгиздан ортиқ дилнинг чигалини, гамни ёзадиган яхши дори йўқ, деб мени овутмоқчи бўлишарди. Биз кичкинагина Қрим шаҳарчаси бўлмиш Судакдан етти километр узоқдаги Янги Дунёга сафар қиладиган бўлдик.

Борган жойимиз жуда ажойиб экан. Бухта, тоғлар ва арчалар жуда чиройли эди. Дўстларим ҳечам зерикшмас, қандай йўл билан бўлмасин мени хурсанд қилишга ҳаракат қилишарди. Улар курортга келган ёш қизлар билан ҳар куни кечқурун танишишар ва уларни бизнинг «ёввойи» палатка — шаҳарчамизга меҳмондорчиликка олиб келишар эди.

— Сенга ҳеч нарса ёқмайди-да,—ғудурлади Олег, у севги бобида жуда устаси фаранг эди, қизлар билан бирпасда танишиб оларди.—Кечаги Зинанинг сенга ёқишига ҳечам шубҳа қилмагандим, ҳозирги Светланами дугонасини бир кўрганда хуштор бўлиб қоласан, деб ўйлагандим. Овсар! Худди оғзинга толқон солиб олгандек гинг демайсан — на ютмайсан, на чиқариб ташламайсан. Аёллар гапга чечан, хушомадгўй йиғитларни ёқтиришади. Тентаге! Жононларни сўз билан эритиш керак. Билдингми?

Ўртоқларим бундай йўл билан мени ншга сола олмасликларини тез орада тушуниб олишди, кейин менга атаб бирорта қизни олиб келмайдиган бўлишди. Бари бир уйни эслаб, дилим донмо ғаш эди.

— Дардинга албатта даво топамиз!—деди ичкиликни яхши кўрадиган Володя. Эртаси куни у Судакдан усти чипта билан ўралган катта шишани кўтариб келди.

— Зўрга кўтариб келдим,—деди у,—Ун литр. Қилоси тўқсон тийиндан!

Шу кундан бошлаб ҳалиги шиша идиш Судаккача қуруқ бориб, Янги Дунёга эса тўла келиб турадиган бўлди.

Бу хилда даволаш менга анча кор қилгандек бўлди. Бир неча стакан, худди етилмаган олмадек нордон ви-

нони ичиб, дилим вақтинча таскин топгандек бўлди. Денгизнинг шовқини ва атрофимдаги одамларнинг товушлари менга бирдан анча аниқ ва қаттиқроқ эшитила бошлади, мен уларнинг гапига қўшилиб кетдим ва ҳатто қизиқ гапни ёки зўр латифани эшитиб баъзан кулдим ҳам. Бутун вужудим исиб, қандайдир роҳатни ҳис қилдим. Миямдаги фикрлар чувалашиб кетди, кейин кўз олдимни қоп-қора духоба ёки қишлоқ печкаси ичидаги қурум босгандек бўлиб қолди. Ниҳоят эс-ҳушимни йўқотиб қўйдим. Мен гоҳ ухлаб қолардим, гоҳ ҳушимдан кетардим, ҳатто баданимда қолган қиттак ҳисни ҳам йўқотдим, бутун дунё қоронги ва дилим сиёҳ эди. Шу сабабли, ғамни унутиб, ҳар хил хаёллар сурардим. Эй, худо! Қанийди энди, ўша вақтда шу хилда ўзимни-ўзим алдаб юрганим учун шунча азоб-уқубатлар чекишимни билганимдайди!

Лагеримиз атрофида кичкина ярим оролда кўп ўтмай бутун бир палаткали шаҳарча бунёдга келди. Одамлар кун сайин кўп келарди. Ҳозир камида юзта палатка бор эди! Энди саёқ Олег кечқурунлари Янги Дунёдан бир ярим километр узоқдаги посёлкага бормаса ҳам бўларди, лагернинг ўзида «ёввойи» қизлар кўпайиб қолган эди.

Олег ўзини «кўрсатиб» юришни яхши кўрарди. Ўзининг бунақа юришини бир неча бор кўрганман.

— Кечирасиз,—дерди у дидига ёқиб қолган қизга,— билмайсизми, қаерда Шаляпиннинг қабри. Албатта бориб кўринг дейишганди!

— Гапингизни қаранг,—деб тушунтироқчи бўларди оқ-сарикдан келган қиз.—Бу ерда қабр йўқ, ғор бор.

— Ғорлигига ишончингиз комилми? Мен қабр деб эшитгандим.

— Яна билмадим, балки,—иккиланиб қоларди курортга келган ёш қиз.—Ўқигандим, назаримда Шаляпин Парижда ўлган шекилли...

Шундай қилиб у қизни гапга соларди, қарабсизки, ҳалиги қиз орадан кўп ўтмай лагеримизда биз билан бирга «дастурхон» атрофида ўтирарди, биз таъбир жоиз бўлса, яшиқ қопқоғини шундоққина ерга қўйиб, ўзимизга стол қилиб олгандик.

Янаги сафар у бирорта қизни кўрса ярим минутгача кўзини тикиб турарди, ҳалиги қизни сал ҳишлолат қилиб, баланд овоз билан:

— Агар ҳаётим сизга керак бўлиб қолса...—дерди.

— Нима?

— Москвада фалон номерга телефон қилинг.

У бирорта номерни айтиб кетарди.

Агар Олег одам гавжумроқ жойда, масалан, овқатланиш учун навбат кутиб турганда бирорта қизга шайдо бўлиб қолса, у мўлжалга олиб қўйган қизининг олди-га гўё эски қадрдонлардек табассум билан бориб, гапни қалаштириб ташларди:

— Нина! Қаерларда юрибсан? Нимага икки кундан бери кўринмайсан? Ишларинг қалай? Ойингчи, ойинг қалай? У орқасини роса куйдирибди-да, офтоб урибди, жизгинаги чиқиб кетибди! Утган сафар сен билан соат ўн биргача ўтирганимдан у хафа эмасми! Бечоранинг дам олишига ҳам қўймадим-да!

Бундай ҳолларда реакция икки хил бўларди. Агар қиз эс-ҳушлироқ бўлса унинг ҳазил қилаётганини билиб қолиб, даррўз жавоб топарди.

— Йўқ-йўқ, ойим ҳечам хафа бўлганлари йўқ.

Агар қиз ақлли ва сўзамол бўлса, улар иккаласи шунақаям гап олишиб қолардики, биз кулавериб, ичагимиз узулгудек бўларди. Жиззакироқ ёки тентакроқ қиз дуч келиб қолса, гапга тушунмай:

— Нималар деяпсиз? Мен сизни танимайман! Сиз мени бошқа одамга ўхшатяпсиз,—дерди.

Агар Олег қизнинг қулоғига:

— Рост, сиз мени танимайсиз! Шунчаки мен сиз билан дўст бўлмақчиман! Ахир биз ҳамманинг олдида таниша олмаймиз-ку. Одамлар бизни енгилтак одамлар экан, дейишлари мумкин,—деса ҳам фойдаси бўлмас эди.

Умуман, бизнинг ошиқи беқарор Дон-Жуан ўз ҳунарини дуч келган қизга ишлатиб кўрарди. Агар у гап отавериб чарчаса, доим бир хил сўзни қайтарарди.

— Менга қаранг, келинг, дўст бўлайлик-а? Хоҳламайсизми? Балки бирорта йигитингиз бордир? Аттанг. Жуда афсус қиламан-да. Кечиринг!

Дам олишимизнинг учинчи ҳафтасида Лена деган қиз билан танишдим, у химия факультетида ўқир экан. Олег уни университетда ўқийдиган ва походга бирга чиққан дугоналари билан дастурхонимизга таклиф қилибди. Биз ўзимизнинг ўн литрли шишамизни очдик, базм жуда қизиди. Вино мени гапга чечан қилиб юборди. Йигитлар мени анча гапга уста, ҳатто ақлли гапларни гапирасан, дейишади. Ҳар ҳолда ўтиришимизнинг эртасига йигитлар гўё Ленанинг мени яхши кўриб қолганини айтишди, аламдан чиқадиган жуда қулай пайт

келди, деб мени ишонтирмоқчи бўлишди. Ҳақиқатан ҳам Лена жуда чиройли ва ақлли эди. Гапирганда тили сал тутилиб қолса ҳам бу ўзига ярашарди. Ленанинг ўзини менга яқин тутаётганини ўзим ҳам сездим. У бизнинг палаткамизга келди-да, мендан ҳар хил арзимаган нарсаларни сўраб-суриштира бошлади. Кейин у юринг, еса бўладиган чиғаноқлар тутамиз, деди, чиғаноқнинг номи бир нарса эди, эсимдан чиқибди. Биз палаткадан қоп олиб, денгизда, қирғоқдан икки юз метрча нарида чиқиб турган харсанг тошлар томон сузиб кетдик. Лена чиғаноқларни қаердан йиғиш кераклигини кўрсатди, иккаламиз, энг катталарини тошлардан сидириб олиб, қопларга солдик.

Чиғаноқларни денгиз сувида пишириб (шунақа қилиш керак экан), кечқурун ўртоқларимиз билан едик. Йигитлар бу ажойиб овқатни жуда хуш кўриб, бир пасда чангини чиқариб юборишди, шуниси қизиқ бўлдики, чиғаноқларнинг ичидан қумга ўхшаш марваридлар чиқди. Бизга бу қўзиқорин ва қисқичбақа гўштига ўхшаш овқат жуда ёқди, тишимизга қум тегса, уни бўш гугурт қутисига ташлардик, улар майда марварид доналари эди. Ҳаммамиз тинмай ҳазил-ҳузил қилиб, роса кулишиб ўтирдик. Виночимиз Володянинг Судакка винога кетганича йўқ бўлиб кетганига болалар хўрсиниб қўйишди. Лекин виносиз ҳам кайфиятим жуда яхши эди.

Кутилмаганда, ҳамма гурунглашиб, бир-бирини аския қилиб ўтирганда Лена баланд овоз билан:

— Глеб Васильевич! — деди.

Лена бу гапни тўсатдан шундай айтиб юбордики, ҳамма унга қараганича жим бўлиб қолди.

— Нима, Леночка?— дедим саросимага тушиб.

— Глеб Васильевич! Мен сизни яхши кўраман!

Мен нима дейишимни билмай қолдим. Ҳамма довдираб қолди, чунки Леночканинг гапидан унинг беҳазил, астойдил гапиргани билиниб турарди.

Леночка ўрнидан туриб, палаткасига қараб кетди.

— Орқасидан югур, — деди ҳиринглаб Олег. — Роса омадинг келди-да!

— Овозингни ўчир! Бу сен ўйлагандақа эмас, сен тушуниб бўлсан,— деди аччиғи келиб Борис дўстим. Мен ҳам ўрнимдан турдим-да, палаткамга кириб кетдим.

Ростини айтсам, Леночка менга ёқарди. Тўғриси, жуда ҳам ёқарди. Мен балки бахтимни шу киздан топарман, деб ҳам ўйладим. Балки у билан бирга бўлишим керакдир. Лекин шу заҳоти ҳаёлимга Ольга келди. «Па-

ришта...—дедим ғижиниб.—Олдин ҳаммангиз ҳам яхши бўласиз». Унга ҳам ишонмадим. Очиги, юрагим дов бермади. Дилимда Леночкага нисбатан тобора ортиб бораётган меҳр ўтини ўчириш учун тонг саҳарда, соат бешда ўрнимдан турдим-да, палаткамни йиғиштирдим, қилган ишимдан ҳайрон бўлиб, серрайиб турган ўртоқларим билан хайрлашиб, Судакка пиёда кетдим, у ердан Москвага кетаман. Катерлар ва автобуслар ҳали юрмаган эди. Яна дилим вайрон бўлди. Бир лаҳза орқамга қайтсаммикин, деб ўйланиб қолдим.

Бироқ орқамга қайтмадим.

Глеб Васильевич Лусаровнинг касаллик тарихини шарҳлаб беришни бўйнимга олган эканман, шу нарсага айтиб ўтишим шартки, менинг қаҳрамоним ва пациентимнинг ҳикояси алкоголизмнинг дастлабки аломатларни пайдо бўладиган даврга келиб тўхтади.

Ўйда ичиб туриш сурункали алкоголизмга, касалликка қачон айланади? Шу саволга, чамаси, пациентларимдан бирортаси ҳам жавоб бера олмаса керак. Беморнинг «алкоголь таржимаи ҳолида» бу чегарани менинг ўзим ҳам аниқлаб беришга журъат эта олмасам керак.

Пиянистанинг спиртли ичимликларга патологик мубтало бўлиб қолган одамга айланиш жараёни анча секин ва жуда маккорлик билан кечади. Адоини-тамом бўлган алкоголикда, кўпчилик ҳолларда ўз ҳолатига танқидий баҳо бериш сусайиб кетади, баъзан эса бутунлай йўқолади.

«Йўқ, мен алкоголик эмасман, ҳамма қатори ичаман», дейди ишонч билан пациентлардан бири. «Товуқ ҳам ичади!» деб ҳазиллашди алкоголикларга хос ноўрин, беўхшов аския қилиб бошқаси. Алкоголизмга мубтало бўлган одамлар ўзларининг оилада ичкилик ичиш «мезонлари» ни тузиб олганлар, бу алкоголикларнинг томонини оладиган гап, гўё шу мезонга қараганда уларнинг оилада спиртли ичимликларга ружу қилиши ҳеч қандай касалликдан далолат бермас эмиш. «Буюмларни сотиб ичадиган одамни алкоголик дейиш мумкин. Мен нарсаларимни сотиб ичмайман. Мен алкоголик эмасман!», «Алкоголикнинг битта ўзи ичади, мен бўлса уфатларим билан ичаман», «Алкоголик одеколонни ва политурани ичади. Мен бўлса, фақат ароқ ичаман!» дейишади.

Ана шунақа гапларни баъзан касалхонанинг қабулхонасида врач олдида ўтирганида, кўзни шамғалат қи-

либ камзулидаги жинларни жаҳл билан чертиб: Йўқолинг, аблаҳлар! Ҳеч бўлмаса докторни олдида тинч қўйинглар, уялингларей!» дейдиган одамлардан ҳам эшигишга тўғри келади.

Пациентларимиз бутунлай нотўғри фикр юритади, десак хато қиламиз. Ҳақиқатан ҳам кўпчилик алкогольликлар битта ўзи ичади, кўплари пулларни ичиб тамоm қилганидан кейин ароқ олиш учун нарсаларини сотади, қолган пулига эса алкогольли ичимликларнинг суррогатларини (қўлбола ичкиликларни) харид қилади. Барч бир сурункали алкогольизмда бу аломатларнинг ҳаммаси бўлиши шарт эмас.

Спиртли ичимликларга патологик мубтало бўлиб қолиш бяр бутун таниқли белгилар комплекс билан характерланади, бу белгилар билан алкогольлик ҳар кун ичиб юрадиган пиянистадан фарқ қилади, бунинг устига ичмайдиган ёки ичадиган одамдан бутунлай ажралиб туради. Бу белгилар ҳар хил турғунликда учрайди ва турли даражада намоён бўлади. Уларнинг бирортаси ҳали алоҳида ҳолда мутлоқ диагностик аҳамиятга эга бўлмайди. Бироқ сурункали алкогольизмга мубтало бўлган одамд биз албатта бу белгиларнинг ҳаммасини озми-кўпми даражада тўла кўраимиз.

Мен сизларга сурункали алкогольизмнинг симптомлари ва симптомоконплекслари ҳақида ҳикоя қилиб берман, бироқ шуларга қараб сиз ўзингизга диагноз қўйишга урина кўрманг. Бу мураккаб масала, у билан фақат мутахассис врач шуғулланиши мумкин. Менинг мақсадим бошқа — у ҳам бўлса-шуки, агар спиртли ичимликларга бирор даражада патологик муносабатда бўлсангиз сизни оғоҳлантириш, бошингизга оқибат натижада тушиши муқаррар бўлган офатдан сизни оғоҳ қилишдир. Бу офат сизнинг соғлигингизни ҳам, ширин турмушингизни ҳам, ишдаги ва ёру дўстлар ўртасидаги обрў-эътиборингизни ҳам аямайди.

Энг аввало спиртли ичимликларга мойилликнинг табиати ҳақида сўз юритамиз. Ҳеч ким онасининг қорнидан ичкиликка ишқивоз бўлиб тушмайди. Аксинча, арзимаган пиво каби ичимликни умрида биринчи марта татиб кўрган одам уни иккинчи оғзига олгиси келмайди (бу ҳақда айтиб ўтган эдим). Ҳар кун ичиб юрадиган одам алкогольни кўнгли тусайдиган бўлиб қолади, лекин бу истак хурсандчилик қилиш, кайфиятни яхшилаш, «дилни ёзиш», «улфатлардан орқада қолмаслик», «чарчқони йўқотиш», «кундалик гам-ташвишларни унутиш»га

урниниш билан боғлиқ бўлади ва ҳоказо. Бундай истакни озгина прода кучи билан бутунлай енгиш мумкин. Бундай уриниш одатлар ва микромуҳит таъсирида ўрганиш бўлиб қолади. Ичадиган улфатларидан ажралиб, ичкиликни қоралайдиган одамлар ўртасига тушиб қолган одам кўп ўтмай уни оғзига олмай қўяди.

Сурункали алкоголизмга мубтало бўлган одам бошқа. Унинг ягона мақсади — ароқ ичиш. У худди калласини қумга тиқиб ётадиган туяқушга ўхшаб, бутун дарду ғамларини кайф қилиб унутмоқчи бўлади. Ичкилик ичиш тўғрисида у тинмай ўйлайдиган бўлиб қолади, бемор ўзининг ичкиликка бўлган патологик истагини зўрға босади, бироқ бу хоҳишни босганидан кейин тасвир қилиб бўлмайдиган даражада кўнгил қонмаслик, безовталиқ, зўриқиш сезади ва ишни охирига етказмаганидан эзланади.

Касаллик ривожлангани сари алкогольга бўлган истак тобора кучая боради ва одамнинг хулқи яна ўзгариб кетади. Энди ундаги ичкилик ичишга бўлган истак «зўраки», «тўхтатиб бўлмайдиган» даражага етиб қолади, беморлар уни «ичкиликка муккадан кетиши», «алкоголь ташналиги» деб таърифлайдилар. Бунда ҳар куни ичиб юрадиган пиянистанинг аҳволига ҳали тушунса бўлади (у, масалан, кайфиятини яхшилаш учун ичади), сурункали алкоголизмга мубтало бўлган беморда эса спиртли ичимликка бўлган истакни психологик жиҳатдан тушуниб бўлмайди, зероки, алкоголь уни эйфорияга (хурсандчиликка) олиб бормайди ёки бир неча рюмка ичганидан кейин қисқа муддатга унинг кайфияти яхшиланади, холос. Бемор эса эс-ҳушини йўқотгунига қадар ичаверади, ичаверади.

Шундай қилиб, алкогольга бўлган истак характери ўзгариши билан спиртли ичимликларни ичишни назорат қилиш йўқолади — бемор қанча ичганини ҳам (муттасил равишда «ўз нормасини» ошира боради), қаерда ичишини ҳам билмайди (қайси ерда ичиш лозимлигини билмаслик натижасида пиянистанинг манфаатига зарар етади, обрўси кетади).

Агар ҳар куни ичадиган одам «ўзи хуш кўрган» ичкиликни ичса, вино ва коньякларнинг қайси нави яхшилигини жон-жон деб айтиб берса, алкоголизмга мубтало бўлган киши кўпинча «нима дуч келса» шунини ичиб кетаверади, бора-бора у қўлбола ичкиликларни ҳам ичадиган бўлиб қолади. Бунда у одеколон, политура, самогон, брагани ичиш оғир оқибатларга олиб боришини

яхши билади, ҳолбуки соф ва энг яхши ичкилик ҳам соғлиққа зарар қиладиган бирмунча зарарли хоссаларга эга. Шуларнинг ҳаммасини билатуриб ичади!

Алкоголь «таржимаи ҳоли»да организмнинг спиртли ичимликларни кўтариши дастлаб анча ошади, кейин жуда ҳам пасайиб кетади. Ҳатто бир кунда 2—2,5 литргача ароқ ичадиганлар бўлади. Соғлом одам шунча ароқни ичса ўлиб қолиши ҳеч гап эмас. «Стажи бор» алкоғолик бир-икки рюмка ичганидаёқ учиб қолади.

Ҳар кун ичадиган пияниста ароқни кўп ичганидан кейин қачон, қаерда бўлганини, нималар қилганини билмайди. Сурункали алкоғолик эса ҳатто озгина ичганидан кейин ҳам кўпинча мастлигидаги воқеаларни эслай олмайди, ё бўлмаса улар эсида узук-юлуқ қолади.

Сурункали алкоғолизм учун хос бўлган характерли энг муҳим синдромлардан бири (бир нечта симптомларнинг қўшилиши) бош оғриғи қилиш синдромидир. Деярли ҳамма одамлар яхши биладиларки, нормал одам кўп миқдорда спиртли ичимлик ичганидан кейин ўзини анча ёмон ҳис қилади. Одам ланж бўлади, тинка-мадори кўрийдди, боши оғрийдди, кўнгли айнайдди, боши айланади, кўп ичиб қўйган одам (алкоғолик эмас) «шу ярамас ичкиликни иккинчи марта оғзинга олмаслик»ка қасам ичади.

Алкоғоликда эса ҳамма нарса аксинча бўлади. Навбатдаги ичкиликбозликдан кейин эртасига эрталаб унда «бош оғриғи» қилиш истаги пайдо бўлади, «аҳволини яхшилаш» учун озроқ миқдорда алкоғолик ичгиси келади. У гарчи шу озгина ароқни ҳам аччиқлигига, ҳидига зўрға тоқат қилиб турса-да, фақат бош оғриғи қилишгина уни оғир аҳвoldан қутқаради.

Бош оғриғи синдроми (алкоғолдан маҳрум бўлиш синдроми, абстинент синдром) га бир қанча турли-туман симптомлар киради.

Озми-кўпми миқдорда ичкиликни ичиб олгандан кейин сурункали алкоғолик энди бошқа ичмаса ҳам жуда қувватсиз бўлиб қолади, унинг қўллари қалтирайдди. Тремор (титраш) умумий ва тарқоқ бўлиши мумкин. Уйқу бузилади, алкоғоликнинг руҳи тушган, ғамгин бўлиб қолади, узук-юлуқ алаҳлаш ғоялари пайдо бўлади. Бош оғриғи қилганида беморга гўё ҳамма уни ёмонлаб габираётгандек, ёки «унинг устидан кулаётгандек» туюлади, бемор хонада, айниқса қоронғида ёлғиз қолишдан, бекордан-бекорга нимадандир кўрқади, унда ўлиб қолиш ваҳимаси пайдо бўлиши мумкин.

Бош оғриғи синдромининг рудиментар аломатлари ҳар кун ичадиган пиянистада ҳам пайдо бўлиши мумкин. Алкоголик учун оғир аҳволнинг озгина миқдорда ароқ ёки бошқа алкогольли ичимликни ичгандан кейин йўқолиши, аҳволнинг яхшиланиши характерлидир.

Маҳрум бўлиш синдроми беморнинг алкогольни мутасил бир неча кунлаб ичишга ўтишида муҳим роль ўйнайди.

Алкоголизмнинг бошқа стигматлари — алкоголь ичгандан кейин уйқунинг бузилиши, спиртли ичимликларнинг иштаҳага зарарли таъсир қилиши диагностик жиҳатдан анча кам аҳамиятга эга. Эркакларда мижознинг сусайиб кетиши, беморнинг иш ҳақиға нисбатан муносабати (ароқ ичишга маошининг қанча қисмини сарфлаши), ҳушёрхонага тушганидан кейин алкоголь туфайли ўзини тута билмаслик, ёлғиз ичиш ва шуларга ўхшаш моментлар касаллик тарихининг умумий контекстидагина аҳамиятга эга бўлади, холос.

Агар сиз юқорида айтиб ўтилган аломатларнинг бирортасини ўзингизда бор, деб ҳисобласангиз, ичкилик ичиш характери ҳақида яхшилаб ўйлаб кўринг, алкогольни илжи борича айрим ҳоллардагина ва кам ичинг, ичкиликка берилманг, «одатдаги доза»нгишни камайтиринг, зероки сиз ҳозир шундай йўлга тушиб қолгансизки, агар меннинг маслаҳатларимга қулоқ солмасангиз, бу йўл шубҳасиз сизни энг оғир касаллик бўлган сурункали алкогольизмга олиб боради. Ҳа, айтганча, мен бу ўринда гап алкогольли ичимликларни БУТУНЛАЙ ташлаш кераклиги ҳақида бораётганини айтмоқчи эдим. Лекин сиз бу маслаҳатларимни қулоғингизга олиб, ичкилик ичишни бутунлай ташлармикансиз. Мен реалистман. Келинг, ҳеч бўлмаса, алкогольли ичимликларни меъёрида ичиш ҳақида келишиб олайлик.

Мабодо, сиз юқорида айтиб ўтилган симптомларнинг ҳаммасини ўзингизда топсангиз сиз дарҳол ичкиликни БУТУНЛАЙ ташланг ва қайтиб уни оғзингизга олманг. «Бошқаларга ўхшаб ичиш», «нормал одамлар каби ичиш» энди ҳеч қачон, ҳатто яхшилаб даволанганингиздан, ҳатто бир неча йил алкогольни оғзингизга олганингиздан кейин ҳам қўлингиздан келмайди. Ичкилик ичишни бутунлай ташлаб, мутлоқ ҳушёрлик режимига ўтганингиздан кейин ҳатто ўн йил ўтса ҳам фақат бирикки рюмка ароқнинг ўзиёқ сизда яна спиртли ичимликка нисбатан жуда кучли иштиёқ туғдиради, сиз албатта «ичиб юборасиз». Ўзингизни оз ичишга ундаб ово-

ра бўлманг. Сизнинг бирдан-бир йўлингиз бор, у ҳам бўлса ҳатто пивони ҳам оғизга олмаслик, ўзни тийиш.

Сиз врачнинг ёрдамисиз, ўзингиз мустақил равишда ичкилик билан дўстлик алоқангизни уза олмасангиз асло ҳайрон бўлмайман. Мабодо сиз ўз ходимларингизга ёки хотинингизга ичкиликни ичмасликка сўз берган бўлсангиз-у, бироқ бу ваъданинг устидан чиқа олмасангиз — фурсатни ўтказмай тезда врачга боринг. Даво қанчалик тез бошланса, муваффақиятга умид шунчалик кўп бўлади. Буни ҳамма билади, бу трюизм.

Менинг қаҳрамоним ва пациентим эса ўзини вақтида тўхтатиб қололмади.

Шундай бўлдики, мен Москвага тўсатдан келдим, келишим ҳақида хотинимга хабар беришга ҳам улгуролмадим. Ольга уйда йўқ экан. Табель-календарда қайд қилинишига қараганда, бугун у навбатчилик қилмас экан. Тушлик пайти эди. Поездда овқатланишга ҳам улгурмагандим, шунинг учун ҳам жуда қорним очди, шоша-пиша кийиндим-да, уйнимиз ёнидаги «Ландиш» кафе-сига бордим.

Стул ёнига ўтириб, менюни кўздан кечириб чиқарканман, кўзим нуқул менюнинг спиртли ичимликлар ёзилган бетига кетиб қоларди. «Нима бало,—деб ўйладим.—Ахир мен алкоголик эмасман-ку, ичмаслигим мумкин! Нега энди шунча йўлдан келиб ичмаслик керак?» Мен икки юз грамм коньяк буюрдим.

Коньякни ичиб ва яхши овқат еб кайф қилдим-да, официантка билан ҳисоб-китоб қилиб, уйга қараб кетдим. Қарасам, Ольга ҳали ҳам келмабди.

Оёқларимнинг ўзи мени беихтиёр Алексей Петрович пшлайдиган сартарошхонага олиб кетди. Тўғриси, хотинимни ўша ерда топарман, деб ўйламаган эдим. Лекин қилаётган ишимнинг қанчалик ярамас, пастлигига қарамасдан, мен бари бир сартарошхонага бордим, гапнинг очиги, мен Ольганинг у ерда йўқлигига ишонч ҳосил қилмоқчи эдим, хаёлан кутиб ўтиргунча бориб келган маъқул.

Кутиш залида ҳеч ким йўқ эди. Кўпчилик одамлар ҳануз ишдан қайтишмаган эди. Усталар мижозлар ўтирадиган креслоларда ўтиришар ва алланималар ҳақида қаттиқ-қаттиқ гаплашишар эди. Мен аёллар залига кўз ташладим. Тўғридаги бурчакда Ольга менга орқасини ўгириб ўтирарди. Унинг ёнида Мантуровский кўзгу

столчасига суяниб турар, ҳиринглаб, нималарнидир гапирарди.

Мен залга кирдим. Ольга кўзгуда менинг аксимни кўриб қолиб, қўрқа-писа ўрнидан турди-ю, мен томон ўгирилди.

Мен бўлсам оғзимга келган бир-икки оғиз гапни гапира олдим холос:

— Кинога кеч қоламиз-ку! Билет куйиб қолади.

Маитуровский бир четга ўтиб, ўзининг асбоб-ускуналарини титкилай бошлади. Ольга зўрга юриб эшикка чиқди. Унинг лаблари сал титрарди.

— Сен келдингми? Қачон келдинг?—сўради у саросималик билан, ҳеч қандай қизиқишсиз, ишқилиб жим турмаслик учун.

— Икки соат бўлди.

Биз уйимиз томон юра бошладик.

— Нима, сен чидаб юра олмайсанми?

— Ўзим, шундоқ кирувдим. Шунчаки гаплашиб ўтирдик. Бунинг ҳеч бир ёмон жойи йўқ.

— Лекин...—мен нима дейишимни билмасдим.

— Ахир, мен шунчаки гаплашиб ўтирдик, деялман-ку.

— Ўтган сафар ҳам шунчаки гаплашиб ўтирганларингдан кейин бошланган бўлса керак,—зардам қайнади.

— Шунчаки гаплашиб ўтирдик. Ёмон иш қилганим йўқ,—бидирлади Ольга.

— Биз ажрашишимиз керак. Ўзинг ариза бера қол, мени жанжалкаш деб ёзавер.

— Биз шунчаки гаплашиб ўтирдик-ку!

— Бугундан бошлаб кооператив уй қидир. Пулдан ёрдам бераман.

Мен бурилиб кетдим. Яна «Ландиш» га кирдим, лимон, кофе билан уч юз грамм коньяк буюрдим. Уйга жуда кеч қайтдим. Оёғим остида ер худди денгиз тўфонида қолган кема каби бориб келарди. Мен полда, негадир столнинг тагида ётдим, хўрлигим келиб, йиғлаб юбордим. Хотиним мен маст истерикка ваҳима, нафрат ва шафқат билан термулиб турарди. У мени кўтариб диванга ётқизмоқчи бўлди, лекин мен унамадим ва шундоққина полда ухлаб қолдим.

Иқрор бўлишим керакки, баёндан четга чиқиб кетдим, уни повесть устидаги ишим жуда суст боряпти, ҳатто уни ёзиб тугатишга қурбим етмай қоладиганга ўхшай-

ди, деб хавотирдаман. Куннинг ташвишлари, врачлик ишларидан ҳориб-толиб, кечқурун ҳикояни ёзишга ўтираман. Адабий машғулот билан менга ўхшаб ишдан кейин шугулланадиган одамлар йирик нарсаларга қўл урмасликлари керак, балки қисқа-қисқа ҳикояларни ёзишлари лозим. На қилайки, дилимдагини қоғозга тушириш иштиёқидаман, бироқ айни вақтда муҳим иш учун вақтим етишмайди!

Келсинг, Глеб Васильевич Лусаровнинг бошидан ўтган ҳақиқий ҳикояга ўтамиз.

Менга ҳаётнинг қизиги қолмади. Мен энди ўқимасдим, бунинг устига ишламасдим ҳам. Уғлим болалар бoғчаси билан денгизга, Адлерга жўнаб кетган эди. Ольга кун бўйи навбатчиликда қолиб кетар, навбатчилик орасида, худо билади, қаерлардадир сандирақлаб юрарди. Унинг бевафолик қилганини бир лаҳза бўлса-да юрагимдан чиқариб ташлай олмасдим. Метрода бирор ерга кетаётганимда ҳам ҳар станция келганда поезд ойнасидан қараб, хотинимнинг Мантуровский билан бирга ўтирганини кўрардим. Кўчада ҳам уларни бирга учратардим. Баъзан яқинроқ бориб қарардим. Шунда адашганимни билиб қолардим. Мен Ольга деб ўйлаган хотин ҳатто тушимда ҳам кўрмаган аёл бўлиб чиқарди. Фақат арзимаган нарсалар — хотинларнинг бошидаги рўмоли ёки плащчи, ё бўлмаса товуши чиндан ҳам танишга ўхшаб кўринарди, шунинг учун мен янглишиб, уларни Ольга деб ўйлардим.

Мен ана шу миямдан кетмайдиган азобни вино билан босмоқчи бўлардим, бироқ кайфдаги хаёлий нарсалар яна ҳам баттар бўлиб кўзимга кўринарди. Мен ҳар кун ичардим. Ҳечам оромим йўқ эди. Мен Ольга билан ортиқ тура олмайман, деган қатъий бир фикрга келдимда, омонат кассага қўйган бор пулимни олиб, уни хотинимга бердим, албатта кооперативга киргин, дедим. Шу ўйлаган режамизга биноан биз тезлик билан қонуний равишда ажралишимиз керак эди, бўлмаса янги уй беришганда эскисини албатта топширишимиз зарур бўларди, бунда у билан ажралишиб кета олмасдим.

Ажралиш маросими, гарчи шу кунга узоқ вақт тайёрланган бўлсам-да, менда жуда оғир таассурот қолдирди, бу ажралишнинг арзимаган нарса эмаслигини энди тушундим. Халқ суида ишимизни кўриб чиқишгандан кейин роса ичдим, илгари ҳечам бунақа кўп ичмагандим, узоқ вақтгача ухлай олмай, нималарнидир ғудурлардим,

тишларимни гижирлатардим, яна дилим вайрон бўлиб йиғлардим. Эртаси кун менинг собиқ хотиним онасникига кўчиб кетди.

Кооператив уй олишда Ольганинг омади келди. Орадан ярим йил ҳам ўтмасданоқ у иккита катта хонадан иборат янги уйга кўчиб кирди.

Ольга кетгандан кейин мен ҳаётимни янгидан бошламоқчи бўлдим. Аспирантурадан кетиш ҳақида ҳужжатларимни расмийлаштирганимдан кейин, бирор иш топши ниятида шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига бордим. Менга ўйимиз яқинидаги поликлиникада участка врач лавозимини таклиф қилишди. Мен рози бўлдим. Кадрлар бўлимига ҳужжатларимни топширдим ва энди ичкилик ичмайман, ўзимни тутиб олишим керак, деган қарорга келдим.

Ҳақиқатан ҳам бир кун ичмадим. Лекин эртасига кафеда тушлик пайтида овқатлардан ташқари спиртли ичимликлардан бирортасини ғайри ихтиёрий равишда буюрдим. Кейин ҳар кун ичдим. Ҳар кун ишдан кейин ичаман. Лекин дастлабки кунларда ичишимни ишхонада ҳеч ким сезмади, кватирадаги қўшниллар ҳам ҳеч нарсани шубҳа қилишмасди. Мен кеч келардим ва ўз хонамга лип этиб ўтиб кетардим.

Аста-секин ўзим сезмаганим ҳолда спиртли ичимликларни тушлик пайтида ҳам тобора кўп ичадиган бўлдим. Кейин кечқурун овқат олдидан ҳам ичиб туришга одатланиб қолдим. Эрталаб турганимда қўлларим қалтирар, жуда ҳам ҳолим қурпир ва кўнглим айнарди. Менинг ичгим келарди. Лекин ўзимни тиярдим. Ишга раҳволим ҳароб, гижим-гижим кийимларда, бироқ ҳушёр келардим.

Касалликни даволагандан кўра, олдин олиш осон дейишади. Биз доноларнинг бу сўзини кўп қайтарамиз ва унинг тўғрилигига ҳеч ким шубҳа қилмайди.

Бироқ алкоголиклар сурункасига ичадиган бўлиб қолган босқичда, кўпинча эса фақат психоз ривожланганда психиатрга тушадилар. Бошланган алкоголизмни касаллик деб ҳам ҳисоблашмайди. Ҳақиқатан ҳам, дастлабки босқичда гап касалликдан кўра кўпроқ нуқсон устида — агар у руҳий касал бўлмаса, ахлоқсизлик, продаксиялик устида боради, одам нима қилишни билмай, психопатологик кечималарни, масалан, депрессия (баъзи психик касалликларда кайфиятнинг жуда паст бўлиши)ни алкоголь ичиш йўли билан босишга уринади. Баъзилар «пийишталикни бошлаган» кишиларни: «ич-

гин-у, лекин ақлингги йўқотма», «пияниста қайфи тар-қаса ўзига келади, аҳмоқ ҳеч қачон» ва шу каби гаплар билан оқлашга уринишади. Жамоат фикри алкоголь-нинг ичишга бошлаган илк қадамлари офатга қараб йўл олганда гўё маъқуллайди. Ҳар ҳолда қораламайди. «Ахир у яхши ходим-да. Қўллари олтин! Хўш, ичса нима бўпти!» дейишади. Ичкиликбоз эса кўпинча ичишни яхши кўришини атрофдагилардан яширади. Уни қайта тарбиялаш, жамоатчиликнинг бу ишга қатъий аралашини ҳақидаги гаплар фурсат ўтиб кетгандан кейин бошла-нади.

Ҳар ҳолда пиянисталикка қарши кураш эълон қил-на-са, аввало алкоголизмнинг олдини олиш, уни профилактика қилиш ҳақида гапириш керак. Баъзан бу мураккаб иш номига олиб борилади, барча имкониятлардан, ай-ниқса пропаганданинг телевидение каби воситаларидан тўла-тўқис фойдаланилмайди. Телевидение орқали фақат ҳамма тушунадиган суҳбатлар ўтказиш эмас, балки ўзи-нинг бадий ҳақиқийлиги билан ишонтира оладиган аниқ образли материалларни бериш мумкин ва шундай қилиш ҳам керак. Ахир жонга тегадиган насихат-омуз нарсаларни ўқийвермасдан, балки санъат тили билан бериладиган гоаяларни халққа етказиш самарали бўлади. Баъзан битта фильм, битта китоб бутун бир авлодга жуда катта таъсир кўрсатиши мумкин. Биз врачлар ана шундай фильмлар яратилишини, шундай китоблар ёзилишини кутамиз. Оғир, баъзан эса умидсиз ишимизда кўмак беришларига кўз тутамиз.

Кунлардан бирида роса ичганимдан кейин эртасига эрталаб аҳволим жуда оғир бўлди, ишга боришга ҳам ҳолим келмади. Бошим жуда қаттиқ оғирди. Қўлларим шу қадар қаттиқ қалтирар эдики, бир амаллаб зўрға гу-гуртни ёқдим. Кўчада гўё ҳамма бундан баттар бўл, деб менга қараётганга ўхшарди. Кўчадан ўтишга юрагим дов бермасди. Автомашиналар худди меннинг устимга бости-риб келаётгандек бўларди. Мен ҳозироқ юз грамм коньяк ичмасам ишлай олмаслигимни ҳис қилдим. Мен «Лан-диш»га югурдим ва столга ўтирмай, буфет олдида тик-ка турганимча юз грамм олдим. Бутун вужудимга роҳат-бахш илиқлик таралди, жуда маза қилдим, бўшашиб кетдим. Маст аҳволим билан поликлиникага борсам ҳам-касбларим ва касалларнинг нималар дейиши ёки меннинг ҳақимда нималар ўйлаши менга бир пул бўлиб қолди. Мен яна ярим стакан коньяк ичдим.

Ишга жуда кечикиб бордим, шунинг учун ҳам мени бош врач чақиртирди. У дарров кайфим борлигини сизди ва мени шу кунни ишга қўймади, агар яна бир марта сизни шу аҳволда поликлиникада кўрсам, ишдан бўша-тишга мажбур бўламан, деб огоҳлантирди.

Шу воқеадан кейин келажаким ҳақида ўйлаб қолдим. Мен янги йилгача ичкиликдан ўзимни тийиб туришга, кейин эса ичсам ҳам аҳён-аҳёнда, озгина ичаман, деб аҳд қилиб қўйдим.

Ўзимни ичкиликдан бир ҳафта зўрга тийдим-да, ўғлимни кўргани кетдим. У менинг келганимдан жуда хурсанд бўлиб кетди, узоқ вақт бирга бўлдик, француз тилини қайтардик (бир вақтлар унга шу тилни ўргата бошлаган эдим). Ўғлим мени кузатар экан, сўради:

— Нимага бизникига кўчиб кела қолмайсан?

Нима дейишимни билмай гудурладим, мен кўп чекаман, янги уйни тутундан қорайтириб юбораман, дедим. Уйга кетар эканман, ростданам оиламга қайта қолсаммикан, унутиб юбориш фурсати келмадимикан, уни кечира қолсаммикан, деб дилимдап ўтказдим.

Лекин шу заҳоти ёшлигимда бўлиб ўтган бир воқеани эсладим, шу воқеа Ольга билан ярашиш фикридан қай-тишимга мажбур қилди.

Глеб Лусаров онласига ҳам қайтмай, хотинининг бевафолигини ҳам кечирмай тўғри иш қилдимми? Балки бу саволга мен берадиган жавобни сиз кутмагандирсиз, балки фикримга қўшилмасиз, балки сиз ўзингизча ҳақдирсиз. Бироқ мен ҳақиқий йигит ҳар қандай шароитга тушиб қолганда ҳам уни енгиб кетишга ўзида куч топиши, ўзини енгиши керак, деб ҳисоблайман. Одамнинг ўзи устидан галаба қилиши энг қийин галабадир, у катта жасоратни талаб қилади.

Табиати нозик Глеб Лусаров ўзининг гам-ҳасратига куйиб адо бўлди, унинг аҳволи маълум, «янги ҳаёт қурниш»га ўзида куч топмади, бузилган онласини тиклай олмади. Бунинг устига устак, ҳаёт зарбасига бардош бера олмади. Нафсламбрани айтганда, ҳамманинг ҳам уйида можаролар бўлади, эр ёки хотин бевафолик қилади, бу ҳаётда учраб турадиган ҳодиса. Бироқ кўпчилик одамлар бошларига тушган мусибатни енгиб кетдилар, ўзларини хонавайрон қилмайдилар, дил дардини ёзиш учун алкоғолдан нажот қидирмайдилар. Йўқ, онла-вий ҳаётдаги жанжаллар ичкилик ичиш учун баҳона бў-

ла олмайди. Боя айтиб ўтганимдек, кўпинча ҳамма парса аксинча бўлади: пиянисталик натижасида оила бузилиб кетади. Келинг, бу ҳақда батафсилроқ гаплашайлик.

Алкоголиклар оиласи аксарин бузилишгача, яъни эр-хотиннинг ажралишгача бориб етади. Баъзан эр-хотин номигагина бирга туришади, аслида оила аллақачон бузилган бўлади. Пиянисталик ва спиртли ичимликларни сунистеъмом қилиш натижасида эрнинг бағритош бўлиб, зулим қилиши аёлларнинг эридан ажралиш ҳақида ариза бериши учун ҳаммадан кўп учрайдиган сабаб ҳисобланади. Бу кўрсаткич, совет социологларининг аниқлашича, аёллар ўз ихтиёри билан эрдан ажралишининг тахминан 47,9 процентини ташкил қилади. Яна шунинг ҳам ҳисобга олиш керакки, «ажралишнинг бошқа сабаблари» ичида эрнинг пиянисталиги муҳим роль ўйнаган ҳодисалар жуда кўп. Оиланинг бузилишига кўпинча алкоголик потенциалнинг сусайиб кетишидан кўра (бу ҳақда биз ҳали гаплашамиз), оилада ҳар кун содир бўлиб турадиган машамшалар, пиянисталик қўполлиги, уйдагиларнинг жонига тегиши сабаб бўлади.

Совет психиатрларининг социологик текширишлари шунинг кўрсаткичи, алкоголиклар группаси ичида никоҳин бекор қилиш ҳодисаларининг барча солиштирма оғирлиги меъёрида ичадиган эркаклар группаси учун шундай кўрсаткичларга қараганда уч марта ортиқ. Оилада қўйди-чиқдига олиб келмайдиган можароларнинг 72 проценти алкоголикларда қайд қилинди ва фақат 19 проценти ичкиликни меъёрида ичадиган одамлар ўртасида учради.

Алкоголни сунистеъмом қиладиган эркаклар оиласида тез-тез можаролар бўлиб туришига доимо сабаб бўлади ва кўпчилик эр-хотиннинг ажралиб кетиши шубҳасиз. Алкоголь одамнинг хулқ-атворини ва ташқи кўринишини жуда ҳам ўзгартириб юборади. Алкоголик мастлик пайтида жаҳлдор, қўпол, ҳаёсиз бўлади, кўпинча жанжал чиқаради, ёвузлик қилади. Хулқ-атворнинг рўйиш-рост ўзгариб кетиши натижасида кўпчилик алкоголикларнинг оила аъзолари унга «зўрга чидашади». Алкоголиклар патологик рашкчи бўлиши туфайли аҳвол яна ҳам ёмон бўлади, зероки касаллик натижасида беҳуда рашк қилиш пиянисталик ва алкоголизмнинг доимий йўлдошидир. Ҳақиқатан энг босиқ, сабр-тоқатли хотиннинг ҳам алкоголик билан яшаб кетиши жуда қийин. Агар алкоголиклар бир қисмининг оиласи бузилмас экан, бунинг сабаби шундаки, баъзи хотинлар эрнинг

ичиб келиб. тўполон қилишларига, уриб-сўкишларига, ҳақоратлари ва қўполлигига бир неча йилларгача чидаб келадилар, бу аҳволни иложи борича қўни-қўшнилардан, таниш-билиш, қариндош-уруғларидан яширадилар, қандай бўлмасин оиланинг бузилиб кетмаслигига интиладилар, бир кун инсофга келиб қолар, деб умид қиладилар.

Бизнинг касалхонамизга одатда якшанба кунлари беморларни кўргани келган бахтсиз аёлларга боқиб, ҳайрон қолади киши. ана шу бечора аёллар яқинда тортган азоб-уқубатларини, эшитган ҳақоратларини унутиб, сумкаларини энг яхши озиқ-овқатлар билан тўлдириб, ўзларининг пиянисталарини кўргани келишадн, уларга меҳрибонлик ва гамхўрлик қилишади. Бизнинг пациентларимиз эса кўпинча очиқдан-очиқ хотинлари билан кўришишдан бош тортадилар, лекин олиб келган нарсаларини жон-жон деб олиб қолшини унутмайдилар. «Сен мени касалхонага тиққансан, сен унақасан, сен бунақасан!» ёки: «Мен бу ерда даволаняпман, сен бекор юрмагандирсан, сандироқлаётгандирсан, биламан, биламан», дейишади. Эри юз ўғирган бечора аёл клиника деразаси олдида соатлаб туради, ҳукмдорим шафқат қилиб ойнадан мен томонга қараб қолар, деб умид қиладн...

Мен кўпинча ана шундай бебаҳо садоқатнинг сабаби нимадайкин, деб ўзимдан сўрайман. Балки бизнинг алкоголик пациентларимиз — бир кўрганда хотинларни шайдо қилиб қўядиган жозибадор йиғитлардир, балки улар жуда назокатли ва эркак сифатида зўр одамлардир. Йўқ, ҳаммаси аксинча. Алкоголик багритош, сурбет, дарғазаб ва илжиқ, мижози кўпинча суст бўлади. Аввало ҳамма гап шундаки, пиянисталикка берилган эркаклар беихтиёр ана шунақа итоаткор, сабр-тоқатли, жуда вафодор, хулқ-атвори бутунлай ўзига хос аёлларга уйланадилар. Лекин мен худди шундай, деб тасдиқлай олмайман. Ахир уларнинг ҳаётини қисқа вақт давомида кузатишнинг ўзи етмайди. Алкоголиклар хотинларининг хулқ-атвори хусусиятларини биз ҳали жиддий равишда текширганамиз йўқ.

Аёллар маълум муддатгача алкоголик эрларининг овла маблағига катта зарар келтираётганига бир илож қилиб тоқат қиладилар, вақти келиб бу алкоголиклар хотинларининг қарамоғига тамоман ўтиб оладилар. Дастлаб пиянпста маошининг анчагина қисмини ароққа сарфлайди. Кейинчалик эса уйга бутунлай пул олиб

келмай қўяди, иарсаларини сотиб, ароқ ичади, мастлик чоғида майда безорилик қилгани учун жаримага тушади, ҳушёрхонада ётгани учун хизмат ҳақи тўлайди. Бундан ташқарн, пияниста ишхонада одатда меҳнат интнзомини бузгани, натижада ишлаб чиқариш планини бажармагани учун мукофот олмайди. У албатта касб-ҳунарини уиутади ва ишда мансаби пасаяди ҳамда маоши камаяди. Бироқ ҳеч қандай иложи қолмаган хотин бечора ажралиш ҳақида иш кўзгатар экан, моддий томондан кўра, кўпроқ «оила бошлиғи»нинг обрўсини йўқотиб қўйгани, одамгарчиликдан чиққани, онлага ортиқча юк бўлиб қолганидан шундай қилади.

Уз-ўзидан равшанки, пиянисталнк болаларнинг тарбиясига жуда ёмон таъсир қилади. Пияниста ота болалар тарбияси билан мутлақо шуғулланмай қўяди, шунинг ўзинёқ онладаги тарбиявий вазифага жуда ёмон таъсир қилади, боланинг уйғун равишда тарбияланишини бузади, зероки бола тарбиясини ота билан она олиб бориши шарт. Лекин иш шу билан чегараланса майли эди-я! Ичадиган ота (ёки она) бор онлада ўсаётган бола, ўсмир, йигит-қиз жуда ёшлигиданоқ улардан ёмон сабоқ олади. Ҳаёсизлик, беадаблик, қўполлик, ишга виждонсизларча қараш — буларнинг ҳаммаси алкоғолик ота ёки она фарзандининг қонига сингиб кетади. Социологлар мактаб ўқувчиларининг рюмка билан «дастлабки танишиши» одатда худди онланинг ўзида содир бўлишини қайд қилдилар. Еттинчи синфда ўқийдиган ўғил болаларнинг 65 проценти ва қизларнинг 30 проценти ёшликдан ича бошлагани аниқланган. Учинчи синф учун тегишли кўрсаткичлар 95 ва 90 процентга тенг!

Пияниста ота онлада чидаб бўлмайдиган шаронт туғдиради, тўнолон қилади, оғзидан ярамас сўзлар чиқади. Болалар нормал яшаш ва ўқишдан маҳрум бўладилар, кун тартиби бузилади. Улар тўйиб ухламайдилар, асабий, қўрқоқ, бўшанг бўлиб қоладилар. Агар бола пиянисталик нақадар бошга битган бало эканини кўриб, ота изидан бормаса ҳам, бундай ҳаётнинг унга қанчалар қимматга тушишини биламиз. Боланинг: «Мен ҳеч қачон отамдака бўлмайман!» деган сўзларини эшитганда одамнинг юраги эзилиб кетади.

Масаланинг яна бир томони билан сизларни таништирмоқчиман, токи ҳеч кимда мастлик пайтида қандай бўлмасин, нима десам экан, бузилган эстетика ва ичкиликдан одам роҳат олади, деган фикр қолмасин. Пия-

нисталар кайф билан мақтанмасинлар, балки ўз нуқсонларидан уялсинлар!

Ҳамма гап шундаки, пиянисталик албатта очиқдан-очиқ сексуал бузилишларга олиб боради. Бунинг энди, ҳақиқатан ҳам мақтанадиган жойи йўқ! Москвалик психиатр И. Г. Ураков алкоғолни сунистеъмом қиладиган эркакларнинг 43 проценти жинсий майл сусайганидан шикоят қилганини аниқлаган. Шу гуруҳдаги қолган 57 процент ичкиликбозларнинг кейинги тақдирини кўзатсак, шубҳасиз алкоғол улардаги эркаклик қувватини кесади, вақт ўтиши билан бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Мунтазам ичиб юрадиган аёлларда кўпинча жинсий ҳаётга бефарқлик ёки ҳатто ундан нафратланиш аниқланади. Уларда жинсий майл бўлмайди ёки сусайиб кетади, ҳайз цикли бузилади. Тўғри, буларнинг ҳаммаси уларга пала-партиш жинсий ҳаёт кечирish учун халақит қилмайди, улар дуч келган эркакка кўнаверадилар, уларга «яримта бўлса бўлди». Бу ерда энди таносил касалликларининг юқиши учун аниқ хавф бўлади.

Донмо спиртни ичимлик ичиб турадиган эркаклар кўпинча ёғ алмашинуви касаллигига мубтало бўладилар, улар аёлларга хос семириб кетадилар, қовуғи, қўлтигидаги жун тушиб кетади. Касаллик жуда ўтиб кетганда бундай эркаклар ҳезалакчалиш бўлиб қоладилар, яъни қанақадир хотинчалиш махлуққа, бичилган одамга ўхшаб кетадилар. Энди пиянисталикнинг қанақа эркаклиги, чиройлилиги ва бебаҳоллиги ҳақида гапирish керак. Узоқ вақт давомида «енгини ҳидлаб, вакуска қилиб кетадиган» ичкиликбоз, яъни алкоғоликларнинг аҳволи ҳам яхши бўлмайди. Алкоғолни оч қоринга ичиб, «енгини ҳидлаб кетиш» патижасида юзага келадиган гастрит ва авитаминоз ҳолатлари жуда озиб кетишга, мускул кучи, организм чидаши, меҳнат қилиш қобилиятининг сусайиб кетишига олиб келади.

Алкоғоликда сексуал кечинмаларнинг кучлилиги, турли-туманлиги, бойлиги ва лаззати йўқолади. Ошиқ-маъшукларнинг асрлар давомида қуйланиб келинган севгисиз бабаҳо ва нозик муҳаббат ҳислари пиянистада бўлмайди. Пиянисталар одатдаги жинсий ҳаётда қўпол, шарм-ҳаёсиз, одоб-ахлоқсиз бўладилар, аёл кишига бефарқ қарайдилар, уларга номига хотин бўлса бас. Ҳа, алкоғоликларда элементар ва оддий сексуал майл қолмайди, хирс сўнади, кейинчалик эса эрекциянинг сусайиши, жуда кам яқинлик қилиш ва жинсий алоқа узоққа

чўзилдиган бўлиб қолиши натижасида пияниста бора-бора бу ишга бутунлай ярамай қолади.

Фақат кайфи борида жинсий алоқа қилишга ўрганиб қолган эркак энди ичмаса хотин киши билан яқинлик қила олмайди, жинсий активликнинг омонат «стимулятори» сиз бу ишга ярамайди, бора-бора олдиндан спиртли ичимлик ичиб олмаса жинсий алоқага мутлақо ярамай қолади. Бундай «стимуляция» сексуал бузилишларни яна ҳам кучайтиради. Аҳвол тобора чатоқ бўла боради. Бу аҳволдан чиқишга ва ичкилик чангалидан қутулишга, уни бутунлай ташлашга ҳамманинг ҳам иродаси ва ақли етавермайди. Мастлик пайтида бўлиб қолган боланинг майиб-мажруҳ туғилиши ота учун энг қаттиқ жазо бўлади.

Врачлар қадим замонлардаёқ алкоголизм наслининг айнишига олиб боришини ёзганлар, алкоголиклар оиласида эпилепсия, руҳий касалликлар билан оғриган болаларнинг нисбатан кўп учрашини қайд қилганлар. Бу врачлар алкоголизм келгуси авлодларга — невара-чевараларга ҳам таъсир қилади ва оқибат-натижада бутун бир авлодни қириб юборади, деб ҳисоблаганлар.

Пиянисталик ва мастлик чоғида бўйида бўлиб қолиши бола тушиши ва ўлик бола туғилиши сонини анча кўпайтиради. Яна «байрамда бўйида бўлиб қолганда» касалманд ва нимжон, эси паст, яхши ривожланмаган гўдаклар туғилгани ҳақида ҳам гапиришган, бундай болалар ота-оналар байрам кунларида ичганда бўлиб қолган. Ўлик туғилган ёки психик жиҳатдан эси паст болаларнинг кўпчилиги ҳосилни йиғиб-териб олиш даври охирида, байрам кунларида эр-хотин ётганда бўлиб қолгани аниқланган.

Врач В. А. Дутьнев алкоголиклар оилаларидаги болаларни ҳар томонлама текшириб, зурриёт эси пастлиги даражаси оталарнинг спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш давомлиллпгига бевосита пропорционал эканини аниқлади. Агар она ҳомиладорлик даврида алкоголь ичган бўлса, бу кўпинча бола тушишига, ой-кун итмасдан туғиб қўйишга, ҳомила вазнининг ортишдан орқада қолишига, чақалоқлар психик ривожланиши суръатининг сусайишига олиб борган. В. И. Дутьнев спиртли ичимликлар ота-оналарда жинсий ҳужайраларнинг шаклланишига ҳам, зародиш ва ҳомиланинг ривожланишига ҳам таъсир этади, деб тахмин қилади. Алкоголнинг эркаклар билан аёлларнинг жинсий ҳу-

жайраларига ва жинсий безларига токсик (заҳарли) таъсир қилиши исбот қилинган.

Бироқ шуни айтиб ўтиш керакки, алкоголь ирсиятга бевосита таъсир қилса керак, деган фикрлар бор, ammo бу фикрлар анча бўрттириб юборилган. Алкоголиклар оиласида тарбия олаётган болаларнинг ривожланишдан орқада қолишига кўпроқ бола ўсаётган ёмон муҳит (отанинг маошини ичиб қўйиши натижасида яхши овқатланмаслик ва ҳоказо) сабаб бўлиши эҳтимол. Ҳар қандай бўлганда ҳам бундай шароитда яшайдиган болаларга осон эмас!

...Шунда мен ёшлигимда бўлиб ўтган бир воқеани эсладим-да, Ольга билан ярашиш фикридан қайтишга мажбур бўлдим.

Ушанда ўн икки ёшда эдим. Отам фронтда ҳалок бўлганда мен ҳали саккиз ёшга ҳам кирмагандим. Отам ўлгандан кейин онам тўрт йилгача фақат иш ва менинг тарбиям билан овора бўлди. Мен бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, деб ўйлардим. Қутилмаганда бир кунни уйимизга эркак киши меҳмон бўлиб келди. У қўлида кепкасини гижимлаганича ҳижолат бўлиб турарди. Онамга қараб:

— Салом, Қлава!—Менга ҳам:—Салом, Глебушка! Сен ахир Глебсан-да! Мен бўлса — Гриша амакинг бўламан,—деди.

Онам уни дастурхонга таклиф қилди. самовар қўйди, қизариб-бўзариб ивирсирар эди, нарсаларни у ердан бу ерга бир печа марталаб олиб қўярди... Биз чой ичдик. Нималар ҳақидадир гаплашдик. Гашимиз унча қовушмасди. Ҳамма нимадандир ҳижолат бўлаётгандек эди. Кейин ҳалиги меҳмон хушмуомалалик билан ҳар биримизга алоҳида бошини эгиб, кулиб, қанақадир ғурур билан хайрлашди. Бизни уйига — қўшни қишлоққа (у ер уч километрча келарди) меҳмонга таклиф қилди.

У галифе ва погон изи тушиб қолган гимнастёрка кийиб олган эди. Кўкрагида орденларининг лентаси ўтказилган колодка бор эди.

Меҳмон кетганидан кейин биз анчагача жим ўтирдик. Ниҳоят онам менга қарамасдан туриб шундай деди:

— Гап шундай, Глебушка. Мен ана шу Гриша амакингга тегсам деган нииятдаман. Я яхши одам, гарчи ярадор бўлса ҳам меҳнатсевар. Қаттиқ ярадор бўлган.

Мен қовоғимни солиб олдим. Кейин йиғлаб юбордим.

Дастурхон устидан турдим-да, ҳовлига қараб отилдим, эшик тагига борганда:

— Демак, сен дадамни унутибсан-да? Шунақами? Эҳ, сени қараю!—деб бақирдим. Ҳовлига чиқдим-да, ўпкам тўлиб роса йиғладим. Бирдан ерда ётган тошни олиб, деразага қараб отдим, деразанинг орқасида ойим ўтирган эди. Кейин ўрмонга югуриб кетдим. Узоқ вақтгача бошим оққан ерларда сандироқлаб юрдим. Қайтиб келганимда ойим менга ҳеч нарса демади. Уришмади ҳам. Бошқа гап ҳам гапирмади. Унинг ранги оқарган, йиғлайвериб, кўзлари қизариб кетган эди. У миқ этмай, столга хумчадаги сутни ва стаканни қўйди, индамай нон кесди. Уримни солиб берди. Ўзи ҳам бориб ётди. Гриша амаки ҳақида ҳеч қанақа гап бўлмади. Гриша амаки ҳам бизникига бошқа желмади. Илгари қандай бўлса, шундай яшайвердик. Фақат бир нарса эсимда — ҳалиги воқеадан кейин орадан икки ҳафта чамаси вақт ўтган эди, мен печкани устига чиқаётиб, сметана қўшиб, аччиб қўйилган сутни тўкиб юбордим. Печкага қўйиб ряженка қилардик. Сутни агдариб юборган бўлсам нима бўпти. Шуни ойим кўриб қолди-ю, овозининг борича бақира кетди:

— Нима қилиб қўйдинг! Мен кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлайман, битта ўзим эркакниям ишни қиламан, сен тўккан шу сутни осонликча топмаганман:

У скамейкага ўтирди-да, овозининг борича ўкириб йиғлади. Узоқ вақтгача кўз ёши қилиб ўтирди. Кейинчалик у жуда босиқ, хотиржам бўлиб қолди. Дони уйиши билан овора эди.

Ҳаётимда қилган энг катта гуноҳим шуки, болалик худбинлиги билан онамнинг ҳолига тушунмадим ва унинг эрга тегишига йўл бермадим. Бунинг учун мен ўзимни ҳеч қачон кечира олмайман. Ойим бўлса аллақачон гуноҳимдан ўтган. Ушандан бери онам ёлғиз ўзи туради. Унинг бирдан-бир дарду гами — менинг келажакда яхши бўлишим ҳақида қайғуради. У ҳозир ҳам илгаригидақа оғир-вазмин ва донмо иши бошидан ошиб ётади, қишлоққа уни кўргани бориб тураман.

Мен ана шу воқеани эсладим ва ўз онамни Ольгага солиштириб кўрдим. Менинг назаримда Ольга унинг олдида наст ва арзмаган одам эди. Мен уникига қайтишни дилимдан ҳам, миямдан ҳам чиқариб ташладим. Лекин шу билан бирга ўғлимнинг: «Нега бизникига кўчиб кела қолмайсан», деган гапини эсладим.

Сабрим тугаб, тоқатим тоқ бўлди. Мен электричка-

дан тушиб (ўғлимнинг олдига Дегуннога борардим, уларга ўша ердан уй беришган эди), тўппа-тўғри вокзалдаги ресторанга кирдим. Ярим кечада ресторандан чиқиб, умримда биринчи марта ҳушёрхонага тушдим. Лекин бу охириги эмас эди. Спиртли ичимликка бўлган муносабатимнинг баъзи хусусиятларини сеза бошлаганимни ўзим ҳам билардим, бироқ ўша вақтда ўлиб қолсам ҳам буни бўйнимга олмасдим! Мен оддий одамларга ўхшаб ичмаётганимни ўзим ҳам сал-пал сеза бошлагандим, лекин бундай фикрларни миямдан чиқариб ташлашга уринардим, ўзимни оқлайдиган ҳар хил сабабларни ўйлаб топардим.

Агар илгарини 100—200 грамм ароқ ичгандан кейин қаттиқ маст бўлсам, энди ундан икки ҳисса, ҳатто уч ҳисса кўп ичадиган бўлиб қолдим. Энди ичганимдан кейин кайф қилиб, дилим ёзилмасди, шунинг учун то учиб қолмагунимча ичаверардим. Лекин ҳар қанча ичсам ҳам кўнглим айнимасди. Илгариларини эса «ўз нормамдан» сал ошириб юборсам бўлди, кўнглим айнар, қайт қилавериб қийналардим.

Ичган кунимнинг эртасига ўша кунини нима бўлганини, нималар қилганимни ҳечам эслай олмасдим ёки ҳамма нарсани элас-элас, шунда ҳам чалакам-чатти эслардим, ўтган воқеаларнинг ҳаммасини ҳечам миямга бирин-кетин келтира олмасдим.

Спиртли ичимлик ичиш ҳақидаги фикр хаёлимдан кетмас, ишхонада ҳам фикримни тўплаб ишлашимга халақит берарди. Мен ҳовлиқма, бир жойда узоқ ўтира олмайдиган бўлиб қолдим, бирор ишни охиригача тутатолмасдим, донмо нимадандир норози бўлардим, бекордан-бекорга ваҳимага тушардим, ич-ичимдан зўриқиб юрардим. Бора-бора алкохолга бўлган иштиёқини сизга олмайдиган бўлиб қолдим, ичкилик мени ўз гирдобига тортарди, иродамини ўзига бўйсеуидириб қўйган ва мен унинг қули бўлиб қолгандим.

Агар мен баъзан бир илож қилиб ўзимни ичкиликдан 2—3 ҳафта тийиб турсам (бунақа воқеа тобора камдан-кам бўла борди), бари бир ўзимни жуда ҳорғин, ланж сезардим, аъзойи-баданим зирқираб оғрирди ва ҳеч нарса ёқмасди. Энди ҳеч нарса ўқимасдим, кинога ҳам, театрга ҳам бормасдим. Эски дўстларимдан қочиб юрадиган бўлдим, улар билан энди гаплашадиган гапим йўқ эди, улар менинг ичкиликбоз бўлиб қолганимни, жуда ҳам ўзгариб кетганимни билиб қоладилар, деб хавф-сирардим.

Эски ўртоқларимдан ажралиб кетдим, янгиларини топмадим. Мен энди бирор одам билан танишсам, ўртоқлигим узоққа бормасди, дуч келган кишилар билан ичкилик ичардим. Фақат биттаси билан нисбатан анча вақтгача дўстлашиб юрдим, ҳар ҳолда бу дўстлик алоқамиз бир неча ойдан ошмади. У билан Перова кўчасида жойлашган ветеринария дорихонаси ёнидаги закускахонада танишиб қолдим. У ерда вино ёки коньякни кўйиб сотишади, иннайкейин ейишга ҳам овқат бўлади. Айтгандай, ўшанда менга закусканинг ҳам ҳожати бўлмади. Илгарилари ичганимдан кейин жуда иштаҳам очилиб, овқат егим келарди, энди эса вақт ўтиши билан ичкиликдан кейин овқатни кўргим келмайдиган бўлиб қолди. Мен бир неча кунгача мутлақо овқат емай юра олардим. Ушанда мен улфатлар билан бирга ичишдан аста-секин мунтазам равишда ёлғиз ичишга ўтиб олдим.

Уша кунни одатдагидек иш бошланганидан олдин бош оғриғи қилиш мақсадида шоша-пиша закускахонага кирдим. Юз эллик грамм коньяк олдим-да, бир бурчакда турган стол олдига бордим. Мен ичкилик лаззати узоқроқ чўзилсин, деб бир неча қултум ичиб, бир пас турдим. Менинг столим олдига йигирма беш ёшлар чамасидаги бир йигит келди, олдига бир стакан коньяк билан лимончада тухум қўйди. Бу йигитнинг ранги заҳил ва юзи қўлпичан эди. Унинг катта патак соқоли бор эди. Назаримда умрида бирор марта ҳам соқолини тараманган кўринарди.

— Эртангиз ҳайрли бўлмай!

— Салом,— дедим унга жавобан.

— Кўриб турибман, сиз ҳеч нарса емаяпсиз. Чакки қиласиз. Бу зарарли.

— Негадир кўнглим тусамаяпти,— дедим мен истаристамас, у билан суҳбатлашгим келмай.

— Хоҳласангиз, сизга яхши маслаҳат бераман. Энг яхши закуска қаттиқ қилиб пиширилган тухумнинг сариги. Битта тухум саригини йигирма киши закуска қилиши мумкин. Ишонмайсизми? Еб кўринг.

У тухумнинг пўчоғини тозалай бошлади.

— Мана, марҳамат қилсинлар. Тухумнинг саригидан ҳеч бўлмаса ушундек олинг, ичинг-да, шу жиндак тухум саригини тилингиз устига қўйиб, танглайингизда эзинг. Мана кўрасиз, жуда маза бўлади-да. Худо ҳақи, тотиб кўрсинлар.

Унинг маслаҳатига амал қилишимга тўғри келди. Йўқ дейиш албатта ноқулай бўларди.

— Ҳўш, қалай? Закуска зўрми? А, лаббай?

— Ёмонмас. Раҳмат.

— Мана шунақа. Мен кўпни кўрган одамман. Мени эслаб юрасиз, ҳали раҳмат айтасиз. Айтганча, бир шишани олиб, меникига бормаимизми?

— Жон-жон деб борардим-у, лекин ҳозир касалларни қабул қилишим керак.

— Сиз ишлайсизми?

— Бўлмасам-чи. Сиз ишламайсизми?

— Мен эркин рассомман. Уйда ижод қиламан. Ижод қилгандаям бошлавораман. Ха-ха-ха! Тилингиздан илиндиңиз, оғайни. Сиз «жон-жон деб борардим» дедиңиз. Бўлмаса, ишдан кейин келинг. Турар жойимни ёзиб олинг.

Ўзини Феликс Половинкин, деб атаган соқолли йиғиғиниң адресини ёзиб олишга тўғри келди.

— Мен, биласизми, реализм азроилиман. Албатта келинг.—деди Половинкин хайрлашар экан,—менинг расмларим, ўйлаиманки, сизга ёқса керак, ҳатто бирор нарсамни сотиб олғиңиз ҳам келиб қолар.

Поликлиникада қабулни тугатиб, бир нечта беморларни уйига бориб кўрдим-да, янги танишимникига меҳмонга жўнадим. Унинг уйида одам кўп—камида саккиз киши бор эди. Жуда олифта, башанг кийинган, сочларини ажойиб қилиб турмаклаган йигит-қизлар ўтиришар, улар қанақадир мудроқ, лавашанг, деярли тифодасиз гапиришарди. Йигит-қизлар девор тагига қўйилган диванда, стулларда, полнинг ўзида ўтиришарди, ҳолбуки хонада бўш стуллар бор эди. Қаршидаги деворда катта мольберт ромсиз деворнинг ўзига осиб қўйилган эди, унинг ёнида Феликс Половинкиннинг ўзи турарди.

— Ўтириг, Глеб. Сизни кўрганымдан хурсандман. Яхшироқ ўтириб олиг. Мен ишларимни кўрсатаётган эдим.

Мен ҳаммага таъзим қилиб ўтирдим ва расмни кўра бошладим.

— Бу менинг оддий техникам бўйича бажарилган,— тушунтирди Феликс. Йирик фактурали расм. Мен БФ елимида қорилган манний ёрмасини матага қалин қатлам қилиб суртаман. Шу усул билан расм соламан. Кейин мойли бўёқ билан рельефли юзага ранг бераман. Сиз бу ерда бор бўйи билан солинган қизил тошбақани кўриб турибсиз. Шунини айтиб қўяйки, кейинги пайтда

мен манний ёрмаси билан ишлаш техникасини ташлаб, унинг ўрнига гипс порошогини ишлатаяпман. Мен шунчаки манний органик материал бўлганидан кўпга чидамайди, қуриб, тўкилиб кетади, ҳатто менинг ёшимга ҳам етмайди, деб кўрқаман. То абадга етадиган қилиб ижод қилгим келади.

Томошабинлар «қизил тошбақани» жуда ҳайрат билан қабул қилишди. Рассом номига анча-мунча мақтов сўзлар айтилди. Половинкин мағрур бўлиб, илтифот билан саволларга жавоб берар, атайлаб ўзини камтарин қилиб кўрсатиб, жилмайиб турарди. Томошабинларнинг луқма ташлашидан менга шу нарса аёи бўлдики, бу ердагилар концертдан кейин ўзларининг севимли ашулачиларини қичқириқлар билан кутиб оладиган, ердаги худоларини парча-парча қилиб бўлиб олиб, уйларига ёдгорлик сифатида олиб кетадиган одамларга ўхшар эдилар.

Половинкин гердаийб гап сотарди:

— Омад келиб, мабодо одамнинг иши юришгудек бўлса, у барн бир ўз ишида муқаррар учта босқични босиб ўтади. Олдин одамлар учун меҳнат қилади. Кейин ўзи учун. Ниҳоят худо учун. Разил инсонлар бутун умрида одамлар учун, бошқаларга ёқиш учун ишлайдилар. Менинг жуда ҳам омадим келди. Мен дарҳол худо учун ишлай бошладим!

Уй эгасининг эзмалиги ва кеккайиши энсамни қотирарди. Меҳмонлар эса аллақачон жонимга теккан эди. Лекин Половинкиннинг иши манзарадорлиги, ёрқинлиги ва рангларининг яхши танланиши билан менга ёқди. Уй эгаси бирин-кетин ўнтага яқин расмни кўрсатди, уларда фантастик балиқлар, баҳайбат чиғаноқлар, денгиз юлдузлари тасвирланган эди. Бу ишларнинг ялтироқлиги одамнинг гашига тегарди холос, гарчи автор станокли рассомчиликни даъво қилса ҳам бу билан асосий эстетик қонунларни бузиб, станокли рассомчилик принциплари билан амалий санъатни эскилик жиҳатдан аралаштириб юборган эди, бу албатта рассомнинг дегенератив ижодидан дарак берарди. Аллақачон топилган ва рад этилиб бўлган нарсани қидириш билан овора бўлиш авторнинг хатосини кўрсатарди. Мен Жорж Брак ва Пабло Пикассонинг фактур экспериментларини назарда тутаяпман, улар рассомчиликка газета парчалари, қипиқлар ва бошқа нарсаларни киритган эдилар, бу қизиқарли тажриба бўлган, бироқ ўзини эстетик жиҳатдан оқламаган, жиддий рассомлар практикасидан чиқиб кет-

ган, энди бўлса фақат кечикиб ишга киришган, нждодан маҳрум тақлидгўйлар (эпигонлар) ишида учраб қоларди.

Томоша кўриш тамом бўлгандан кейин ҳамма стол атрофига ўтирди, дастурхонда ароқ тўла шиша, тузланган балиқ, стакан, нон пайдо бўлди. Меҳмонлар қуруқ қўл билан келишмаган экан. Афтидан Половинкинни кига унинг мўйқалами ихлосмандлари тез-тез келиб туришар, ҳар сафар расм томоша қилишгандан кейин роса базм бўладиган кўринарди. Расм томоша қилиш маросими ва кейинчалик ичкиликбозлик менга олдиндан аниқ репетиция қилинган бўлиб кўринди, уй соҳибига ҳам, кўпчилик меҳмонларга ҳам аён ишга ўхшаб туюлди.

Мен Половинкиннинг қистови билан унинг ённга ўтирдим. Ҳамма нчди. Санъат тўғрисида олифта, эзма гаплар бўлди. Бу қуруқ гапларни эшитиб ўтирар эканман, фикуснинг чиндан ҳам мешчанлик симболи сифатида эскирганини тушундим. Ҳозирги одамга модални шамдонларни ва ақлин ишлатадиган расмларни бериш керак. У ўлиб-тирилиб, ўзини ноёб қилиб кўрсатишга уринади ва атрофига ноёб нарсаларни йигади. Бироқ ҳозирги одамларнинг ҳаммаси шунга уринганидан, ўзни ноёб қилиб кўрсатиш жонга тегадиган штампга олиб келади.

Половинкин озроқ кайф қилиб, қўлини елкамга ташлади-да, шикоят қила бошлади:

— Ишлар чатоқ, огайни, эркин рассомга яшаш қийин бўлиб қолди!

— Ахир тан олинмаган генийлар замони ўтиб кетган-ку.—эътироз билдирмоқчи бўлдим.

— Бекорларни айтибсиз,—жиддий деди Половинкин.— Мана мени олинг. Расмларимни фақат санъат қадрига етадиган одамлар сотиб олаётган экан, менга осон дейсизми. Бизда санъат бозори йўқ. Санъатнинг қадрига етадиган ҳақиқий одамларни, пул тўлашни ис-тайдиган ва талант учун тўлаш қобилиятига эга кишиларни қидириб топиш, азизим, осон бўлмай қолди. Нима, сен бирор нарсани олмоқчимсан?

— Олсам оларман,—дедим тўсатдан қилинган таклифдан нима дейишимни билмай.—Бор-йўғи ўттиз сўм пулим бор.

— Сен учун ўттизга бераман! Танла!

Мен беихтиёр Половинкин расмига эга бўлдим қолдим.

Кейин Феликсникига тез-тез меҳмонга бориб турадиган бўлдим. Шуниси яхшийдик, бу ердаги тез-тез янгиланиб турадиган кўпчилик меҳмонлар менинг кимлигимни билшмас, мен билан уларнинг ҳеч иши йўқ эди. Бинобарин, мен ичкиликка муқкамдан кетганимни одамлар билиб қолади, деб қўрқмасам ҳам бўларди. Бу ерда, ҳатто шу кун бир шиша ароқ сотиб олишга пулим бўлмаганда ҳам тўйгунча ичишим мумкин эди. Умуман мен ҳам улфатларга оғирлигим тушмаслигига ҳаракат қилардим. Шу алиозда бир неча ойлар ўтди. Половинкин билан тўсатдан уришиб қолмаганимизда улфатчилигимиз яна ҳам узоқроқ давом этарди.

Воқеа бундай бўлди. Кунлардан бирида Половинкин яна битта расмини менга зўрлаб ўтказмоқчи бўлди. Мен пулим йўқлигини баҳона қилиб, анчагача кўнмадим, бироқ у бир амаллаб расмини зўрлаб ўтказди, чунки мен лақиллаб расмини мақтаб қўйган эдим-да.

Орадан уч кун ўтгач, эрталаб Половинкин иккита ўртоғи билан меникига келди. Уччаси ҳам бош оғригидан гарап эди. Уларнинг қўллари қалтирар, юзлари ташвишли ва гамгин эди.

— Менга қара, Глеб! Сен мендан ўттиз сўм қарзсан-а. Шу пулни чўзиб қўя қолмайсанми — ичиш жуда зарур бўлиб қолди.

— Иложим йўқ, Феликс! Сарпқ чақам ҳам йўқ. Узим ичинип ташляпмай.

— Ёлғониям роса бопладинг-да! Сен ишлайсан! Қанақасига сенда пул бўлмасин.

— Худо урсин, йўқ!

— Қўйсанг-чи, бу, энди қария, сурбетлик-ку! Сен менинг ишларимни кўпроқ пул ишлаш мақсадида шуҳратим ортиб бораётган бир вақтда деярли текинга сотиб оляпсан, яна пулни ўз вақтида тўламайсан-а!

Мен гарчи Половинкиннинг феъл-атвориға ва фикру хаёлиға анча-мунча тушушиб қолган бўлсам ҳам бунақа гапни эшитамай, деб ўйламагандим. Мен нима дейишимни ҳам билмай қолдим.

— Гап бундай: ё ҳозир менга пулни чўзасан, ё мен расмини олиб кетаман, — оёғини тираб туриб олди Феликс.

— Ростданам пулим йўқ, — дедим мен. — Майли, билганингни қил. Ахир сен генийсан-ку, сенга ҳамма нарсани қилиш мумкин, одамгарчилик эса сен учун мавҳум тушунча.

Половинкин расмини қўлтигига қестириб, эшик томон юрди, унинг орқасидан шериклари эргашди. Улар кори-

дордан ўтаётиб сўқинишарди, туртиниб ўтиб, столда турган телефон аппаратини тушириб юборишди, лекин бунга парво ҳам қилмай, эшикни тарақлатиб ёпиб кўчага чиқиб кетишди.

Шу кундан бошлаб, табиийки, мен Половинкинникига қадам қўймадим, уникига бориб юрганимга жуда афсусландим. Бироқ шу жанжалдан кейин бир неча ой ўтгач, уни тасодифан учратиб қолдим. Мен кичикроқ ҳиббонда озроқ ичиш учун қаердан пул топсам экан, деб ўйлаб ўтирдим. Половинкин ёнимга келди-да, скамейкага чўзилди.

— Хўш?! Менинг расмимни қанчага сотиб, фойда қилишингни ўйлаб ўтирибсанми? Ёки сотиб улгурдингни? Бойиб кетгандирсан,—деди менга қараб.

— Феликс? Мен сизни танимабман. Негадир ўзгариб кетибсиз. Ҳа, айтганча, соқолингизни олдириб ташлабсиз!

— Юр, қария, ичамиз! Мана, чўнтагимда озроқ пул бор.—У шимининг орқа чўнтагидан бир нечта фижимланган ўн сўмликларни чиқарди.

— Йўқ, мен ичишни ташлаганман,—дедим ёлгон гапириб.

— Афсус, афсус. Ташладингми? Қип-қизил ахлоқ экансан. Оми одамларга аралашиб кетибсан-да. Э-эҳ!

Олдимиздан иккита мактаб ўқувчиси ўтди, улар макулатура тўла саватни кўтариб олишганди. Болаларга юкнинг оғирлик қилаётгани кўриниб турарди.

— Ҳой, болалар! Буёққа келинлар!—қичқирди Половинкин.

— Нима ишнингиз борийди, амаки?

— Буёққа келинлар, келаверинлар.

Болалар Феликс ёнбошлаб ётган скамейка олдига келишди.

— Яна яқинроқ келинлар. Яқинроқ! Яқинроқ!

Половинкин тўсатдан макулатура солинган саватга тупурди. Болалар қотиб қолишди. Улар Половинкинга ҳайрон ва қўрқинч билан қараб туришарди.

— Энди жўнанлар!—қўлини силтади Половинкин.

— Ифлос.—дедим бақириб, ўрнимдан сапчиб турдим-да, юриб кетдим. Йўлда кетар эканман, Половинкиннинг башарасига мушт туширмаганим учун ўзимдан жуда хафа бўлиб кетдим.

Мен Глеб Лусаровнинг бу ҳикоясини бу ерда тушириб қолдиришим мумкин эди, зеро у моҳиятига кўра,

менинг қаҳрамоним характеристикаси учун деярли ҳеч нарса қўшмайди. Лекин қизиғи шундаки, чала рассом, чала пианиста Половинкин мисолида узоқ вақт пианисталик қилиш натижасида алкоголь деградацияси муқаррар юз бериши тасвирланган. Бу термин муҳим фандан кўра, кўпроқ беллетристикадан олинган, у аниқ мазмуни билан алкоголь шахсидаги ахлоқий-этиқ ўзгаришни билдиради. Шунга қарамай, жиддий психиатрлар бу терминни яна ҳам кенгроқ ва яна ҳам аниқ тушунча «алкоголизмда шахснинг патологик ривожланиши» билан ўзгартиш тарафдоридирлар.

Алкоголик учун энг аввало мотивлар ва истакларнинг беқарорлиги, ўзгариб туриши характерлидир. Ахир ана шу турғунликнинг йўқолиши, аслида характернинг йўқолишидан ҳам далолат беради. Алкоголикнинг у ёки бу шароитда ўзини қандай тутишини билиш қийин. Масалан, илгари йўлкада йиқилиб қолган чолни кўриб, уни ўрнидан тургазиб қўйган пианиста энди бунга парво ҳам қилмай ўтиб кетаверади. Бошқа бир пианиста дўстининг хотини билан ёлғиз қолганида унга шилқимлик қилади, ҳаёсиз сўзларни айтади. Алкоголикнинг илгариги хулқига мансуб бўлмаган бундай хатти-ҳаракатлар тобора кўп ва тез-тез намоён бўлиб туради. Дастлаб баъзи ҳолларда ўзига кўрсатилган одамгарчилик, хизмат учун раҳмат айтади, кейинчалик буни ҳам бутунлай унутиб юборади. Алкоголик, масалан, ота-онасига унинг оиласини боқиб турганлари учун миннатдорчилик айтмай қўяди (унинг ўзи бўлса, маошини бутунлай ичади). Лекин ўша қариндош-уруғлари унга ароқ сотиб олиб беришганда раҳмат айтишни унутмайди. Кейинчалик миннатдорчилик ҳисси бутунлай ва беиз йўқолиб кетади. Бунинг устига дўқ-пўписа, баъзан уруш-жанжаллар билан бош оғриғи қилишга ароқ сотиб олиш учун пул ундиради.

Алкоголизмга мутбало бўлган одамларнинг баҳона ва истаклари фақат беқарор бўлибгина қолмай, балки тобора камайиб, йўқ бўла боради. Алкоголиклар деярли ҳеч қачон бошлаган ишларини охирига етказмайдилар. Масглик чоғида ҳужжатларини йўқотиб қўйган пианиста уларни топишга ёки қайтадан тиклашга ойлаб ўзини мажбур эта олмайди, ҳолбуки бу ҳужжатлар унинг учун зарур, бир вақтлар контузия бўлгани учун пенсия олади. Алкоголикнинг шахси сийқалаша боради. Барча алкоголиклар қиёфаси, бутун хулқ-атворининг бир-бирига ўх-

шаб кетишини билиб олиш учун синчков кузатувчи бўлиш шарт эмас.

Тўғри, алкоголиклар психопатизациясининг манзара-сида бари бир баъзи фарқлар бор. Бу хусусиятлар беморнинг касал бўлмадан олдинги характерига ва бирор даражада алкоголик яшаб турган микромуҳитга, унинг маданиятлиги ҳамда олган тарбиясига боғлиқ бўлади.

Баъзи алкоголикларда ўта чарчаш, умумий беҳоллик, ўзини ёмон сезиш биринчи ўринга чиқади. Бу шикоятлар ҳатто бемор ичкиликни ташлаганидан кейин ҳам бир неча ойлар давом этади.

Мен ушбу повестни ёзишга киришганимда фақат Глеб Лусаровнинг ҳикояси билангина чекланарман, деб ўйлагандим. Лекин, мана кўриб турибсизки, тажрибамда учраган бошқа воқеаларни ҳам тилга олишга тўғри келяпти. Мен ҳозир сизлар юқорида айтиб ўтилган астеник шикоятлар (қаттиқ чарчаш, умумий толиқиш ҳисси, ланжлик) замишида обсессив синдром — миядан кетмайдиган синдром ривожланган бир бемор ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчман.

Бу бемор бир неча йиллар давомида ичкилик ичиб юрган, ичганда ҳам ҳар кун кўп ичган. Кунлардан бирида у ишдан қайтар экан, йўлда ётган нарсани — сигаретадан бўшаган қутиними, ифлос бўлган бир парча музими четлаб ўтиш учун ўзида ҳеч қайтариб бўлмайдиган истак сезган. Ушандан бери, шу йўлдан кетар экан, бир вақтлар фалокат буюмини кўрган жойидан ҳар сафар айланиб, четлаб ўтадиган бўлиб қолган. Ирода кучини зўрлаб, тўппа-тўғри ўтиб кетмоқчи бўлганида унда тасвишлаб бўлмайдиган жуда оғир ҳис пайдо бўлган, худди қандайдир муҳим нарса етишмаётгандек бўлиб туюлган.

Кейин бир умр унинг миясидан кетмайдиган хаёллар пайдо бўлган. Шу миядан кетмайдиган хаёллар туфайли у жуда кўп ортиқча ҳаракатлар қилган, ишхонада ҳар бир ишни бир неча мартадан бажарган. Унда ҳамма нарсани санаб кўриш учун ҳеч егиб бўлмайдиган иштиёқ пайдо бўлган. У бирор нарсанинг ёнидан ўтиб кетар экан, албатта қўлини унга тегизиб кўрган. У доимо ҳамма қулфларни текшириб кўришга мажбур бўлган, шуида ҳам албатта эшикка орқасини ўгириб ва калитни чап қўлида ушлаб турган. 13 рақами унинг дилини жуда ғаш қилган. Шулар туфайли, у ҳеч ақлга тўғри келмайдиган қилиқларни қилган. Масалан, ўн биринчи фев-

ралда у иккита бутербродни ея олмаган, чунки ўн бирга пкки қўшилса — ўн уч бўлади! У битта ёки учта бутерброд еган. 85 рақами ҳам унда ўтакасини ёрадиган ваҳима пайдо қилган. Саккизга бешни қўшса яна 13 бўлади-да. Касаллик ривожлангани сари у миясига ўрнашиб қолган бирорта одатни бажара олмаса, яқин кишилари фалокатга учрайдигандек бўлаверган. Узининг ғалати қилиқларини ҳаммадан яшириб юрган бемор ахири бундай кечинмалардан жуда қийналиб кетган ва психоневрологик диспансерга борган, уни бизнинг касалхонамизга юборишган.

Агар бошпдан ўтган воқеалардан ваҳимачи бўлиб қолган бемор ичкилик ичишни тўхтатмаганида, узоқ вақт давомида қунт билан олиб борилган даво натижасида ҳам унинг аҳволи яхши бўлмасди. У ичкилик ичишни бутунлай ташлади, шунинг учун ҳам омон қолди.

Бошқа ичкиликбоз учун эса ҳеч нарсага қизиқмай қўйиш хос бўлади, бу ҳам алкоголь ичишга боғлиқ; бундай беморлар келажакда нималар қилиши ҳақида ўйлаб кўрмайдилар, ўз тақдирларига бепарво бўладилар, асло ҳеч нарсадан шикоят қилмайдилар. Хулласи калом, улар ҳамиша жуда ҳам лоқайд бўладилар.

Бироқ психопатизациянинг учинчи типи кўпроқ учрайди. Балки кўп ҳам учрамас. Шунчаки бундай беморлар сезилиб туради, атрофдагиларнинг диққатини тортади. Мен беқарор, салги жиғибийрон бўладиган, қўзғаладиган, ювошликдан дарров бебошликка ўтадиган, бойваччаларча яшайдиган, дарғазаб, қилдан қийиқ қидирадиган ва бекордан-бекорга зарда қиладиган беморларни назарда тутяпман. Бундай алкогольликлар уйдагиларнинг жонига тегади ва яқин кишилари-нинг кўзига дунё тор бўлиб кетади.

Ниҳоят, бир гуруҳ пиянисталар борки, улар барча нарсани бўрттириб кўрсатишга, ботирман деб мақтанишга, одамларнинг раҳмини келтиришга, уларни ачинтиришга ҳаракат қиладилар, ўзларининг «доноликлари» билан ҳаммани қойил қолдиришга мойил бўладилар. Улар ўз қадр-қимматлари ва имкониятларини ақл боғвар қилмайдиган даражада маҳоват қилишга мойил бўлган ёлгончидирлар. Психиатр таъбири билан айтганда, биз бу ерда алкогольлик шахси патологик ривожланишининг истерик турини кўрамыз.

Шунн айтиб ўтиш керакки, узоқ вақт давомида спиртли ичимликлар билан заҳарланиш барча баён

этилган ҳодисаларга сабаб бўлади, бундай заҳарланиш натижасида беморнинг мияси анчагина қўпол органик бузилишларга учрайди.

Ирода процессларининг сусайиши, маънавий жиҳатдан қўпол, одобсиз бўлиб қолиш, алкоголик хотирасининг пасайиши ва интеллектуал жиҳатдан тубан кетиши билан бирга ривожлана боради. Процесс рўйирост эси пастлик даражасига етиши мумкин. Бунда беморнинг маънавий қизиқиш доираси тораяди, ўзининг нақадар тубан кетганига баҳо бера олмайди, уят ҳисси йўқолади. Алкоголик мақтанчоқ бўлиб қолади. Шунда ҳам одатда қанчаллик кўп ароқ ичгани билан мақтанади. У бемаза ҳазил қилади, ҳазил ноўрин, пожуя бўлади. Бемор абстракт тафаккур қилиш, аллегорияларни идрок этиш қобилиятини йўқотади. Алкоголик билан қилган суҳбатининг расмий протоколинини аниқ келтираман.¹

— Сизнингча ким яхши одаму, ким ёмон одам?

— Биттаси, гарчи костюми ва буюмлари бўлса ҳам бировнинг ҳисобига ичиш пайдан бўлади. Бошқаси хотамтой, бор нарсасини ичиб тугатади, бошқаларни ҳам унутмайди, меҳмон қилади. Ҳалиги биринчиларга ўхшаган харомхўрларни уриш, осиш керак!

— «Хасис» билан «тежамкор» тушунчаларни ўртасида қандай фарқ бор?

— Бирин охириги нарсасини ҳам сотиб ичади, бошқаси олифта бўлиб юради, бировнинг ҳисобига ичиш пайнда бўлади.

«Кўрпангга қараб оёқ узат» деган мақол нимани билдиради?

— Бошқанинг кўрпасини ёпиниб ётиш ҳам мумкин, лекин калтак еб қолиш ҳеч гап эмас.

— «Керакли тошнинг огирлиги йўқ».

— Баъзи алкоголиклар бор... Сен охириги нарсанин ичиб берасан, у аблаҳ эса ортиқча нарсаси бўлсаям сотгиси келмайди.

— «Иккита қуён ортидан қувсанг...»

— Уч кишига яримта қиладиган бўлишди, биз бўлса политуранини тўрт кишига. «Ичгини келяптими?» деб сураимиз, «Йўқ, мен яхшиси ароқ ичман», дейди. У ерда бўлса усиз ичиб қўйишди. Олдимизга келувди, биз ҳам ичиб тамомлагандик.

¹ Бу бўлим материалларини машҳур психиатр, профессор А. А. Портновнинг алкоголизм ҳақидаги монографиясидан қисман ўзлаштириб олдим. Ешлигимда у билан бирга ишлаш бахтига муассар бўлгандим. (Авт.).

— «Қудуққа тупурма, сувини ичишга тўғри келади». Аччиғи чиқади:

— Қўйинге, биласизми, мен унақа тарбия топмаганман, келиб-келиб қудуққа туфлайманми. Бемаъни гапни қўйинг!

— Товуқпинг оёғи нечта?

— Иккита.

— Наҳотки иккита? Уйлаб кўринг!

— Тўртта.

Шунга ўхшаш гаплар. Албатта беморни стационар шароитида, у спиртли ичимликни бир неча кун давомида ичмай турганда текширишган. Бемор мутлақо ҳушёр бўлган.

Бироқ мен ҳикоямдан четга чиқиб кетдим, энди яна Глеб Лусаровнинг ҳаёти тарихига қайтаман.

Пиянесталар билан тасодифан танишиб қолардим, менинг улар билан танишлигим шу кунни кечқуруннинг ўзидаёқ тугарди, бундай воқеалар мен учун одат бўлиб қолди. Уларнинг ҳаммаси бир-биридан қолишмас эди, мен улар билан пивохонада ёки вино бўлимидаги пештахта олдида танишардим ва сотиб олинган ичкиликни шу яқиндаги бульварда ёки бирорта подъездда, зинапой тағида ичганимиздан кейин тарқалишиб кетардик. Бироқ бир ҳодиса узоқ вақтдан бери эсимда. Шу ҳақда ҳикоя қилмоқчман.

Мен «Ўзбекистон» ресторани олдида гапдираклаб турардим. Кеч соат ўн бир эди, ҳеч қандай такаллуфсиз ресторандан чиқиб кетишимни айтишди. Энди нима қилсам экан — уйга кетайми ёки шаҳарда яна бирпас айлашиб юрайми, деб ўйланиб қолдим. Деярли яримта ароқни чўнтагимга беркитиб қўйган эдим, энди кечаси ҳечам қийналмайман. Чунки мен кейинги кунларда фақат кундуз куши эмас, балки кечаси ҳам ичадиган бўлиб қолган эдим-да. Агар спиртли ичимлик ичмасам, уйқум келмасди, узуқ-юлуқ ухлаб, алоқ-чалоқ тушларни кўрардим.

Оғзида папирос тишлаган бир аёл қийшанглаб олдимга келди.

— Хўш, меникига кетдик, бўлганим,— деди у томдан тараша тушгандек, дангал уйига таклиф қилиб.

— Сен қаерда яшайсан?

— Пушкин майдонида, сут кафесининг орқасида.

— Кетдик.— дедим дарров кўниб.

Биз хлёбон оралаб Пушкинск томон кетдик.

Иўлда янги ҳамроҳимнинг исми Нюра эканини, илгари буфетда ишлаганини, ҳозир эса ҳеч қаерда ишламаслигини билиб олдим. Нюра бошига катта мусибат тушганидан шикоят қилди, лекин ташвиши нима эканини айтмади.

— Қани энди ҳозир ичкилик бўлса,—хўрсинди у.— Сенинг чўнтагингдан оғзи кўриниб турибди. Шиша бўш эмасми?

— Йўқ, деярли тўла.

— Яхши. Меҳмон қиласанми?

— Ичамиз, Анечка, ичамиз.

Биз қоронғи коридордан ўтиб, Нюранинг уйига кирдик. Уйда чироқ ёниб турарди. Мен кирган заҳотим кийим илинадиган шкаф устида тўққиз ёшлар чамасидаги иккита қизча ўтирганини кўрдим, улар тунги узун кўйлақда эди, худди эгизакларга ўхшашарди. Улар чўккалаб ўтиришар ва худди кимнидир: Крамскойнинг расмидаги сув парилариними, пингвинларними эслатишарди.

— Мана, менинг гаму ташвишим,— қизчаларга тикилди Нюра.—Билмадим, кимга ёмонлик қилган эканман. Менга тўхмат қилишди, қизларимни олиб қўйишяпти. болалар уйига олиб кетишяпти. Суд қарор қилди. Қуй, Глебушка бир стакандан. Ғам ўлгур адо қилди.

Биз стол атрофига ўтирдик. Мен чўнтагимдан шишани чиқариб, ўзим билан Нюрага ярим стакандан ароқ кўйдим. Ичдик. Жавдар ноннинг сиртидан тишладим. Қизчалар бизга парво ҳам қилишмасди, уларнинг бунақа ишларга ўрганиб қолгани кўриниб турарди. Улар нима ҳақидадир пичирлаб гаплашишарди, баъзан ҳиршиглаб қўйишарди. Улар жуда ёқимтой, бироқ касалмаидага ўхшаб кўринишар ва озиб кетишган эди.

— Ейишга бирор нарса опкелдингми?— сўради эгизаклардан бири.

— Ана, нон, — деди она.— Борониники, яхши кўрадиганларинг. Тушинлар, жувонмарглар, шкафда ўтирганларинг стар, чойни ичиб, ухланглар!

Қизчалар шкафдан шундоққина унинг ёнида турган диванга сакраб тушишди-да, столга ўтиришди. Апилтаил овқатланиб, каравотларига бориб ётишди ва алёҳини бошларигача ёниб олишди.

Биз яна ичдик. Нюра одамларнинг багритошлигини, оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишганидан, қизларини тортиб олишаётганидан шикоят қиларди. Яна ичдик. Шишанинг тагида жуда озгина қолди.

— Кел, энди қучоқлашамиз,— деди Нюра ва сал гандираклаб бориб, чироқни ўчирди.

— Йўқ, Анечка, сен мени кечиргин, негадир мазам қочиб турибди, — ҳижолат бўлиб гудурладим. — Яхши-си, мен кета қолай, кеч бўлиб қолди.

— Узинг биласан. Сенга яхши бўлсин девдим-да, — бефарқлик билан гапирди Нюра ва пружиналарнинг гижирлашидан унинг ўзини диванга ташлаганини сездим.

— Мен кетдим. Хайр, кетдим.

Нюра индамади. Мен коридорга чиқдим. Гугуртни ёқа-ёқа, зўрга йўл тондим. Яна келган йўлим билан уйга қайтдим. Таксида кетишга пулим йўқ, шаҳар транспорти эса тўхтаган эди.

Боши берк кўчага кириб қолганимдан дилим жуда гаш эди, бироқ мен ҳеч нарсани ўйламас ва ҳозир кўрганларимни таҳлил қилишга уриниб ҳам кўрмасдим. Пингвинга ўхшаш қизчалар эса негадир хотирамда бир умрга қолди. Улар кўпинча гўё фотоаппаратнинг қоронгида чақнаган шуъласидек ёки зим-зиё тунни ёритган чақмоқдек бир лаҳзага кўз ўнгимда пайдо бўлишади. Улар оқ кўйлак кийиб, шкаф устида ёнма-ён ўтиришади.

Ҳозирга қадар мен гўё фақат эркаклар пияниста бўлади ва алкоғолизмга мубтало бўлади деб ёздим. Қаҳрамоннинг эркак киши бўлгани ҳам бежиз эмас. Қаҳиқатан ҳам, алкоғолга қарши пропаганда олиб борилганда деярли ҳамиша фақат ичадиган кишилар, ўсмирлар ҳақида сўз юритишади. Гўё аёллар алкоғолизи йўқдек. Бу эса алкоғолга қарши пропаганда олиб боришда бизни чалғитади, тарбия ходимларига тегишли мақсад учун йўналиш бермайди. Аслида эса аҳвол қандай?

Кейинги ўн йилликда аёллар ўртасида пиянисталик ва алкоғолизм сезиларли даражада ошаяпти, умуман олганда эса эркаклар бу масалада биринчи ўринда туришади. Ўтган асрда алкоғолизм фақат аёлларнинг айрим категориясида — фоҳишалар, официанткалар, савдо билан машғул, умуман, хизмат кўрсатишга доир ишлар билан банд бўлган аёллар ўртасида учраган бўлса, энди ичкиликбозлик тобора ўз «касбий» манзарида расини йўқотаяпти. Илгари ичадиган аёлларнинг ичадиган эркакларга нисбати мутахассслар томонидан ўндан бир ҳисобида аниқланар эди. Бизнинг давримизда

бу нисбат гўзал дилбарлар зарари томон жуда кескин силжиди ва еттига бир, ҳатто олтига бир ҳисобидаги сонлар билан ифодаланади. Бундай қонуният деярли барча мамлакатлар учун хосдир, аёлларнинг ичкилик ичиши жуда қораланадиган мамлакатлар бундан мустасно. Масалан, Японияда алкоголик аёллар деярли йўқ. Лекин Англияда иккита пияниста эркакка битта ичкиликни сувиестемол қиладиган аёл тўғри келади. АҚШ да бу нисбат олтига бир, ГФР да ўндан бирга тўғри келади.

Яна шу нарсани ҳисобга олиш керакки, аёллар эркакларга қараганда спиртли ичимликка ружу қилганларини кўпинча яширишга уринадилар.

«Бундай ҳаракат,— деб ёзган эди машҳур психиатр Э. Блейлер,— шу билан осон изоҳланадики, аёл киши ичмаслиги керак. урф-одатлар унинг нуқсонини олжашобликка кўтармайди, унинг идеаллари пиянисталикка боғланмаган. Улар кўп ичишга бошлашлари учун нормадан анча четга чиқишлари керак. Аёл киши эркаклар каби «ичишни билиши» билан мақтана олмайди. Барча констелляция ҳамиша унинг ноўрин ишларини қилаётганини эслатиб туради».

Аёллар ўртасида одатдаги пиянисталик ва алкоголизмнинг кўпайишига сабаб нима? Бу масалада жуда кам текшириш ўтказилган. Шў сабабли, фақат айрим моментлар ва таъсирлар ҳақидагина гапирини мумкин. Афтидан, эркаклар билан аёллар алкоголиزمни кўрсаткичи ўртасидаги узилишнинг қисқариши асосан социал-иқтисодий сабаблар билан белгиланади. Аёл киши тобора озод бўлиб боряпти, гражданлик ва иқтисод жиҳатидан мустақилликка эга бўляпти. Кўпчилик аёллар эркаклар билан бир қаторда ишляпти, эркаклардан кам эмас, балки кўпроқ маош оляпти ҳам. Аёлларнинг эркакларга фақат моддий жиҳатдан эмас, балки маънавий, ҳуқуқий тобелиги ҳам анча сусайди. Бироқ шу билан бирга бизнинг давримизда тобора кўп проблемалар пайдо бўляптики, илгари аёллар улардан четда бўлардилар. Аёл кишининг ҳаёти муҳим ишлар билан банд бўлмоқда. Аёл кўпчилик ҳолларда истаса-истамаса муҳим, масъулиятли масалаларни ҳал қилишга мажбур бўлади, унинг масъулияти, умумий психикасига тушадиган нагрузка ортди.

Бироқ аёл киши ишлаб чиқариш доирасига, жамият ҳаётига актив киришган бўлса-да, ҳануз уй иши билан кўпроқ банд бўлиб қолмоқда. Ҳозир ҳам рўзгор тебра-

тиш, болалар тарбияси каби асосий ташвишлар унинг бошида. Бу унга қўшимча вазифаларни юклайди.

Уруш давридаги ва урушдан кейинги йиллардаги ғам-ташвишлар ҳам асар қолдирмай қўймади. Кўпчилик аёллар эрларидан жудо бўлдилар, кўплари турмуш қура олмадилар. Умуман оғир кечинмаларни бошдан ўтказиш анча дили юзик ва муштипар аёл қалбида «шахсий план» да чуқур сезиларли из қолдиради.

Буларнинг ҳаммаси аёлларнинг алкогольни кўпроқ ича бошлашига замин яратди. Баъзи бир ҳолларда улар спиртли ичимлик ичиб, кундалик ташвишларни унутмоқчи бўладилар. Бошқа ҳолларда аёл бевосита атрофидаги микромўҳит таъсирида (агар бу муҳитда ичкилик ичилса ва тез-тез айш-ишрат қилиб туриш қораланмаса) ичкилик ичади.

Чамаси, аёл руҳи турли хилдаги салбий таъсирларга жуда сезгир бўлса керак. Масалан, алкогольлик аёллар группасида ичкиликбоз эркаклар ўртасидагига қараганда ота-оналар ўртасида низолар, ота-оналарининг бўлмаслиги, онанинг болаларига бемехрлиги, отанинг пиянисталиги, «болалар асабийлиги» нинг кўпроқ учраши аниқланган ва ҳоказо.

Кўп ичадиган аёллар ўртасида ота-онанинг йўқлиги 13 процент ҳодисада, эркакларда — 6 процент ҳодисада, онанинг йўқлиги — аёлларда 22 процент ва эркакларда 11 процентни ташкил қилиши қайд қилинган.

Аёллар алкогольизмига аксари эркаклардаги ичкиликка ружу қилишга қараганда ичкилик ичмасдап олдинги руҳий изтироблар (яқин одамнинг ўлими, онладаги машмашалар, эр-хотиннинг ажралиши) сабаб бўлади.

Гарчи аёллар эркакларга қараганда, одатда, ёшлари анча қайтганда ичкиликни суиистеъмол қила бошласаларда, лекин сурункали алкогольизм аломатлари уларда қисқа муддат ичида ривожланади. Уларда ичкиликни суиистеъмол қилиш натижасида шахс деградацияси тезроқ пайдо бўлади ва анча рўйирост юзага чиқади. Тўғри, биринчи босқичларда аёллар ичкиликка патологик ружу қилганларини жуда усталик билан яширадилар, бунинг натижасида уларнинг хатти-ҳаракатлари камдап-кам ҳолларда кўпол бўлади, мастликларида унча тажовуз қилмайдилар, ихтисосларини йўқотмайдилар ва ҳоказо. Бироқ алкогольизмнинг кечки ривожланиши босқичларида ичкиликбоз аёлларнинг ахлоқи

ва маънавий қиёфаси алкоголик эркакларга қараганда жуда ҳам ўзгариб кетади.

Алкоголик аёлларнинг хулқи ва хатти-ҳаракатлари кўп жиҳатдан эркакларга ўхшаб кетади, аёл «эркаксп-фат» махлуқ бўлиб қолади. Аммо шу билан бир қаторда алкоголик аёл ўзини кўз-кўз қилишга, қуруқ савлат тўкишга ҳаракат қилади, атрофдагилар унинг «мурак-каб» кечинмаларини тушунишлари учун уринади, бу эса аёлнинг «оғир, бахти юришмаган ҳаёти» натижасидир.

Тўғри, аёллар алкоголли ичимликларнинг суррогатлари (политура, одеколон) ни ичмайдилар, уларда алкоголь психозлари анча кам учрайди. Бироқ аёллар алкоголизмининг оқибати анча ёмон бўлади. Аёлларни алкоголга қарши даволаш анча қийин.

Алкоголизмга қарши кураш билан шугулланадиган одамлар буни яхши билишлари керак. Алкоголизмга мубтало бўлган аёлларнинг ўз ихтиёри билан врачга бориши камдан-кам учрайдиган ҳодиса бўлганидан, биз аёллар алкоголизмини иложи борича тезроқ апиқ-лашимиз ва бу офатга қарши ўз вақтида курашниш учун барча чора-тадбирларни кўришимиз керак.

Спиртли ичимликка берилиб кетганимни бирга ишлайдиган одамлардан яширишга қанчалик уринмай, бари бир улар маст бўлиб юрганганимни кўришарди. Бош врач ичишни ташланг, деб мени бир неча марта огоҳ-лайтирди. Мен ҳар сафар «энди бир томчи ҳам оғзимга олмайман», деб таитанали ваъда берардим, лекин албатта сўзимнинг устидан чиқмасдим.

Ниҳоят, кунлардан бирида оёғимда зўрға туриб поликлиникага келганимда бош врачнинг жуда ҳам аччиги чиқиб кетди-да, «ўз ихтиёрингиз билан бўшаш» ҳақида ариза беринг, бўлмаса меҳнат интизомини кўйол равишда бузганингиз учун ишдан бўшатаман,— деди. Менинг рози бўлишдан бошқа иложим қолмади. Бошлиққа сал бўлса-да эътироз билдириш албатта бемаънилик бўларди: ахир бош врач менинг пиянисталигимга икки йил чидади-я. Поликлиника билан хайрлашиб, ҳеч қандай қийинчиликсиз янги иш топдим, янги болалар яслисига врач бўлиб ишга кирдим. Бу иш менга аввалгисидан кўра анча ёқарди. Озиқ-овқат блокида овқатни синаб кўриш менинг вазифамга кирганидан овқатлашишга ҳечам пул сарфламасдим ва мао-

шимни охирги тийинигача ичаверишим мумкин эди. Бундан ташқари, катта медицина ҳамширасига хушомад қила бошладим, унинг кўнглига ёқадиган гапларни ҳадеб айтавердим. Театрга таклиф қилардим. У ҳам мени анча ўзига яқин тута бошлади, баъзи-баъзида бош оғриғи қилишим учун оз-оздан спирт берар эди. Ясли мудираси, чамаси менинг тез-тез ичиб туришимни сезди шекилли, лекин ҳеч нарса демади, чунки дастлабки кўнларда янги жойга яхшилаб ўрнашиб олиш учун фақат ишдан кейин ичардим, яслига бўлса жуда хушёр келардим, тўғри, қўлларим қалт-қалт титрар, алкоголиклар тили билан айтганда «бориб-келарди».

Бундан икки йил аввал Норильскда болалар богчасида врач бўлиб ишлаганимда вазифам ўзимга мутлақо ёқмаган эди, энди эса ишим жуда маъқул бўлиб қолди, кетишни хаёлимга ҳам келтирмасдим, ҳолбуки илгари мактабгача муассасадаги ишдан иложи борича қутилишни ўйлардим. Орадан кўп вақт ўтмай, умуман мурракаб бўлмаган бу ишимни яхши эгаллаб олдим, бунга хаётимда содир бўлган бир воқеа жуда катта таъсир кўрсатди. Сиз, албатта, ишонмасиз, лекин ўзим ҳам қутилмаганда ичишни ташладим.

Бу шундай бўлди. Яслининг катта группасига Нина деган жажжигина қизчани олиб келишарди. У уч ёшдан ошмаганди, шунинг учун уни болалар богчасига ўтказишмаганди — у ерда бўш ўрин йўқ эди. Ниночкани мен жуда яхши кўриб қолдим. У жуда зийрак, қувноқ, тўполончи, лекин шу билан бирга ёқимтой ва ширин қизча эди. Боланинг тили ширин деб бекорга айтишмаган экан. Богчамиздаги ҳужжатларга кўра Нинанинг отаси йўқ, фақат онаси билан турарди.

Қизча менга дарров ўрганиб қолди. Балки у менинг яхши кўриб қолганимни, унга бошқа болаларга қараганда кўпроқ вақт ажратиб, меҳрибонлик қилишимни сезган бўлса керак. Балки бунинг сабаби отасини кўрмасида, уйда эркак киши йўқлигидадир.

Ниночка мени «Василич амаки» деб чақирарди. Қизча жуда питир-питир ва бир жойда тинч туролмасди, шунинг учун унга сичқонча деб ном қўйиб олдим.

Қушлардан бирида касалхонадан богчамизга телефон қилишиб, Нинанинг онасини «тез ёрдам» да олиб келишганини, шошлинч равишда операция қилишини айтишди. Биз мудира билан қизчани қаерга жойлаштирадик экан, деб ўйлашиб қолдик. Ниналарнинг қўбини си йўқ эди. У онаси билан алоҳида квартирада турарди.

Опасининг ишхонасига телефон қилмоқчи бўлдик, зора бирорта одам болани вақтинча қарамоғига олиб турса, деб ўйладик. Лекин бирдан Нинага мен қараб тура-қолсамчи, деб юбордим. Кейин бу фикрнинг олдинроқ миямга келмаганига ўзим ҳам ҳайрон бўлдим, бирдан шундай қарор қилдим-да.

Шунда мудира биринчи марта спиртли ичимликлар ичишига ишқибозлигимни юзимга солди:

— Болага қараш сизга йўл бўлсин, олдин ўзингизни эплаб олинг!— деди у лўнда қилиб.

— Шу бугундан бошлаб оғзимга бир томчи ҳам ароқ олмайман!

Назаримда мен бу сўзни жуда қатъий равишда айтдим шекилли, мудира ортиқча ҳеч нарса демади. У кабинетига хўжалик ишлари билан шугулланувчи ҳамширани чақирди-да, менга Нина учун бир комплект чойшаб, ёстиқ жипди беришни, уларни ҳар куни алмаштириб туришни айтди.

Шундай қилиб, қизча меникида яшай бошлади. Кун бўйи қизчага қарайман, унга меҳрибонлик қиламан, парвона бўламан денг. Унга овқат тайёрлайман, якшанба куни тушдикка ҳам овқат ишираман, қизчани айлантириб ўйнатиб келаман, доим унга қараб тураман, китоб ўқиб бераман.

Сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларп олиб келиш учун магазинга борганимда вино сотиладиган бўлимга қарамайман, яна кўнглим тусаб қолмасин, деб қўрқаман. Бир печа кундан кейин эса ароқ хаёлимга ҳам келмайдиган бўлиб қолди, гўё ароқ дунёда йўқдек эди!

Ишдан кейин биз Нина билан айланиб юрардик ёки ўғлимни олиб, учаламиз сайр қилардик. Уғлим қизчага жуда меҳрибонлик қилар, уни «жуда кичкина» деб ҳисобларди. Лекин баъзан ўғлим катталигини унутиб қўярди, иккаласи роса ўйнашарди. Улар ҳамма нарсага қизиқишарди. Дуч келган нарсани сўрашар, ҳар сафар ҳам ҳайвонот боғига ёки кинога боришга ҳожат бўлмас эди, чунки бусиз ҳам зерикмасдик.

Дам олиш кунларим иккала бола билан жуда кўнглили ўтарди, кечқурунлари бирга сайр қилардик. Икки ойча вақтни шу зайлда ўтказдик, чунки Нинанинг сниси операциядан анча оғир чиқди, операциядан кейинги давр ҳам баъзи асоратлар билан оғир ўтди.

Нинанинг онаси касалхонадан чиққанидан кейин қизини олиб кетди, уйим ҳувиллаб қолди, менга ҳаётнинг қизиғи қолмади. Бошқа ҳеч қанақа ташвишим

йўқ эди. Бировнинг (майли, кичкина бола бўлсин), тақдири учун жавобгарлик ҳисса йўқ эди. Мен ўғлимни кўргани бориб турардим, кечқурунлари иккаламиз кўчаларни айланиб юрардик, кечқурун соат саккизларгача вақтим у билан ўтарди. Кейин ҳувиллаб ётган уйга қайтардим. Уй мен учун бўм-бўш ва бегона бўлиб кўринарди. Қитоб ўқигим келмасди. Ҳеч нарсага қўлим бормасди. Уғлим билан доим бирга бўла олмаслигимни ўйлаб эзилардим. Уйда овқат пиширмайдиган, яна ўша кўрғур «Ландиш» га борадиган бўлдим.

Нинанинг уйимдан кетиб, онаси бағрига қайтганига бир ҳафта ҳам бўлмасданоқ кўнглим озгина коңьяк ичишни тусаб қолди. Жуда ичгим келиб кетди. «Энди ўзимни ўзим идора қила оламан,— деб ўйладим.— Юз грамм ичман, вассалом! Ахир икки ой ичмадим-ку! Кўнглим тусамани-ку!».

Эртасига кечқурун «Ландиш» га овқатлангани кирганимда ўйламай-нетмай юз грамм, кейин яна юз грамм, ва яна икки юз грамм коңьяк буюрдим. Шу кундан бошлаб яна эски аҳвол бошланди. Яна спиртли ичимлик ичмасам туролмайдиган бўлиб қолдим. Менинг фароғатли кунларим тугади.

Глеб Лусаровнинг «алкоголь таржимаи ҳоли» даги икки ойлик «ҳушёрлик даври» тўғрисида қилган ҳикояси алкоголизмни касаллик сифатида ривожланишининг илк даврларида, хусусан гап уйдаги пиянисталик устида борар экан, ичкилик ичишни ташлаш мумкинлигини яна бир бор исбот этади. Қамдан-кам ҳолларда бундай «ўз-ўзини даволаш» ичкиликбоз ҳаётида юз берган бирорта фавқуллодда ҳодиса: алкоголик касал бўлиб қолганда, врач уни ўлим ваҳимаси билан қўрқитиб, ичкилик ичишни тақиқлаганда, маъсул ишга тайинланганда ва ҳоказода мумкин бўлади.

Бироқ аксари алкоголик атрофида шундай сунъий шароит яратиш керакки, одам алкогольни суниестъмол қилишни ташлашга мажбур бўлсин. Тарих тажрибаси шуни кўрсатадики, алкоголикларга нисбатан қаттиқ чора кўрилганда ичкиликни суниестъмол қилиш кескин камаяди. Маълумки, кўҳна Мисрда, Ҳиндистонда, Хитойда иш шу даражагача бориб етганки, пиянисталик учун тап жазоси берилган, ҳатто баъзан пиянисталик ўлимга ҳукм қилишган.

Тўғри, бу ваҳшиёна усулларни бизнинг давримизда қўллаш бемаънилик бўлур эди. Бироқ бари бир шунин

унутмаслик керакки, алкоголизмга қарши бутун масъу-
лиятлилик, бутун қатъийлик билан, кампания бўлиб эмас,
балки планли равишда кураш олиб бориш керак.

Чамаси, алкоголикларни узоқ муддат давомида
(олти ойгача ва ҳатто икки йилгача) мажбурий равиш-
да даволайдиган муассасалар тармоғини кенгайтириш
керак. Биринчидан, бунда, муассасалар даво курсини
олган пиянистларга нисбатан қандайдир натижа бера-
ди, иккинчидан, пиянисталар даволаш-меҳнат профилак-
торийларига тушишдан қўрқиб, бу ярамас одатдан ўз-
ларини тийишга мажбур бўладилар.

Ишхонада пиянисталар учун улар чидолмайдиган
шароит яратиш зарур. Уларни «ўз ихтиёри билан» иш-
дап бўшатмаслик керак. Ичкиликбозни маст ҳолида иш-
га йўлатмаслик лозим. Прогулчиларнинг айбини яши-
ришни бас қилиш керак, ҳолбуки, кўпинча прогул
қилган кунни олдин ишлаган иш кўнига ҳисоблаб
юборишади.

Бироқ бу маъмурий чораларнинг ҳаммасини албат-
та врачлик паркологик ёрдам тармоқларини кенгайти-
риш билан бир вақтда олиб бориш керак. Бизда ҳали
бу борадаги ишлар унча яхши йўлга қўйилмаган. Ме-
нинг фикримча, наркологик кабинетда ишловчи врач-
лар ставкаси сонини ошириш лозим. Ҳар бир йирик
корхонанинг ўзида алкоголикларни аниқлайдиган, да-
волайдиган ва мунтазам равишда профилактика иши-
ни олиб борадиган нарколог бўлиши зарур.

Маъмурий чора-тадбирлар ва даво ёрдами борасида
ҳали кўп, талай ишларни қилиш керак.

Бироқ алкоголизмга қарши курашни қайта қуриш
вазифаси шу қадар мураккабки, уни Глеб Васильевич
Лусаровга бағишланган повестдаги чекинишларга қа-
раб ҳал қилиш ҳақида гапириш ноўрин бўларди. Бу
ишда кўпчилик одамлар ва кўпгина ташкилотлар ҳа-
ракат қилиши шарт. Менинг вазифам эса анча содда:
алкоголнинг шахс инқирозига олиб боришини, одам-
лар умрини ҳазон қилишини кўрсатиш, бу ҳақда огоҳ-
лантиришдир. Пациентларимдан бири ҳақида ҳикоя
қилар эканман, ана шуларни мақсад қилиб олдим, чун-
ки алкоголь унинг ҳаётида машъум — олдин бевосита
кейин эса билвосита роль ўйнади, бу эса қаҳрамоним
ҳаётининг фожиа билан тугашига олиб борди.

Ясли мудираси яна ичкиликбозлик қилаётганимни
сезиб қолди, чунки ичган кунимнинг эртасига оғзимдан

ароқниги қўланса ҳиди келиб турарди. У аввал иложи борича бунга чидади. Кейин ичкиликбозликни ташлашимни мендан тез-тез илтимос қила бошлади. Лекин кунлардан бирида худди кабинетимнинг ўзида ичиб, шу ерда тунаб қолганимни сезгач, мудира менинг ишдан бўшашимни талаб қилди. Тамоми илтимосу ялинишларимга қарамай меҳнат дафтарчамга «ўз ихтиёри билан» бўшади, деб ёзиб беришга ҳечам унамади, у ўз сўзида туриб олди. Кейинчалик қаерга ишга кириш ниятида бормай, ўрин тўлган деб сира олишмасди, лекин ҳамма ерда врачлар керак эди.

Кўпгина медицина муассасаларига иш қидириб келиб чиқдим, врачлик лавозимига ишга кира олмаслигимни тушунгач, битта пиянистанинг маслаҳатига кўра (у билан майхонада гаплашиб қолган эдим) Пушкин помидога театр билан гастролга саҳна ишчиси сифатида жўнаб кетишга қарор қилдим. Театрга ишчилар жуда ҳам керак эди, шунинг учун ҳам ҳеч қийналмасдан ишга кириб олишимга шубҳа қилмасдим. Мен алкоголь таъсири остида имкониятларим чегараланиб қолгани натижасида эмас, балки «дунёни кўргим», турли шаҳарларда бўлгим келгани туфайли ихтисосимдан бошқа ишга қирялман, деб ўзимни ишонтиришга уринардим. Бу фикр менга жуда ёқиб қолди, театрға жуда яхши кайфиятда бордим.

Кадрлар бўлимидаги ходим меҳнат дафтарчамнинг биринчи бетини ўқиди-да, менинг мутахассислигим врач эканини билиб ҳайрон бўлди. У охири бетдаги меҳнат интизомини бузганим учун ишдан бўшатилганимни ўқиб кўрганидан кейин, шу заҳоти ҳужжатларимни қўлимга қайтариб берди.

— Йўқ, биз ишчиларни олиб бўлдик.

— Ахир тўққизта ишчи керак, деб эълон осиб қўйибсизлар-ку. Иннайкейин менинг танишларим айтувдики...

— Йўқ, йўқ, эълон эскириб қолган. Олиб ташлашга вақтимиз бўлмапти. Одам етарли! Сизни ушлаб турмайман. Урин бўш бўлса ҳам сизни олганимиздан фойда йўқ. Биринчи шаҳарданоқ қайтаришга тўғри келади. Мурманскданоқ қайтасиз. Мурмансккача бутун йўлда ичиб борасиз-да ўзиям!

Рад жавоби менинг учун жуда қутилмаган ҳодиса бўлди, юрагим сиқилиб уйга қайтдим. Ичгим келарди, лекин метрога ҳам пулим йўқ эди. Мен дангал пиво сотадиган автоматга кирдим-да, бўш стаканни олиб, ича-

ётганлардан идишимга «винодан қиттак» қуйворинглар, деб ялпидим. Баъзилари мендан роса кулишди. Лекин мен ҳечам уялмадим. Менга ҳаммаси бари бир эди. Бирдан-бир хаёлим қандай бўлмасин, ичиш эди. Мен ҳатто бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмадим, худди тушимдаги каби ихтиёримдан ташқари ҳаракат қилардим.

Баъзи одамлар стаканларида оз-оздан қуйиб беришиди. Стаканни тўлдириб вино берганлар ҳам бўлди. Закускахона ёпиладиган пайтга бориб, мен яхшигина ичиб олган эдим.

Мен троллейбусга чиқдим-да, билет ҳам олмай Трубиний майдонигача бордим. Кейин бошқа трамвайга тушиб, билетсиз уйимгача бориб олдим.

Уйимиз ёнидаги гастроном олдидан ўтар эканман, шишалар терилган витриналар олдидан афсуслашиб ўтдим. Витринанинг бурчагида қанақадир эълон бор эди. Мен яқинроқ бордим. «Юкчи керак. Маош 80 сўм. Иш-кун ора».

«Жуда соз!»— дедиму, лекин шу заҳоти ўйлаб қолдим.

— Олишмасая?»

Кеч соат тўққиз эди. Мен эрталабгача ҳушёр тортишимни кутиб ўтирмай, тўппа-тўғри директорнинг олдига кирдим.

— Шикоятми? Ни́ма бўлди? Сиз ўзингизни бизнинг ўрнимизга қўйиб кўринг. Ҳар кун миғ-миғ харидор, ҳар бирининг ўз характери бор!— деган сўзлар билан мени кутиб олди директор.

— Ҳа, йўқ,— гудурладим мен.— Сизга, назаримда ишчи керак...

— Ҳа. Бу бошқа гап. Ўтир! Ҳужжатларингни олиб келдингми! Ёки умуман ҳужжатинг йўқми?

— Бор!— дедим севинчим ичимга сиғмай. Мана паспортим, мана меҳнат дафтарчам ҳам.

— Буёққа бер. Эртага эрталаб еттида ишга чиқсан. Маст бўлиб келсанг, ўша заҳоти ҳайдайман. Тушундингми? Бор, ухла. Айтиб қўяй: мен ади-бади айтишиб ўтирмайман. Агар уч кундан ортиқ ишга келмасанг, умуман келмай қўя қол. Сенларни шунақа қилиб таъзиригини бериш керак. Планни бузсаларинг, аблаҳлар, ни́ма билан савдо қиламиз.

— Лекин кейинги жойдан бўшашинда сал нотўғри бўлганди,— дедим иккиланиб.

— Бор, ухла, пияниста!— гапимни чўрт бўлди директор.— Эртага — еттида!

Агар мен илмий унвон олиш учун диссертация ёқлаганимда юкчи бўлиб ишга кириб олганимчалик севинмаган бўлардим. Директор менга жуда меҳрибон ва ақлли одам бўлиб кўриниб кетди. Фақат галининг тагини кейин биллиб олдим. Бу ишга ўтакетган пияшисталардан бошқа ҳеч ким кирмас экан.

Шундай қилиб, кўни билан уч кун дам олиш ҳуқуқига эга бўлиш ва чоракта мукофот билан янги ҳаётим бошланди, бунинг учун биттаям шишани синдирмай ортишим керак эди. Мени ишдан бўшатиб юборишларидан жуда кўрқардим. Шунинг учун пешингача жуда-жуда ичгим келса ҳам, бир амаллаб тушликкача чидардим-да, кейин ичардим.

Глеб Лусаров менга айтиб берганидек, алкогольни сунистеъмол қилишни атрофдаги одамлардан яширишга уриниш ичкиликбозлар учун типик ва хосдир. Дастлабки пайтда пияшисталар спиртли ичимликка қанчалик берилганларини яшириб, одамларни чалғитиш учун жуда усталик билан ҳийла-найранглар ишлатадилар. Масалан, бир бемор ўзи ҳам ичиши «зарурлигига» қариндошларини ишонтириш учун иложи борича уйига тез-тез меҳмон чақирган. Шунда ҳам у одамлар олдида озгина — кўни билан бир қадаҳ сухой вино ичган, кейин пайт пойлаб туриб, ҳожатхонага кириб олган-да, у ерда ярим литр ароқнинг ҳаммасини битта кўтаришда смирманган. Шишага олдиндан ароқ қуйиб, у ерга бекитиб қўйган. Бу найрангбоз қаттиқ маст бўлганини «спиртли ичимликни ҳечам кўтара олмаслиги» билан изоҳлаган.

Мудҳиш офатнинг олдини олиш учун ўз вақтида аралашишнинг қанчалик қийин бўлишини ўзингиз ўйлаб кўринг. Қариндош-уруғлар, бирга ишлайдиган одамлар, дўстлар кўпинча ёпирилиб келаётган балодан бехабар қоладилар. Фурсат ўтиб кетганидан кейин—пияшиста маст ҳолда ишга келадиган, уриш-жанжал қилдиган бўлиб қолганида, жиноят қилганида энди бу масала билан жиддий шугулланадилар. Ҳа-ҳа! Жиноят қилганда! Зероки, ҳозир жинойий ишларнинг асосий проценти мастлик ҳолатида содир бўлган жиноятга тўғри келишини ҳамма билади. Алкоголик баъзан ахлоқ нормаларига мутлақо зид, энг келишмаган ҳаракатларни қила олади.

Масалан, ўғирликни олинг. Мен илгари жуда ҳам ҳалол ва бебаҳо одамлар бўлган пияшисталарни кўрган-

ман. Бироқ ичкилик хумори натижасида юз берган қў-поллик, характерологик ўзгаришлар ва оғир азоблар шунга олиб келганки, улар ароқ сотиб олиш учун арзимаган нарсаларни ўғирлай бошлаганлар. Бу одамлар арзимаган бир неча тийин ва бир-икки сўм учун жиноят қилиб, бир неча йиллар озодликдан маҳрум этилишга ҳам рози бўладилар. Менинг пациентларимдан бири закускахонада бировнинг портфелини ўғирлагани учун қамалган, маълум бўлишча, бу портфелнинг ичида бор-йўғи кўйлак-иштон бор экан. Портфелнинг эгаси ҳаммомдан қайтаётиб, закускахонага бир кружка пиво ичиш учун кирган. Бошқа пияниста ўз-ўзига хизмат кўрсатиш магазинидан мясорубка ўғирлаган.

Бироқ алкоголиклар ва уйда ичадиган пиянисталар содир қиладиган барча жиноятлар ҳам бунақа арзimas бўлмайди. Кўпинча бу жиноятлар пиянистанинг безорилик ҳаракатидан жабр тортган одам учун фожиали бўлади.

Пияниста истак билан имкониятнинг, инжиқлик билан рухсат этиладиган нарсанинг фарқига бормайди. У спиртли ичимлик таъсирида зўрайган оддий истаклари ва инстинктив ният туфайли хатти-ҳаракатлар қилади. Одам маст бўлиб олгач, очикдан-очиқ беҳаёликка ва кўпинча ахлоққа зид ишларга берилади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, кўп ичиб маст бўлганда пияниста ўз хатти-ҳаракатларига унчалик бўлмаса ҳам, танқидий баҳо бера олади. Ичадиган одамлар ўртасида ўзини аслидагидан кўра кўпроқ маст қилиб кўрсатиш традицияси жуда ҳам ривожланган. Пияниста модомики, маст эканман, «менга ҳамма нарса мумкин», кўп нарсани кечирishaди, деб ўйлайди, шунинг учун одоб-ахлоқли бўлишни ўзи учун ортиқча деб билади. Маст киши хатти-ҳаракатлари билан баъзан бошқаларга тақлид қилганга ўхшайди. У ўзини «бошқа пиянисталар» каби тутaди. Шуниси қизиқки, ўша битта одамнинг ўзи ичкиликбоз улфатлари ичида, оиласида ўзини ҳар хил тутaди, масалан, милицияда бир зумда кайфи қочиб кетади, узр сўрайди, ўзини оқлашга уринади, ҳозироқ ухлашга кетаман, деб ишонтирмоқчи бўлади.

Бизнинг қонунлар пиянисталарни ўз жиноятлари учун қонун олдида жавоб бера оладиган, ўз хатти-ҳаракатларига жавобгар деб ҳисоблайди. Бунинг устига СССР Олий Совети Президиумининг фармониға мувофиқ «Мастлик ҳолатидаги шахс томонидан жиноят со-

дир қилиниши жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолат ҳисобланади».

Кўпчилик ҳолларда алкоголь яширин ният ва истакларни юзага чиқаради. Эс-ҳушли одамники дилида, пиянистаники тилида, деб бежиз айтишмаган. Маст одамда ўзини ўзи назорат қилиш қобилияти сусаяди. Иккинчи томондан, маст киши бир лаҳзалик кайфиятга дарров берилади, ақл-фаросатдан кўра кўпроқ бейхатир тошиб келган ҳиссиётлар таъсирида ҳаракат қилади. У «ботир» бўлиб қолади, эҳтиёткор бўлмайди, хавф-хатарни унутади ва кейинчалик ўйлаб кўрганда ҳеч ақли бовар қилмайдиган ҳаракатларни қилишга журъат этади. «Дунёни сув босса пиянистанинг тўпинига эиқмайди». Ахир алкоголикнинг баъзи ҳаракатлари ўзинг феъл-атвориға, жамиятда тутган мавқеиға, ўрганган одатларига ва эстетик дидиға мутлақо зид бўлади.

Шундай ҳам бўладики, одам жиноят қилиш режасини кўп вақтгача ўйлаб юради ва уни амалға ошириш олдидан юрак «дадил» бўлсин учун ичади. Бошқа ҳолларда одам мастлиги натижасида тўсатдан дуй берган импульсив ният билан жиноят қилади.

Бундан юз йилдан кўпроқ муқаддам Англияда махсус парламент комиссияси барча жиноятларнинг деярли 80 проценти алкоголь таъсириға бир қадар боғлиқ бўлади, деган хулосаға келди. Утган аср охирида АҚШ полицияси қайд қилган барча жиноятларнинг 90 процентигача спиртли ичимликлар ичишға боғлиқ бўлган. Петербургда 1883 йилдан то 1899 йилгача пиянисталарнинг хотин-қизларни зўрлаган ҳодисалари 62 процент, ўғирлик—52,9 процент, жароҳатлаш ва шижаст етказиш—53,5 процентни ташкил қилган.

Бизнинг давримиз статистикаси ҳам анча ҳушёр бўлишни талаб қилади. Хужум қилиш, бузиш билан ўғирлик қилиш ва жинсий жиноятларнинг содир бўлишида мастликнинг роли ҳақида тушунча берадиган кўрсаткичлар айнқса юқори. ГФР статистикаси маълумотларига кўра, 50 процент сексуал жиноятлар мастликда содир бўлган. АҚШ да қамалган одамларнинг 50—70 проценти мастлик ҳолатида жиноят қилган. ФБР ҳисоботида хабар берилишича, 1961 йилда қамоққа олинган одамларнинг 4 200 000 тасидан 1 500 000 таси пиянисталик қилгани учун қамалган. Бундан ташқари, кайф билан жамоат тартибини бузгани учун 468 000 та одам, мастлик ҳолатида автомашина ҳайдагани учун

205 000 та одам, дайдилиги учун 157 000 та одам қамоққа олинган.

1958—1961 йиллардаги маълумотларга кўра, Бордо (Франция) шаҳрида содир бўлган 70 та қотилликдан 40 тасида жиноят вақтида қотил маст ҳолатда бўлган. Шу 40 қотилдан 39 таси ичавериб, адоий тамом бўлган алкоголиклар эди.

РСФСР да 1956 йилда безорилик ҳаракатларининг 95 процентини маст одамлар содир қилганлар, 1964 йилдаги барча жиноятларнинг ярми мастлик ҳолатида қонун бузганларга тўғри келган.

Жаҳон статистикасининг ана шу қуруқ, бироқ драматизм тўла рақамларига яна шу нарсани қўшиш керакки, мастлик жиноятчининг ҳаракатларига алоҳида хавфни, ақлсизлик, бағритошлик, беҳаёликни қўшади. Масалан, ўтакетган таҳқирлик ва беҳаёлик билан хотин-қизларни зўрлаш кўпинча маст кишилар томонидан (61,8% ҳодиса) содир бўлади.

Спиртли ичимликни суистеъмол қилишга алоқадор бўлган жиноятчилик ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Бу темани батафсил ёритиш менинг вазифамга кирмайди. Мен бусиз ҳам ҳикоямдаги асосий фикрдан четга чиқиб кетдим. Ҳали Глеб Васильевич Лусаровнинг ҳаёт тарихини поёнига етказиш керак.

Кунлардан бирида диванда ётиб, дам олаётган эдим. Бир кун олдин роса ичгандим, шунинг учун ҳам беҳол эдим. Бирдан ўз юрагимни «сезиб» қолдим. Илгари юрагимнинг қаердалигини умуман билмасдим, баъзан қўлимни қўйиб, юрагимнинг ураётганини сезардим. Ҳозир бўлса, юрагимнинг уришини аниқ эшитдим. Шунда ҳам ҳар уч марта урганидан кейин урмай қўяр, тўртинчи уриши ҳечам сезилмасди. Шу аснода кўкрагимнинг қотиб қолганини ва юрагим соҳасида енгилгина зарбни сездим. Ҳозир, шу лаҳзада ўлиб қолаётгандек, юрагим бутунлай тўхтаб қоладигандек туюлди менга.

Мен ҳамиша ўзимни соппа-соғман деб юрардим. Ҳар ҳолда узоқ йиллар умр кўришимга асло шубҳа қилмасдим, илгарилари ўлишни ёки касал бўлиб қолишни мутлақо ўйламасдим. Мана шундай навқиронлик пайтимда ширин хаёллар оғушида юрганымда юрагимнинг бирдан гупиллаб уриб кетиши мени жуда ваҳимага солиб қўйди. Мен ўзимни соппа-соғман деб ўйлашга жуда ўрганиб қолган эканман, энди юрагим тихирлик қилиб урганида ваҳимага тушиб, нима қили-

шимни билмай қолдим. Мен ўз ҳиссиётларимга қулоқ солдим, аҳволимни синчиклаб текшириб кўрдим, қарасам оёқ-қўлларим муздек бўлиб қоляпти, бармоқларимнинг томйри тортишади, биқинимда ва жигарим соҳасида вақти-вақти билан симиллаб оғриқ туради.

Мен саломатлигим пўтурдан кетибди-да, деб ўйлаб қолдим. Бироқ ичкиликбозликнинг ҳалокатли таъсиридан дарак берувчи ана шу белгиларга оқилона баҳо бериш, спиртли ичимликлардан бир умрга бутунлай воз кечиш ўрнига, ҳаммасини аксинча қилдим. «Алашим» дан яна ҳам кўпроқ ичадиган бўлдим.

Бундан бир неча йил муқаддам Франция Медицина Фанлари академияси президенти Лебре айтиб ўтганидек, уларнинг мамлакатида алкоголизмдан ва унинг оқибатларидан ҳар 25 минутда битта одам ўлади. Швейцариялик олимларнинг ҳисоблашларига кўра, алкоголизмдан ва унинг асоратларидан ўлиш мингта аҳоли ҳисобида олинганда, бутун юқумли касалликлар туфайли содир бўлган ўлим ҳолларидан кўп. Англия ва Америка страхование жамиятларининг статистикасига кўра, алкогольни сунистеъмол қиладиган одамлар ўртасидаги ўлим ичкиликдан ўзини тийиб юрадиган одамлар ўлимига нисбатан 165 процент ортиқ. Бироқ сурункали алкоголизмнинг турли асоратларини, шунингдек, мастлик ҳолатида ва мастлик туфайли юз берадиган бахтсиз ҳодисаларни яна ҳам синчиклаб ҳисобга олинадиган бўлса, бу рақамлар янада ваҳимали даражага етади. Совет психиатри И. В. Стрельчук ҳам алкоголизмга мубтало бўлган одамлар ўртасидаги ўлим ҳоллари қолган аҳолининг шу хилдаги кўрсаткичидан ўн баравар ортиқ, деб ҳисоблайди.

Ҳар ҳолда алкогольни сунистеъмол қилиш организмни барвақт қаритади, одамни вақтидан илгари мункиллаб қолишга олиб келади, бу шак-шубҳасиз исботланган, деб ҳисоблаш мумкин. Пияниста одамлар ўртасида ичмайдиган ёки меъёрида ичадиганларга қараганда ўлим ҳоллари анча кўп.

Бу ҳол қадаҳни қўлга кўпроқ оладиган барча одамларни ҳушёр қилиб, огоҳлантириши керак, деб ўйлайман. Бироқ менинг вазифам ҳар қандай йўл билан, ҳатто ҳақиқатни яшириб бўлса-да, китобхонларни қўрқитиш эмас, балки ишнинг чин моҳиятини айтиб беришдир. Алкоголизм ҳар қандай касалликнинг кечишини оғирлаштиради. Бу ҳақиқат. Пиянисталик ва алкого-

лизм дастлабки пайтларда турли органлардаги ҳар хил функционал, яъни чуқур бўлмаган ва ўтиб кетадиган бузилишларнинг ривожланишига имкон беради. Ичадиган одам баъзан ўзини соппа-соғман, деб ўйлайди. Пиянистадаги касаллик аломатларидан бирортасини ҳали атрофдаги одамлар сезмайди. Фақат синчиклаб, чуқур текшириш ўтказилгандагина, ҳатто пиянисталикнинг дастлабки даврларида ҳам кўпинча организмнинг нормал фаолиятида ҳар хил бузилишлар пайдо бўлганини аниқлаш мумкин бўлади.

Бу ичншга энди «ўрганаётган» пиянисталардаги бузилишларнинг енгил характеридир, бироқ одам бундан бепарво ва хотиржам бўлмаслиги керак. «Алкоголь стажини» ортира борилгани сари функционал бузилишлар чуқурлаша боради ва аста-секин анча кўпол органик бузилишларга айланиб кетади. Психиатрия касалхонасига келиб тушадиган, бир неча кунлаб бош кўтармасдан ичадиган одамлар ўртасида муҳим касалликлар (гастритлар, жигар, юрак, меъда ости бези касалликлари ва ҳоказо) лар 70—72 процент ҳодисада қайд қилинади.

Тахминан 70 процент алкоголиклар турли хилдаги гастритлардан азоб чекади. Беморлар иштаҳа йўқлигидан, кўнгил айнашидан, жиғилдон қайнашидан; кекришдан шикоят қиладилар. Гоҳ ич кетади, гоҳ қабзият безовта қилади. Меъда соҳасида оғриқ пайдо бўлади. Лабораторияда текширганда меъда шираси кислоталигининг жуда ҳам ошиб кетгани ёки, аксинча камайиб кетгани кўрилади.

Ҳозирги пайтда сурункали алкоголь интоксикацияси (заҳарланиш) нинг жигар касалликларига олиб боришига бирорта ҳам врач шубҳа қилмайди. Ҳатто бу группдаги касалликларни белгилаш учун алкоголь гепатити деган махсус термин бор. Профессор А. Л. Мясников жигар циррози каби оғир зарарланиш барча ҳодисаларнинг ярми алкогольни суиистеъмол қилишнинг зарарли таъсирига боғлиқ, деб ҳисоблайди. АҚШ статистикаси жигар циррозидан ўлган эркакларнинг 51,5 проценти ва аёлларнинг 17,7 проценти сурункали алкогольизмдан азоб чекканини кўрсатади. Меъда ости безига келганда эса алкоголикларда унинг ички секретор ва ташқи секретор функциялари бузилади. Алкоголикларнинг кўпчилиги оғир панкреатит — меъда ости безининг яллиғланиш касалликларидан ўлиб кетади.

Ўпканинг жиддий касалликлари — туберкулёз, пнев-



мония, бронхитлар ва бошқалар алкоголикларда спиртли ичимликлардан ўзини тиядиган ёки ичмайдиган одамлардагига қараганда 3—4 марта ортиқ учрайди. Гап бу ерда, албатта, этил спиртининг бевосита нафас органлари ҳолатига таъсир қилишида эмас, балки билвосита моментларда, мен бу ерда алкоголик организмнинг ва юқуми касалликларга умумий қаршилик кўрсатиш кучининг сусайишини, нормал ишлайдиган ва нормал ҳаёт кечирадиган одамларга қараганда алкоголикларда овқатланиш, турар жой шаронгларининг ёмон бўлишини назарда тутяпман.

Алкоголнинг юрак-томир системасига таъсир қилиши ҳам шубҳасиздир. Гап спиртли ичимликларни сунистеъмол қилиш натижасида пайдо бўладиган турли хилдаги юрак-томир касалликлари, гиперто-

ния касаллиги хусусида боряпти. Бош миё томирлари атеросклерозига келганда, бу касалликнинг ичкиликбозлик натижасида келиб чиқиши мумкинлиги ҳақида баъзи врачлар баҳслашадилар. Майли, улар мубоҳаса қила қолсинлар. Агар алкоголь атеросклерозга олиб келмаса ҳам, спиртли ичимликларни ичавериш натижасида келиб чиқадиган зарарли оқибатлар рўйхати, ўзингиз кўриб турибсиз, бусиз ҳам кўп. Бас, шундай экан, ичкиликбозлар яхшилаб ўйлаб кўрсалар бўларди.

Батафсил сўз юритмасдан, ҳар ҳолда айтиб қўймоқчимиз, спиртли ичимликларга ружу қилишнинг оқибати яхшиликка олиб бормайди, ичкилик марказий ва периферик нерв системасига ахири зарар етказмай қолмайди.

Дастлабки босқичда бош оғриғи, бош айланиши, тремор (қалтираш), терлаш, артериал босимнинг ўзгариб туриши каби фақат функционал ўзгаришлар пайдо бўлади.

Кейинчалик бу симптомларнинг ҳаммаси аста-секин зўрая боради, улар билан бир қаторда яна ҳам муҳим ва янада турғун бузилишлар юзага келади. Ҳаракатларнинг уйғунлиги бузилади. Жуда кўп невритлар — оёқнинг оғриши, болдир мускулларининг тортишиши ривожланади. Қамдан-кам ҳолларда иш фалаж бўлиб қолишгача бориб етади. Кўрув нервининг жуда қаттиқ зарарланиб, ҳатто кўрликкача олиб боргани ҳақида баён қилинган.

Кўпинча веналарнинг варикоз кенгайиши ривожланади. Пиянисталик «стажи» ошгани сари алкоголикнинг бутун қиёфаси ўзгаради: юзи кўпчийди, териси кўкимтир-қўнғир тусга киради ёки ранги оқариб, кул ранг бўлиб қолади. Озиб кетади, баъзан қуруқ чўп бўлиб қолади. Айрим ҳолларда эса пияниста мускул тўқимаси массаси камайгани ҳолда касалмандлик натижасида сохта семизлик кузатилади. Кўзлари қизарган, ёшланган, яллиғланган бўлади.

Айтганча, ичавериб адойи тамом бўлган ичкиликбознинг бундай башараси ҳаммага яхши таниш. Бу ерда ортиқча бирор нарса қўша олмайман, шу сабабли, яна Глеб Лусаровнинг ҳаёт тарихини ўз тили билан баён этишга киришаман.

Яхшигина кайф қилиш учун мен иложи борича кўпроқ ичкилик ичадиган бўлдим. Олдинги доза энди менга таъсир қилмайдиган бўлиб қолди. Кўпроқ ароқ сотиб олишга эса пул етмас эди. Вақти-вақти билан, хусусан, маош олишга яқин қолган кунларда нима бало бўлса ҳам ичаверадиган бўлдим. Тасодикий улфатларим ичида кўпгина маслаҳатгўйлар топилди, мен алкоғоль ичимликлари сурроғатларининг барча сирларидан воқиф бўлдим. Политура ва одеколоннинг ҳам мазасини татиб кўрдим, дорихонадаги кўпгина настойкалар ҳам мендан қолмади. Ниҳоят ўзим ясаган аппаратда самогон пиширишга ўргандим ва ачитқи сотиб олиб, яширинча самогон пиширадиган бўлдим.

Самогон ароқдан фарқли ўлароқ, ичган заҳоти маст қиларди, мен учиб қолардим. Мен нималар қилаётганимни билмайдиган бўлиб қолдим, ҳар беш-олти қаддам юргандан кейин йиқилиб тушардим, қўлларим

ихтиёримга бўйсунмас эди. Бошим гир капалак бўлиб айланарди. Нарсалар мендан узоқлашар, худди сузиб кетаётганга ўшарди. Орадан кўп ўтмай бекордан-бекорга безовталанадиган бўлиб қолдим. Мен қаергадир шошилардим, гандираклаб кўчада юрардим, ҳовлида худди қуён каби гир айланиб ёки илон изи қилиб юрардим. Мен бир жойда тик туролмайдиган бўлиб қолдим. Кўпинча кўчага чиқишдан олдин, дастурхонни устидаги идиш-товоқлар билан тортиб олиб, улоқтирардим, йўлимда турган стулларни тепиб-йиқитиб, ўтардим. Кунлардан бирида, ўзим ҳам нима учунлигини билмайман, дераза ойнасини мушт билан уриб, қўлимни дабдала қилдим. Ярим соатлар чамаси ана шундай ҳунарлар ишлатганимдан кейин дуч келган ерга — каравотга, полга ёки кўчага, ҳатто кўлоб сувга ётиб, учиб қолардим. Бу қанақадир уйқу билан ҳушдан кетиш ўртасидаги ҳолат эди. Вақти-вақти билан ўзимга келардим, ўрнимдан туриб, бир неча қадам юрардим ва яна йиқилиб тушардим. Маст бўлиб, эсимнинг кирарли-чиқарли бўлиши ароқни ёки конъякни олдингидек миқдорда ичганимда ҳам узоқ давом этарди.

Бош оғриғи бошқача бўларди. Самогон ичган кунимнинг эртасига эрталаб жуда ҳолим қурир ва ўзимни кўтара олмай қолардим. Қаллам оғриқдан ёрилиб кетай дерди. Юрагим санчарди. Қўлларим ароқ ичгандагига қараганда кўпроқ қалтирарди. Мен фикримни бир жойга тўплай олмасдим. Агар маст бўлган куним эртасига эрталаб озгина спиртли ичимлик ёки кофе ичганимдан кейин сал одам ҳолига келадиган бўлсам, энди самогондан кейин бош оғриғи қилганимда аҳволим яхшиланиш ўрнига ёмонлашарди.

Гарчи самогоннинг менга ароқдан кўра ёмон таъсир қилаётганини аниқ билсам ҳам, бари бир вақти-вақти билан бу заҳари-қотилни ичиб турардим. Бошимга оғир мусибат тушгунга қадар самогон ичиб юрдим, лекин бир воқеадан кейин самогон, политура ва шунга ўхшаш нарсалардан бутунлай воз кечдим.

Мен икки стакан самогон ичиб, худди ярим уйқу-ярим ҳушдан кетгандек ўзимни билмай учиб қолдим. Яхшиямки эртасига ишга бормайдиган кун эди. Мен бари бир ўрнимдан тура олмас эдим. Кечқурунга бориб, гарчи бошқа бир қултум спиртли ичимлик ичмаган бўлсам ҳам, жуда қаттиқ титраб-қақшадим, ҳансираб қолдим, юрагим шу қадар қаттиқ урардики, худди қинидан чиқиб кетай дерди. Ҳозир ўлиб қоламан дедим,

лекин ўлим ваҳимасида бўлсам ҳам, ўрнимдан туришга ва телефон олдига бориб, «тез ёрдам» ни чақиришга ҳолим келмади. Орадан бир оз вақт ўтгач, чидаб бўлмас даражада сийгим қистади ва ўрнимга сийиб юбордим. Жуда ҳам аҳволим оғир бўлиб, хуруж 40 минут давом этди, лекин мен учун у жуда ўзоқ туюлди. Кейин ҳушимдан кетиб қолдим. Бироқ кейинчалик, мутлақо самогонни оғзимга олмасам ҳам ҳар сафар роса алкоголь ичганимдан сўнг бундай хуружлар тахминан кун ора такрорланиб турди. Фақат икки ой ўтгандан кейингина бундай хуружлар тўхтади.

Менда қандайдир ўзгариш содир бўлди. Самогон ва полигура ичишни ташлаганим билан аҳволим яхшиланмади. Энди камроқ ичадиган бўлдим (албатта миқдор маъносида), лекин қиттак ичкилик кайфимни ошириб юборарди. Озгина ичкилик ичсамда эртасига беш оғриғи жуда ҳам ёмон бўларди.

«Сотишни мақсад қилмай уйда ишлаб чиқариладиган самогон, чачи, ароқ, тут ароқ, брага ва бошқа ўткир спиртли ичимликларни тайёрлаш ёки сақлаш, шунингдек улар тайёрладиган аппаратларни сотишни кўзламай тайёрлаш ёки сақлаш бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари, ё бўлмаса уч юз сўмгача штраф билан жазоланади,— дейилади РСФСР Олий Совети Президиумининг 19 июнь 1972 йилда чиқарган Фармонида.— Уша ҳаракатлар такрор содир қилинганда икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади».

Агар уйда тайёрладиган ўткир ичимликларни, шунингдек бу ичимликларни тайёрлайдиган аппаратларни сотиш мақсадида ишлаб чиқарилса жавобгарлик бундан ҳам ортиқ бўлади. Бундай ҳолда озодликдан маҳрум қилиш 1—3 йил муддат билан белгиланади, ўша ҳаракатларни такрор содир қилиш эса уч йилдан — беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Бунда суд яна мол-мулкни мусодара қилиш ҳақида қарор чиқариши ҳам мумкин.

Фақат турли хилдаги самогонни тайёрлайдиган одамлар эмас, балки самогон, чачи, ароқ, тут ароқ, брага тайёрлашда қатнашадиган одамлар, яъни самогон тайёрлаш учун бино, аппаратлар, транспорт воситалари, картошка, дон берадиган одамлар ҳам жазога тортилади. Бундай одамлар шериклар деб ҳисобланади ва жиноий жавобгарликка тортилади. Самогон ва брага-

нинг турли хилларини сотиб олишда қўлга тушган одамлар учун ҳам жазо чоралари ва жамоат томонидан таъсир қилиш кўзда тутилади.

Кўриб турибсизки, жазо қаттиқ. Бу одил жазоми? Ҳа, жуда одил жазо! Гап фақат юқорида айтиб ўтилган одамлар қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари — дон, картошка, лавлагн, қандни кўп сарфлаб, халққа катта зарар келтиришида, самогон пиширишнинг ўзи чиндан ҳам экономик зараркуанда эканида эмас! Мени врач бўлганим учун ҳам алкогольли ичимликлар суррогатларининг инсон саломатлигига зарар қилиши ташвишлантиради.

Одеколон, политура, дорихонадаги настойкаларнинг одам саломатлиги учун зарарли экани шубҳасиз, баъзи ҳолларда уларни ичган одамлар заҳарланиб ўлиб қолиши мумкин, бунга ҳамманинг ҳам ақли етади.

Лекин юқорида айтиб ўтганимдек, содда одам, модомики самогон энг сифатли маҳсулотлардан пиширилган экан, фабрикадаги тозаланган ичимликларга қараганда зарарли бўлмаса керак, аксинча улар саломатлик учун «фойдали» деб ўйлайди. Худди ана шу масала устида анча батафсил гапириб ўтмоқчиман, совет олимлари — врачлар Ц. П. Қороленко, Ю. Л. Храмов ва бошқаларнинг чуқур, ҳар томонлама ўтказган текширишларини, шунингдек шу масала юзасидан олинган баъзи ҳорижий тадқиқотларнинг маълумотларини далил қилиб келтирмоқчиман.

Уйда пишириладиган пиво, брага ва турли хилдаги самогонларда этил (вино) спиртидан ташқари, инсон саломатлиги учун жуда ҳам зарарли бўлган ҳар хил аралашмалар бўлади. Бу аралашмаларнинг ҳаммаси умумий ном билан «сивуш мойи» (спирт тозалашда ҳосил бўладиган мой) деб аталади. Бу ёғнинг таркибига углевод бижғишининг қўшимча маҳсулотлари — заҳарли ўта молекуляр спиртлар: пропил, изобутил, изоамил, амил спиртлар киради. Углеводларни жуда кўп тутган спиртлардан ташқари, сивуш мойда токсин (заҳарли) альдегидлар, кетон таналар, эфирлар бўлади.

Бу мойда бўладиган юқорида айтиб ўтилган у ёки бу хилдаги зарарли аралашмалар миқдори углевод бижғишининг дастлабки маҳсулотига қараб ўзгаради. Масалан, жавдар донидан тайёрланган самогонда пропил ва амил спирт бўлмайди, лекин унда заҳарлилиги бундан кам бўлмаган изоамил спирт бўлади. Шу сабабли, самогоннинг ҳамма турлари, улар узумдан тай-

ёрланадимми. лавлаги ва жавдар донидан, буғдойдан, картошкадан ва бошқа нарсалардан тайёрланадимми, бари бир одам саломатлиги учун бир хилда зарарлидир. Шунда ҳам сивуш мойидаги турли токсик моддаларнинг аралашмалари анча ваҳимали рақамлар билан ифодаланади. Масалан, буғдойдан пиширилган самогон сивуш мойида 60% гача изоамил спирт бўлади. Жавдар ёки картошкадан пиширилган самогон учун тегишли рақамлар тахминан 80 ва 69% ни ташкил қилади.

Энди мен Глеб Васильевич Лусаровнинг самогон ичиб маст бўлганидаги ва бош оғриғи ҳолатидаги хусусиятларнинг сабабини қисқача баён этишга ўтаман, чиндан ҳам, одам самогондан анча тез «биринчи рюмка» ни ичганидан кейин 2—3 минут ўтиши биланоқ маст бўлади. Нега шундай? Бунинг боиси шундаки, сивуш мойининг баъзи таркиблари (альдегидлар, кетон таналар, эфирлар) вино спиртига қараганда ичакка анча тез сўрилади. Ана шу сивуш мойидаги зарарли компонентлар, Глеб Лусаров ҳикоя қилгандек, дарров ёмон кайф беради.

Мастликнинг ҳаракат қўзғалиши, имирсилаш, юришга уриниш билан кечадиган кейинги фазаси ҳаракатлар уйғунлигининг кескин бузилишига қарамасдан, вино спиртининг ичакка сўрилиши билан ривожланади, у сивуш компонентларига қўшилиб, оғир заҳарланишга ўхшаб ўзига хос манзарани юзага келтиради.

Тозаланган (фабрикада ишлаб чиқарилган) вино спиртини ичилган тақдирда спиртнинг организмда парчаланиши натижасида нисбатан кайф бўлмайди. Самогондан маст бўлганда эса манзара бошқача бўлади. Парчаланган вино спирти ўрнига юқори молекуляр заҳарли спиртлар келади, у ичакда анча секин сўрилади ва организмдан секинроқ ажралади. Жиддий неврологик ва психик бузилишлар билан анча ёмон, узоқ маст бўлиш ҳам шундан.

Самогондан заҳарланганда безовта бўлиб, ҳаракатлар қилиш, қаергадир боришга урниш баъзи ҳолларда фожиали оқибатларга олиб боради. Масалан, москвалик машҳур психиатрлар В. М. Баншчиков ва Ц. П. Короленко ўттиз икки ёшли бемор-алкоголик ҳақида ҳикоя қилишган. У брага ичиб, мастлик ҳолатида дарёга борган (воқеа Обда бўлган эди), дарё устидаги муздап ўтган, икки километргача иланг-биланг йўл юриб, дарёнинг нариги қирғогидаги бир ҳовлига кириб, қорда ётиб қолган, уни ҳеч ким кўрмаган. Уни анчадан кейин

топишган, қорда ётавериб, юзини ва оёқ-қўлларини со-
вуқ олдирган. У касалхонада ҳушига келгач, брага ич-
ганидан кейин нима воқеа бўлганини, қаерларга бор-
ганини эслай олмаган.

Самогон ёки брага ичгандан кейин эртасига эрталаб
бош оғриги ҳолатининг анча оғир бўлишига сабаб
шуки, сивуш мойдаги юқори молекуляр спиртлар ёмон
таъсир қилади, юқорида айтиб ўтилганидек, у вино
спиртига қараганда анча заҳарли бўлади. Бунда ҳақи-
қатан ҳам бош оғриғи қилиш ёрдам бермайди, чунки
юқори молекуляр спиртларга нисбатан вино спиртидан
заҳарлангандан кейинги бош оғриғи ҳолатининг вақтин-
ча яхшиланиши асосидаги махсус ҳолат бўлмайди.

Глеб Лусаров баён этган юрак фаолияти, нафас ор-
ганлари бузилиши хуружи сифатидаги ҳолат (у рўйи-
рост ўлим ваҳимаси билан кечади) диэнцефал криз деб
аталади. Бу ўринда сурункали алкогольликларда кўриладиган
диэнцефал хуружлар асосида ётадиган ҳодиса-
ларнинг моҳияти устида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ.
Оммабоп тарзда ҳикоя қилиш учун Глеб Лусаровнинг
ўзи очиқ-ойдин ҳикоя қилган воқеалар бутунлай етарли
бўлади. Мен фақат шуни қўшиб қўймоқчиманки, бу ху-
ружлар, врачларнинг кузатишлари шак-шубҳасиз кўр-
сатганидек, алкогольли ичимликлар суррогатларини
мунтазам равишда ичиб юргандан кейин эмас, балки
уларни бир марта ичгандан сўнг ҳам пайдо бўлиши
мумкин. Тўғри, диэнцефал кризлар вино спиртидан за-
ҳарланганда ҳам рўй беради. Бироқ тозаланган спирт-
нинг суррогатларини ичганда бу кризлар анча кўп уч-
райди ва анча оғир кечади.

Глеб Лусаровнинг алкоголь суррогатларини оғизга
олмай қўйганидан кейин диэнцефал кризларнинг тўх-
тагани ҳақидаги сўзлари жуда ҳам тўғри. Бироқ бу
ерда шуни айтиб ўтиш керакки, суррогатларни ичмай
қўйишнинг ўзи кифоя қилмайди. Саломатлик путурдан
кетган экан, барча хилдаги спиртли ичимликларни бў-
тунлай оғизга олмаслик керак. Айтганча, алкогольли
ичимликларни узоқ вақт давомида ичаверишнинг ҳало-
катга олиб боришини — алкоголь эпиплексияси деб атал-
гач хуружлар ривожланишини қаҳрамонимизнинг ҳикоя-
сидан билиб оласиз.

Шу кун эрталаб аҳволим айниқса оғир бўлди. Ум-
римда ҳечам бунақа бўлмаган эди. Ҳамма мускулларим
титрарди. Мен ҳатто чойни ҳам қуя олмай қолдим, чой

жўмракдан оқиб, иланг-биланг бўлиб, стакандан нарига тушарди. Шу куни кечаси алоқ-чалоқ тушлар кўриб, жуда ҳам босинқираб чиқдим. Тушимда жуда баланд жойдан сирганиб кетдим. Устимга шкаф ағдарилиб тушди. Нақ рўпарамда қоронғуда жуда ҳам хунук башаралар пайдо бўлди. Бир гала йилқилар тишларини гижирилатиб, тўппа-тўғри устимга бостириб келяпти дег, яна бир лаҳзадан кейин мени туёқларни остида янчиб, мажақлаб устимдан ўтиб кетадигандек. Мен алаҳсираб уйғониб, чироқни ёқдим, ҳалиги кўзимга кўринган парсалар гойиб бўлди. Лекин бошимни ёстиққа қўйиб, кўзимни юмишим биланоқ ҳалиги ваҳимали нарсалар яна кўзимга кўрина бошлади. Ҳеч бўлмаса, ярим стакан ароқ ичгим келди, лекин ярим литр ароқни баъзи такси ҳайдовчилардан беш сўмга сотиб олиш мумкинлигини яхши билардим, лекин кечаси унақа ароқ сотадиган ҳайдовчини қидириб юриш учун ҳолим йўқ эди. Мен бемадорлигимдан оёқда зўрга турардим.

Жуда барвақт уйғондим. Ҳар куни ичадиган бўлиб қолганимдан бери кечаси кўпинча уйғониб кетаман, ваҳимада ётаман, эрталаб соат бешда ўрнимдан туриб оламан. Магазинлар ҳали ёпиқ эди, ўзим ишлайдиган гастрономнинг қачон очилишини кутиб, жуда тоқатим тоқ бўларди, очилган заҳоти бош оғригига ичиб олмоқчи эдим. Негадир аҳволим қанақадир галати эди. Доим наҳорга ичадиган одатим бўлганидан эрталабки пайт мен учун азоб эди. Бироқ бугун жуда ваҳимага тушдим, дилим ёмон ғаш бўлди, бошим оғриб, ҳечам ҳолим бўлмади. Мен календардан бир варағини йиртиб олдим, 29 рақами эди. Йигирма тўққизинчи апрель. Ольга билан ажрашганимга роппа-роса тўрт йил бўлибди. Ана шу ҳодиса жонимга жабр қиладимикан?

Уша Норильскдан отпускамда учиб келган кунимга лаънатлар бўлсин! Ичкилик ичсам, ғамим ёзилар, деб уни оғзимга олган кунга лаънатлар бўлсин! Мен энди кимман? Кимга керакман? Яшашнинг нима кераги бор? Мени нима кутади?

Мен ўзимнинг ана шу ярамас одатимни енгиб кетаман, деб ҳар сафар уринардим, лекин доимо шармандам чиқарди. Ҳеч бўлмаса икки ҳафта ичмайман, деб ўзимга сўз берардим-ку, бари бир икки-уч кундан кейин илгаригидан ҳам кўпроқ ичардим. Мен ўзимни жуда ҳам хўрлаб юбордим, ўзимга-ўзим ишонмай қолдим. Кейинги ойларда ўғлимнинг олдига бутунлай бормаи қўйдим, унинг учун пул ҳам юбормайдиган

бўлдим, Ольга суд орқали алимент тўланадиган қилиб олди.

Ҳамма, ҳамма нарсадан тўйдим. Ҳамма нарсага бирданига бир умрга чек қўйишга қарор қилдим. Мен совуққонлик билан дарҳол ўйлаган режамни амалга оширмақчи бўлдим. Агар сусткашлик қиладиган бўлсам бу аҳволимга танқидий баҳо беролмай қоламан-да, ўзимни ўзим ўлдиришга қўлим бормай қолади. Нима, бирорта дворни тагида ўлиб кетайми? ʻ

Мен ошхонага кириб, кир ёядиган арқонни топдим, дағ-дағ қалтираётган, ихтиёримга бўйсунмаётган қўлларим билан илмоқ қилдим, столга стулни қўйдим-да, арқоннинг бир учини шифтдаги қандилнинг плгагига ила бошладим.

Кимдир дераза ойнасига тез-тез қаттиқ-қаттиқ черта бошлади. Мен столдан тушиб, дераза олдига бордим. Пардани тортиб, юзи сўлғин, лекин ҳали ёш, деярли ёш болани кўрдим.

— Мен, Витяман! Мени эслаяпсанми? Мен шу ердан ўтиб кетаётганимда кўпинча деразадан сени кўраман.

— Танимаяпман!— дедим бақириб, унинг гапини яхшироқ эшитиш учун форточкани очдим.

— Стаканингни бер! Сенга ҳам қуйиб бераман, аҳволнингни яхшилаб ол!

Мен столдан стаканни олиб, ичида қолган чойни тўкиб ташладим-да, дераза токчасига чиқиб, стаканни болага ташладим.

У стаканни илиб олди-да, зинапояга, кўчага чиқишимни айтди.

— Форточкага бўйим етмайди,— деди у.

Эшик тагида биз арзон портвейнни маза қилиб ичдик ва индамай тарқалишдик. Ҳалиги бола уйга таклиф қилишимни сўрамади ҳам, айтганча уни таклиф қилиш эсимга ҳам келмади. Кўчада ичиш бизларга ниҳоят даражада шунчаки бир одат бўлиб қолганди.

Аҳволим бир оз яхши бўлиб қолди. Дилим ғашлиги ҳам ёзилди. Мен стол устидаги стулни олдим ва арқонни бир бурчакка отдим. Кейин диванга ўтириб, чекдим ва Витяни қаерда кўрганганимни эслашга уриндим, мана шу бола ҳозир шундай ажойиб йўл билан мени бир ўлимдан сақлаб қолди.

Мен у билан қаерда учрашганимни узоқ вақтгача эслай олмадим, умуман уни кўрганманми ўзи, деб ўйлаб қолдим. Бироқ уни қаерда кўрганганимни эслаганимдан кейин нима учун дарров танимаганимни билдим: Витя-



ни тахминан бундан уч йил олдин кўргандим. Уша пайтда у ўн олти ёшда эди, ҳозир жуда ўзгариб кетибди. Вақт, хусусан алкоголь унинг анча мазасини қочириб қўйибди.

Биз бу бола билан бор-ўғи бир марта кўришганмиз. Уша куни мен магазин олдида туриб, ким бир шишани «уч киши»га олиш учун рози бўлишини кутиб тургандим. Ниҳоят, мўйловини калта қилиб олдирган ўттиз ёшлар чамасидаги бир киши олдимга келди-да, «арра» қилишни таклиф этди.

— Мана менда нкки сўм бор, шишадагининг учдан бирини сизга қўйиб бераман,— деди ғулдираб тили гапга келмай. Унинг оғзидан гупилаб ароқ ҳиди келар, оёғида зўрға турарди.

«Яримта»ни сотиб олгандан кейин ҳалиги киши уйига киришимни ва ароқни унинг улфатлари билан ичишимни таклиф қилди. Мен рози бўлдим, кейин Кузьманикига кирдик (янги шишадошимнинг исми Кузьма экан). У шундоққина магазин ёнидаги ўйда тураркан.

Кузьмани иккита маст ўртоғи кутиб ўтирарди. Биттаси уйнинг эгаси билан тахминан тенгдош эди, иккинчиси ўн олти яшар бола эди. У ана шу Витя эди. Кузьма ҳаммамизга баб-баравар қилиб қўйди:

— Энг гениал шоир учун! Игорь! Северянин учун!

У шоирнинг қандайдир шеърларини ёддан ўқиди. Витя дўстининг донолигига қойил қолиб, ғурур билан қараб турарди. У ичиш мана бунақа бўлади, дегандек жуда усталик билан ўз стаканини бўшатди.

Бола фақат ароқ ичганидан эмас, балки ҳақиқий катта улфатлар билан бирга ўтирганидан ҳаяжонда эди. У «устози» кетидан Северяниннинг тўртлигини баланд овоз билан ўқиди, кейин учаламиз ўрнимиздан туриб, қучоқлашдик-да, бемаза бир ашулани айтдик.

Мен ҳалиги бола билан гаплашмоқчи бўлдим ва сен ҳали ичишга ёшлик қиласан, бу ёмон оқибатларга олиб боради, деб панд-насиҳат қила бошладим. Лекин у на-сиҳатимга қулоқ ҳам солмади, менга зарда қилиб жаҳл билан гапирди. Айтганча, ўзим ҳам тарбиячи ролига ва хушёр бўл, дейишга жуда боп бўлиб қолган эдим, ўзимнинг ҳам тилим айланмасди. Мен Кузьмага ярамас иш қилаётгани учун танбеҳ беришга уриндим. Лекин у менга жавобан бемаза ҳазил қилди.

Мен озроқ ўтириб, кетиб қолдим ва бирга ичкилик ичган улфатларим, ҳатто Витяни ҳам тезда эсимдан чиқариб юбордим. Мен ўша вақтда (балки ўз виждонимни оқлаш учундир) Витя ҳаётидаги бу воқеа тасодиф, у бундан кейин умуман ичмас, деб ўйлагандим. Энди, у билан уч йил олдин бирга ичганимизни эслаб, Кузьмага ўхшаган одамларни ҳеч қанақа шафқат қилмай жиноий жавобгарликка тортиш керак, деб ўйлайман. Бироқ шу билан бирга Витянинг қора тақдири учун мен ҳам айбдор бўлганимни, ҳисса қўшганимни ўйласам, жуда жуда эзилман.

Ҳаммага маълумки, РСФСР Олий Советининг «Пия-нисталик ва ичкиликбозликка қарши курашни кучайтириш ҳақида»ги фармонида балоғатга етмаган болаларни алкогольдан сақлаш масаласига катта аҳамият берилади. Бу масала, гарчи бизнинг мамлакатимизда болаларнинг ва ўсмирларнинг спиртли ичимликларга ружу қилиши жуда кам учрайдиган ҳодиса бўлса-да, барибир ниҳоят-да муҳим аҳамиятга эга.

Ахир бола ҳақида сўз борар экан, буни барча ақли расо кишилар яхши билишади, ёш бола ёки ўсмирнинг спиртли ичимлик ичиб, ўткир ёки сурункали захарланиши ҳақиқий фожиа ҳисобланади.

Шуни айтиб ўтиш муҳимки, ўсмир ва ёш йигит алкоголь ичганда сурункали алкоголизм белгилари айниқса тез ривожланади, одатдаги уйда ичишдан то касаллик бўлмиш алкоголизмга олиб борадиган йўл қисқаради. Бундан ташқари, ҳали такомилга етиб улгурмаган бола ёки ўсмир организми жуда ҳам нозик бўлади ва

спиртли ичимликлар психик жиҳатдан ҳам, жисмоний жиҳатдан ҳам уларнинг саломатлигига таъсир қилади. Ҳатто ўсмирни сурункали алкоголик қилиб қўйишн ҳеч гап эмас. Ниҳоят, ўсмирлик ёшнда алкоголь ичиб маст бўлиш ҳолати қонуларни бузувчи жосус сифатида муҳим роль ўйнайди, ҳатто оғир жиноятларга сабаб бўлади, бу ўсмир шахсининг етилмаганлигига боғлиқ, бинобарин у турли ёмон одатларга дарров ўрганиб қолади.

Машҳур совет психиатри, болалар психиатрияси соҳасининг мутахассиси П. Н. Ягодканинг таъкидлашича, боланинг алкоголдан ўткир заҳарланиши катта одамларнинг спиртли ичимликдан бир марталик заҳарланишини эслатади, бироқ заҳарланишининг барча аломатлари анча кескин юзага чиқади. Анча рўйирост кўзгалмиш катталардагига қараганда қисқа муддат давом этади, орадан кўп ўтмай оғир касаллик уйқусига ўтади, уйқу вақтида кўпинча талваса тутади. Талваса кўпинча яхшилик билан тугамайди ва боланинг ўлимига олиб боради. Умуман, болалардаги «талвасага тайёргарликни» назарда тутиб, балогатга елмаган, хусусан кичик ёшдаги болалар алкоголдан заҳарланганида уларда чангак бўлиб қолиш анча кўп учрашини айтиш ўтиш керак. Алкоголдан заҳарланиш туфайли талвасали ҳолатдан кейин бола омон қолганида ҳам кейинчалик унинг тутқаноқ тутадигани бўлиб қолиш имкони кўп бўлади. Медицина адабиётида алкоголдан заҳарланган боланинг эси паст бўлиб қолгани ҳақидаги ҳодиса ёзилган.

Ўсмирлар ўртасида табиийки, ёш болаларга нисбатан ичкилик ичадиганлар кўп учрайди. Ўсмирларининг алкоголь деградацияси катта ёшли кишиларнинг алкоголь деградациясидан фарқли ўлароқ, шпддат билан тез суръатда ўтади. Ичадиган ўсмир жаҳлдор, салга аччиғи чиқадиған, кўпол бўлиб қолади. Унда ёвуз ҳаракатлар қилишга мойиллик пайдо бўлади. Илгари ювош ва хушмуомала бўлган бола айниқса ичиб олганида ҳовлидагиларни «зир титратадиган» бўлиб қолади. Сурункали алкоголикларга хос бўлган спиртли ичимлик ичишга иштиёқ, «алкоголь очлиғи», «алкоголга ташналик» ўсмирларда катта одамлардагига қараганда эрта пайдо бўлади. Катта ёшли пияниста сурункали алкоголизмгача олиб борадиган йўлни 5—10 йилда босиб ўтса, ўсмир бунга бир ярим-икки йилда етади. Бироқ ўсмирда ҳақиқатан пул кам бўлиши ва унга спиртли ичимликларни сотиш маи қилингани натижасида одатда ичкиликни сотиб олишга қийналади, шунинг учун у алкоголь суррогатла-

рини ича бошлайди. У фақат политура ва одеколонни эмас, балки алкоғолга ҳеч алоқаси бўлмаган, масалан, бензинни ҳам ичишдан тани тортмайди.

Бундай ўсмирларнинг дарров ўзига ўхшаш тенгдошлари, кўпинча эса хулқи бузуқ, ичкилик ичавериб одамгарчиликдан чиққан ва тушқуликка учраган улфатлари пайдо бўлади. Янги «дўстлар» алкоғолни кўп ичгани учун ўсмирни мақтайдилар, кўпинча эса уш жиноятга бошлайдилар. Маълумки, балогатга етмаган қонунбузарларнинг 70 проценти тахминан 4—5-синфларда ўқиётганида алкоғолни ёки паркотикларни биринчи марта татиб кўради. Ўсмирлар содир қиладиган жиноятларнинг 40 проценти мастликдан келиб чиқади. Милициянинг болалар хоналарига тутиб келинадиган болалар ва ўсмирларнинг 10—30 проценти жамоат жойларида маст бўлиб юрган ёки спиртли ичимликларни сотиб олган бўлади.

Йўқ, болалар онадан «жиноят қилишга мойил» бўлиб туғилмайдилар! Уларнинг хатти-ҳаракатларига доимо катта одамларнинг пассив, баъзан эса актив таъсири ҳам сабаб бўлади. Баъзи ҳолларда ота-оналар бола тарбияси билан мутлақо шуғулланмайдилар, гоҳи эса болаларни ярим-бир рюмка ичкилик билан сийлайдилар. Бошқа ҳолларда булар ичкилик ичавериб, одамгарчиликдан чиққан катта одамлардир, улар ичкилик маза-сига тушунган ўсмирга улфат бўлиб қоладилар.

Юридик фанлари кандидати Н. И. Ветров 80 процент ўсмирларнинг катта ёшдаги одамлар билан бирга ёки уларнинг бевосита иштирокисиз, бироқ катта одамлар билан ичкилик ичгандан кейин жиноят қилгани ҳақида маълумот беради.

Шуларни ҳисобга олиб, ўсмирларни касофат ичкиликдан муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларга жуда муҳим аҳамият бериш керак, балогатга етмаган болаларни пиянисталikka тортадиган одамларни эса шафқатсиз равишда қаттиқ жазолаш зарур.

Лекин бу ерда катталар яшириб қўйган алкоғолни бола билмасдан ичиб қўйиб, заҳарланиб қолиши устида батафсил тўхтаб ўтирмайман. Бир чет эллик муаллиф уч яшар боланинг ўзини билмай, жуда қаттиқ маст бўлиб ётгани ҳақидаги ҳодисани ёзган. Бу бола пайт пойлаб туриб, стол устидаги бир шиша коньякни ўғирлаган ва деярли ярмидан кўпини ичиб қўйган. Хайриятки боланинг ҳаёти сақлаб қолинди. Бироқ у ўлиб қолиши мумкин эди. Ота-оналар болаларнинг алкоғоль, сирка кислотаси ва рўзғорда ишлатиладиган шу хилдаги

бошқа моддалар билан заҳарланиб қолши мумкинлигини унутмасликлари керак.

Ўсмирлар ва ёш болаларнинг катта ёшли одамлар таъсирида ёки уларнинг беҳафсалалигини билан гарчи бир марта бўлса-да ичкилик ичишига қарши қаттиқ курашиш масаласи устида батафсил тўхтаб ўтамиз.

«Балоғат ёшига етмаган болани ота-оналар ёки бошқа шахслар томонидан мастлик ҳолатига етказиш,— дейилади фармонда,— агар бу ҳаракат жинний тартибда жазоланмаса, балоғатга етмаган болалар ишини кўрадиган комиссия томонидан балоғатга етмаган боланинг ота-онасига ёки ота-она ўрнини босувчи кишиларга, бошқа шахсларга нисбатан эса меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий советлари ижроия комитетлари қошидаги комиссия томонидан маъмурий жавобгарлик сифатида ўттиз сўмгача миқдорда жарима солинадн».

Фармонда «биринчи маошни ювнш» каби одат тусига кириб қолаётган ёмон таомил, умуман, мансабдор шахслар томонидан ёш болаларни спиртли ичимликлар ичишга тортишга уриниш қатъий қораланади. «Балоғатга етмаган болага хизмат юзасидан раҳбар бўлган одам томонидан ўша ҳаракат содир қилинса, бу киши бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш ишларига юбориш билан жазоланади, ё бўлмаса эллик сўмгача миқдорда жарима солинади».

Ўсмирни ёки болани мунтазам равишда пиянисталик йўлига тортадиган шахсларга қарши қаттиқ жазо кўрилади. Бундай қаттиқ жазолаш ўз-ўзидан тўла тушунарли, ҳақли ва адолатлидир. Бола учун алкоголь ҳар қандай, жуда озгина дозада бўлса-да зарарлидир. Ахир десгафт ёзганидек, кўпинча алкоголь ичишга ўрганиш образли шфодаланган схемада ривожланади: «Олдин ромли конфет, кейин ром конфет билан ва ниҳоят ромнинг ўзи. Бунинг устига алкоголь заҳарини мунтазам равишда ичиб туриш учун ҳатто озгина бўлса-да туртки бериш (бола учун эса алкоголь том маъноси билан заҳар!) балоғатга етмаган болани албатта сурункали алкогольизмга олиб боради, унинг руҳий ва жисмоний соғлигига жуда ҳам ёмон зарар етказади. Бунда шахс айнаи қувватга тўлган, навқиронлик даврида, бошқача айтганда, айнаи гуллаб-яшнаган даврида расво бўлади. У 20—25 ёшга бориб психиатрия касалхонасига тез-тез тушиб турадиган бўлиб қолади ўзи қийналади ва қариндош-уруғлари, хотини, болаларини ҳам азобга қўяди, бошқа-

ларнинг яшаши, ишлаши, дам олиши учун халақит қилади.

«Балогатга етмаган болани пиянисталикка тортиш, яъни юқорида айтиб ўтилган ҳаракатни мунтазам равишда содир қилиш беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади», дейилади бу ҳақда фармонда очиқдан-очиқ.

Бироқ гап балогатга етмаган болаларни пиянисталикка зўр бериб тортишда эмас. Бундай ҳодиса жуда кам учрайди. Биз, катта ёшдаги одамлар ёшлар тақдирини учун жавобгармиз, биз тарбиямиздаги болаларни ҳаммиша назорат қилиб туrolмаймиз, ўз болаларимиз билан жуда жиддий равишда тарбиявий иш олиб бориш учун вақт топа олмаймиз. Бу бизнинг айбимиз. Ахир ўсмир ўғлимизни қўлидан етаклаб юрмаймиз-ку, уни доимо уйда олиб ўтириб бўлмайди-ку. Бу ҳечам иложи йўқ, амалда қилиб бўлмайдиган иш. Бу ниҳоят педагогикага ҳилоф. Албатта болаларимизни назорат қилиб туришимиз керак, лекин бари-бир бирор кун уларнинг нималар қилаётганини билмай қоламиз. Шу пайтда улар ҳаётдаги виждонсиз одамлар билан учрашиб қолишлари, оғизларига харом нарсани олишлари мумкин. Бундай ҳодисаларга уларнинг дуч келмаслигига кафил бўла олмаймиз. Бироқ биз ўз фарзандларимизни ёмон нарсалардан ҳазар қиладиган одам қилиб тарбиялашимиз шарт. Болалар ўз ҳолига қолган пайтларида ҳам ота-оналар уларнинг хулқи учун кўпроқ жавобгардирлар. Ана шундай пайтда ота-онанинг қандай тарбия бергани, одоб-ахлоқи қилиб тўғри тарбиялагани билинади, ота-оналар ўз ўғил-қизларининг тарбиясига етарли аҳамият бераётирларми, йўқми, кўринади қўяди.

Шунинг учун фармонда болалар, ҳатто катталар билмагани ҳолда алкоголь ичгани учун ҳам ота-оналарга жарима солиш кўзда тутилади. «Жамоат жойларида 16 ёшгача бўлган ўсмирларнинг маст ҳолда юргани, шунингдек спиртли ичимликларни ичгани учун уларнинг ота-оналарига ёки улар ўрнини босадиган одамларга район депутатлари маҳаллий советлари ижроия комитетини қошидаги балогатга етмаганлар иши бўйича комиссия томонидан уч сўмдан ўн сўмгача жарима солинади».

Гап, албатта, бу уч сўм ёки ўн сўмда эмас. Гап бу ерда ота-оналарнинг болалар учун маънавий жиҳатдан жавобгар бўлиши устида боради. Бундай жарима ундирилган одамлар озгина миқдордаги пулдан ажралгани-

дан кўра, ўзидан, қилган ишдан жамоат олдида ҳижолат бўлади. Фармоннинг асосий маъноси жазо чораларида эмас, балки энг аввало ичкиликни яхши кўрадиганларни тарбиялашда, шунинг учун ҳам у «Пия-писталикка ва ичкиликбозликка қарши курашни кучай-тириш ҳақида» деб аталади.

Шу пайт мен томоғимда сал оғриқ сездим, кеча кеч-қурун роса ичганимдан кейин эриётган қор устида ётиб қолганимни эсладим, аҳволимнинг ёмон бўлиши онламининг бузилганига тўрт йил бўлганидан эмас, балки касалликка алоқадор эди. Ҳароратимни ўлчадим. Градусник ўттиз саккизни кўрсатди. Бундан мен ҳатто севи-дим. Демак, беш-олти кун ишга бормасам бўлади. Поликлиникага телефон қилдим-да, уйга участка врачини чақирдим.

Бироқ врач менга фақат касаллик варақаси олиш учунгина керак эди, холос. Мен ўз усулим билан даво-ланишга қарор қилгандим, албатта. Зўрға ўрнимдан ту-риб, ўзим ишлаётган магазинга бордим ва яримта сотиб олдим. Кейин касал бўлиб қолганимни, чамаси етти кун ишга чиқмаслигимни директорга айтдим. Кўп ўтмай врач келди, рецепт ва касаллик варақаси ёзиб берди.

Врач кетгандан кейин «даволаниш»ни бошладим. Фа-қат бир-икки рюмка ароқ ичаман холос, деб ўйладим, лекин биринчи рюмкадан кейин яна жуда-жуда ичгим келиб кетди ва ўзимни тўхтата олмадим. Энди иштиёрим ўзимда эмас эди, гўё кимдир менга ҳукмдорлик қилар-ди, қўлим беихтиёр шишага кетиб қоларди. Шундай қи-либ, рюмкама-рюмка яримта ароқнинг ҳаммасини ичиб тугатдим. Шубҳасиз ароқ учун магазинга яна борарди-му, лекин киссамда бошқа сариқ чақа ҳам қолмагани, бирга ишлайдиган одамлардан қарзга пул сўрашдан фойда йўқ эди, бари бир беришмасди, чунки олган қар-зимни камида икки-уч ойда беришимни ҳаммаси би-ларди.

Вақти бевақт ўзимни билмай ётибман, кўзим уйқуга кетиб қоляпти. Сал уйқуга кетишим билан бутун вужу-дим дағ-дағ титраб, уйғониб кетаман, бекордан-бекорга ваҳимага тушаман. Нимадан қўрқаётганимни ўзим ҳам билмайман. Шу зайлда кеч бўлди, ваҳималарга тўла тун ҳам ўтди.

Эрталаб ишхонадаги ўртоқларим, магазинимизда иш-лайдиган иккита юкчи ҳолимдан хабар олгани келишди,

ишхонадагилар менга апельсин, торт ва целлофанга ўралган товуқ бериб юборишибди.

— Мана, товуқ шўрва қил. Йўқ, сенга ҳозир ўзимиз пишириб берамиз,—деди меҳмонлардаг бири.—Лекин сенга ароқ ичиш мумкин эмас. Директор: уни перцовка ёки бошқа шунга ўхшаш дорилар билан даволасангиз каллангизни оламан, деди. Биз эсак огайни, сенинг соғлигинг учун бари бир ичамиз. Мана, ўзимиз билан олиб келганмиз. Идиш қани?

Ароқни қулқуллатиб стаканларга қуйишганида шу қадар қийналдимки, жоним бўғзимга келди. Мен ўртоғимнинг қалтираётган қўлидаги яримта ароққа кўзимни лўқ қилиб қараб турардим, ароқ ҳидини ташналик билан ҳидлардим. Қаллам эса гувиллаб, ёрилиб кетай дерди, бутун вужудим ёняпти, кўкрагимдан бўғзимгача оташдек иссиқ келди, нафас олишга ҳам қийналиб қолдим. Бирдан кўзимнинг олдида ҳамма нарса аралашиб кетди, кейин ҳаммаёқ қоп-қоронғи бўлиб қолди, зулмаг ичида қип-қизил чўғ кўринди. Бу дастлаб кичкинагина олов шарча эди. Лекин бор-йўғи бир неча секунд ичида жуда катта бўлиб кетди, кўз олдимни бутунлай тўсиб қўйди, у қора зулматни йўқотиб, қандайдир йўл билан миямга кириб кетди. Юракни пора қилувчи узук-юлуқ қичқириқ қулогимга чалинди, балки бирорта одам бақиргандир, балки бу қандайдир афсонавий қушнииг чийллашидир.

Ҳушимга келганимда ўртоқларим оёқ-қўлларимдан босиб туришарди. Улардан бири ҳатто менинг тиззамга ўтириб олибди. Уларнинг башарасидан кўрқиб кетишгани кўриниб турарди, тер босиб кетган эди.

— Тугади шекилли!

— Қўйворса бўлади,—деди бошқаси.

Улар каравотдан туриб, стулга ўтиришди, қўрқа-писа мен томонга қараб қўйишди.

— Нима бўлди?—дедим инқиллаб.

— Вой, огайнией! Сен бирдан кўкариб кетдинг, бақириб-чақириб, бутун тананг чангак бўлиб қолди. Қаллангни ерга урасан. Сийиб ҳам юбординг. Тилингни тишлаб олдинг, узилиб туришига сал қолди. Яхшиям биз қошиқни сочиққа ўраб жағинг орасига тикдик.

— Биринчи марта шундай бўлиши. Ҳечам бунақа бўлмаганди.

— Ишинг чатоқ, огайни! Сен ичавериб, адо бўпсан. Эпилепсия бўлгунгача ичибсан. Шунақа ҳам бўлади. Эсимда, Люблинода алкогольликлар бўлимида ётганимда

иккита тутқаноғи бор одам ётган эди. Ушанда врач лекция ўқувди. Мана, ўртоқлар, деганди у, сизларнинг бахтсиз оғайнилариинг алкоголь эпилепсиясига йўлиққунча ичишибди. Агар бас қилмасаларинг, бу кулфат сизларнинг ҳам бошингизга тушади.

— Ҳақиқатан ҳам шунақа бўлади,— дедим мен ғудурлаб зўрга, тилим гапга келмай. Шунақа ҳам бўлади. Бу ишларга сал-пал ақлим етади. Бир вақтлар ўзим ҳам врач бўлиб ишлаганман.

Спиртли ичимликлар «талвасага тайёргарлик»ни оширади. Баъзан алкоголь марказий нерв системасининг турли хилдаги касалликларида (калла суяги шикастланиши, бош мия томирлари атеросклерози, турли сабабларга кўра пайдо бўладиган энцефалитлар) талвасали тутқаноқларнинг пайдо бўлишига имкон беради. Бунда алкоголизм шу касалликларнинг клиник манзарасини оғирлаштиради.

Бошқа ҳолларда, аксинча, массив алкоголь эксцесслари талвасали тутқаноқларга асосий сабаб бўлади, лекин тўғри, калла суягининг оғир шикастланишлари, безгак, атеросклероз ҳам бу ерда қўшимча, ёрдамчи омил ролини ўйнаши мумкин.

Спиртли ичимликлар (хусусан суррогатлар — самогон, одеколон, политура ва масалан, қорамуғ ароғи — абсент) ни ичиш натижасида «соф алкоголь» эпилепсиясининг, яъни тутқаноқларнинг тез-тез тутиши, қўшимча факторларсиз хроник алкоголизмга муфтао бўлганларнинг тахминан 10 процентини ташкил қилади.

Шуни айтиб ўтиш мумкинки, кўпчилик ҳолларда алкоголь ичиш натижасида пайдо бўладиган эпилепсия албатта бемор спиртли ичимликларин бутунлай оғзига олмаса эсон-омон ўтиб кетади. Алкоголь ичмай қўйгандан кейин тутқаноқлар ҳам тўхтади.

Тутқаноқлар мастлик ҳолатида ёки бир мунча кўпроқ бош оғриғи синдромида сурункасига ичишни тўхтатгандан кейинги 1—14 кунни пайдо бўлади. Одатда тутқаноқлар ҳеч қандай дараксиз, бирдан тутади, ҳолбуки эпилепсияда тутқаноқ тутишидан олдин унинг белгилари билнади. Тўғри, баъзан тутқаноқ тутишидан олдин бемор юрагининг сиқилишини, босимни сезади, бирдан беҳол бўлиб қолади. Глеб Лусаров баён этган барча сезгилар ва бевосита талвасали тутқаноқ тутишидан олдин унда пайдо бўлган ҳислар алкоголь ичиш натижасида

талваса хуружи туттиши учун характерли бўлган тиник воқеа эмас. Балки бизнинг қаҳрамонимизда марказий нерв системасида тутқаноқ табиатига ўз таъсирини кўрсатган қандайдир қўшимча бузилишлар бўлгандир.

Бемор тўсатдан ҳушини йўқотиб, йиқилади. Юз териси бўзариб кетади, кейин кўкиш тусга киради. Қўл-оёқлари муздек бўлиб қолади. Бадани муздек ёпишқоқ тер билан қопланади. Кўз қорачиқлари нурдан таъсирланмайди, кўзга чироқ тутганда соғлом одамлардаги каби тораймайди. Биринчи 30—50 секунд ичида бемор талваса билан чўзилганича қотиб қолади, шундан кейин клоник талваса юзага келади — барча мускуллар титрай бошлайди. Бемор талвасаланиб ўзини кўтариб ташлайди, боши лат ейди, тилини тишлаб олади, шунинг учун оғзидан чиққан кўпик қон аралаш бўлади. Тутқаноқнинг бу фазаси 2—4 минутга чўзилади. Тутқаноқдан кейин беморнинг қулоғи битиб, ухлаб қолади. Баъзан тарқалган эпилепсиясимоп тутқаноқ алкоголикда пайдо бўлмайди ва фақат ҳушдан кетмасдан мушакларнинг тортишиши кўрилади, холос.

Мен алкоголизм натижасида пайдо бўладиган эпилепсияни, гарчи бу лавҳа китобхонга малол келса ҳам, қисқа бўлса-да баён этишни лозим топдим, лекин ичкиликка муккасидан кетган барча одамларни ҳар ҳолда огоҳ қилиб қўймоқчиман, улар билиб қўйсинларки, спиртли ичимликларга ружу қилиш оқибат-натижада яхшилик билан тугамайди.

Назаримда, менинг бундай аҳволим меҳмонларга жуда кучли таъсир қилди, уларнинг дили ҳуфтон бўлди, ҳатто ароқ тўла стаканларга ҳам қарагилари келмади.

Мен бир неча минутгача индамай ётдим. Меҳмонлар ҳам чурқ этмай ўтиришарди. Ниҳоят карахтлик ҳолатим ёа жуда ҳам беҳоллигим анча ўтгандек бўлди. Тилим ҳам сўзга келиб қолди. Мен тирсагимга тираниб, ўрнимдан турдим-да:

— Қани, йиғитлар, менга ҳам қуйинглар-чи. Директор ҳеч нарса билмайди,— дедим.

— Аҳволнинг баттар бўлмасин. Қара, тагин ўлиб қолмагин.

— Ўлсам ўларман! Қуявер!

Биз ичдик. Ичиб бўлганимиздан кейин меҳмонлар ароқни озгина олиб келибмиз, деб питирлаб қолишди ва чўнтакларини титкилашга тушишди, яна «икки ши-

ша» олиб келишадиган бўлишди. Кейин улардан бири менинг олдимда қолди, иккинчиси эса магазинга югурди.

Балки грипп оқибатиданми, балки менга тутқаноқ кучли таъсир қилганиданми, қаттиқ маст бўлиб қолдим, иккинчи шишани бўшатганимиздан кейин, алкогольликлар айтганидек, ўзимни билмай қолдим.

Мен ўзимга келиб, атрофга алаинглаб қараганимда ҳаммаёқ қоп-қоронғи эди. Меҳмонлар кетиб қолишибди. Килёкка балиқлар эзилиб, ифлос бўлган полда бўш шишалар ётар, лампочка абажур остида хира нур сочи турарди. Абажурда эса кичкина-кичкина шайтончалар ўтириб олиб, афтини бужмайтириб, индамай менга қараб турарди.

«Жинни бўлгунча ичибди»,— дейишади одамлар! Чиндан ҳам алкоголь делирийи (оқ алаҳлаш) учун шайтонлар ва жинларнинг кўзга кўриниши характерлидир. Бунда беморнинг хурофотчи бўлиши шарт эмас. Алкоголик эс-ҳуши ўзига келгандан кейин, оқ алаҳлаш пайтида қанчалик ваҳимага тушганини, кўзига ростданам «шайтонлар» кўринганини айтиб, кулади. Бироқ оқ алаҳлаш авжига чиққанда куладиган жойи қолмайди. У ваҳимага тушиб, қаерда эканини билмайди. Бироқ келинг, алкоголь психозлари, жумладан, алкоголь делирийи ҳақида батафсил гаплашайлик.

Оқ алаҳлаш деб аталишининг сабаби шундаки, бу касалликда бемор иситмайди, унинг юзи эса деярли оппоқ оқариб кетади. Беморнинг эс-ҳуши жойида бўлмайди, у вақтин ҳам, қайси шароитда эканини ҳам билмайди. Беморда галлюцинациялар бўлади, аксари унинг кўзига ҳар хил нарсалар кўринади, у ўтакаси ёрилгудек бўлиб ваҳимага тушади, ўзини қўйгани жой тополмайди, ўршдан сапчиб туради, қаергадир қочмоқчи бўлади, дағ-дағ титрайди.

Алкоголь делирийинга мубтало бўлган бемор врач билан суҳбатлаша туриб, бирдан хаёлида уни бошқа одам— қариндоши ёки ичишадиган улфати деб ўйлаши ва сўз қотиши мумкин. У кимнидир «тезроқ ароқ олиб келишга юборади», «қизларни уйдан чиқариб юбормасликларини сўрайди», кўзига кўринган «таъқибчилар»нинг саволига ўзича жавоб беради, улардан яширинмоқчи бўлади, гўё чойшабда ётган тангаларни теради, оғзидан «қиллар»ни олади. Бемор ўзини касалхонада эмас, балки кафеда, уйда, ишхонада, деб фараз қилади. Баъзан у касбига

донр ишларни бажармоқчи бўлади. Айрим беморлар баданида қандайдир ҳашаротлар, ўргимчаклар, илонлар ўрмалаб юргандек бўлади. Беморга жуда осонлик билан йўқ нарсани кўриш, эшитиш, баъзан эса ҳидлашни ид-рок қилишда таъсир этиш мумкин.

Беморнинг ахволи айниқса кечқурунга бориб ва кечаси ёмонлашади, бу вақтда кўзига нарсалар кўриниши анча зўрайди, шу билан бирга эс-хуши ўзида бўлмай қолади, ваҳимага тушади.

Бемор тасавуридаги душманлардан ўзини ҳимоя қилиб, делирий ҳолатида болта билан мебелни чопиб ташлаши, атрофидаги одамларга, ўзига шикаст етказиши, масалан, қўрққанпдан ўзини деразадан ташлаши мумкин.

Психиатрлар алкоголь галлюцинозлари деб атайдиган ҳолат алкоголь делирийига анча яқин туради.

Ўткир алкоголь галлюцинози учун аксари йўқ одамларнинг сўзларини эшитиш (галлюцинациялар) характерлидир, у деярли эс-хуш ўзгармаганда пайдо бўлади. Тўғри, бемор чалғиб туради, фикрнинг бирор нарсага тўплай олмайди, бироқ у шароитни, вақтнинг жуда зийраклик билан билади. Йўқ нарсаларнинг кўзга кўриниши делирийдан фарқли ўлароқ, деярли бўлмайди ёки бутунлай бўлмайди.

Касаллик типик кечганда беморга зинапоя майдончасидан, ўз уйи девори орқасидан, аксари дераза остидан, кўчадан товушлар эшитилади. Улар бевосита беморга мурожаат қиладилар, унинг «адабини бериб қўйиш», уни «ўлдиришларини» айтиб, дўқ қиладилар ва ҳоказо. Баъзан овозлар учинчи шахс сифатида бемор ҳақида ўзаро гаплашадилар: «Уни тезроқ от!», «Келинлар, уни ўлдирамыз!» деган товушлар эшитилади. Бемор «душманларининг» оёқ товушларини, курсиларнинг шарақлаганини, уни ҳақорат қилганларини, ичкиликбозлиги учун айблаганларини, «у ухлаб ётганида» хотинининг бевафолик қилгани ҳақидаги хабарларни эшитади. Баъзан товушларнинг бири дўстники, бири душманники бўлади. Улардан бири беморни айблайди, уришади, бошқаси ҳимоя қилади, оқтайди.

Бемор мудофаага тайёрланади, душманлари кирмаслиги учун уй эшигини мебеллар билан тўсади. Баъзан ўзининг касаллиги туфайли жонидан тўйган бемор ўзини-ўзи ўлдиarmoқчи бўлади.

Хроник алкоголь галлюцинози ҳозиргина баён этилган манзарага анча ўхшаш, бироқ ўткир алкоголь гал-

люцинозидан бир ҳафта эмас, балки ҳафталар, баъзан бир неча ойларга чўзилиши билан фарқ қилади. Бунда бемор эшитиш галлюцинацияларига анча кўникиб қолади, уларга парво қилмасликка ҳаракат қилади, бироқ ҳаминша ҳам бунинг уддасидан чиқа олмайди.

Алкоголь галлюцинози баъзи ҳолларда делирийга айланиб кетади, бу ҳақда психозларнинг бир-бирига яқинлигидан далолат беради.

Алкоголь параноиди учун эс-ҳуш бутунлай сақланиб қолгани ҳолда сохта идрок этишнинг бўлмаслиги ёки унча намоён бўлмаслиги характерлидир. Бундай беморлар атрофдаги воқеаларни нотўғри идрок этадилар, уларда турли хилдаги васваса ғоялари, одатда таъқиб васвасаси пайдо бўлади. Уларга ғўё одамлар «бир-бири билан гаплашаётгандек», унга қарши «қанақадир фитна уюштиришаётгандек», «тунаш учун келишаётгандек», «ўлдирмоқчи бўлишаётгандек» туюлади.

Кўпинча сафарга чиққанда — поездда, самолётда, вокзалда шундай ҳолат пайдо бўлади. Туиларни бедор ўтказиб чарчаган, сафар ташвиши билан ҳориб-толган, бунинг устига кузатиш чоғида кўп ичиб ҳоли қурнган, бегона, нотаниш одамлар ўртасида бўлган, йўл ташвишидаги алкогольлик у билан поездга чиққан, бирга кетаётган одамларнинг орқасидан қолмаётганини «сезади», манзилга етганида кейин ўша одамларнинг (сохта таниш) у билан бирга поезддан тушганини, бирга трамвайда кетаётганини, қаерга борса ҳам изма-из келаётганини кўради. Бу одамлар (аслида ўтиб кетаётган янги одамлар, алкогольлик уларни илгари кўрган одамга ўхшатади) бир-бирига «имо-ишора» қилади, бир-бири билан «кўз қисншади», «пичирлашади», беморни «ўлдиршига келишишади». Йўқ, у уларнинг ишма ҳақда гапиршишаётганини аниқ эшитади. У гапларнинг мазмунидан аслида йўқ таъқибчиларнинг борлигини «билиб олади».

Камдан-кам ҳолларда бемор ўзини тута олмай «таъқиб қилаётган одамларга» ҳужум қилади, психиатрлар таъбири билан айтганда, «қувганни қувади». Бироқ беморлар кўпинча милицияга ёрдам сўраб борадилар, у ерда шунчалик ақл бовар қилмайдиган гапларни айтадиларки, милиция ходимлари уларнинг эс-ҳуши жойиданлигидан шубҳа қилиб қоладилар. Шунда милиция врач чақиради, врач унинг шак-шубҳасиз алкоголь туфайли айнаб қолганини аниқлаб, беморни касалхонага юборади.

Алкоголь туфайли рашк қилиш васвасаси ҳақида

етарлича гашириб ўтган эдим. Баъзан рашк васвасаси ғоялари алкоголь галлюцинозида сохта эшитишлар, ўзаро гаплашаётган «товушлар» интерпретацияси ҳисобланади. Айрим ҳолларда рашк васвасаси алкоголь параноиди манзарасига жуда ҳам ўхшаб кетади. Кўпчилик врачлар алкогольни ичавериш натижасида пайдо бўлган рашк васвасаси (пиянисталарнинг хроник рашк васвасаси)ни алоҳида ҳолат сифатида ажратадилар.

Ута қимматли ғоялар типигаги узуқ-юлуқ рашк васвасаси умуман пиянисталарга хос. Алкоголни ичавериш натижасида пайдо бўлган рашк васвасасида бу ғоялар жуда ҳам келишмаган табиатга эга бўлади, улар узуқ-юлуқ ғоялардан системалашган ғояларга айланади. Бемор кексайиб қолган хотинини кўпчилик одамлардан, ҳатто ёш қариндошларидан ва ҳатто ҳайвонлардан рашк қилади. У хотинининг орқасидан пойлайди, бевафолик қилганини қидиради ва бунга «исбот» топади. Боя айтганимдек, бу ҳолатлар жуда хавфли бўлиб, касалхоиа шароитида тезлик билан даволанишни талаб қилади.

Алкоголь психозлари ҳақида қисқача сўзлаб ўтдим, хроник алкогольизмда психика бузилишларининг асосий турларини баён этдим, энди қаҳрамонимиз тарихига яна қайтаман.

Мен супургини олиб, абажурда ўтирган шайтончаларни ҳайдай бошладим. Бироқ улар ҳайрон қоларли даражада эпчил экан. Шайтончалар эгиллиб-букилиб, буралар ва супурги остидан сапчиб чиқишар, худди маймунларга ўхшаб электр симига тирмашар, қиқирлаб кулиб ва чийиллаб бошипп ерга осилтириб олишарди.

Шайтончаларни қувлаш билан овора бўлиб кетиб, стол устида баҳайбат, бўйи одамдай келадиган алвасти ўтирганини сезмай қолибман. Менга қараб гапира бошлаганидан кейин, унга назар солдим:

— Қуйинг, отахон бир рюмкадан! Ичаверинг, барр бир асфалософлинга кетдингиз!

Мен товуш келган томонга қарадим. Сочлари ҳурпайган алвасти овоз чиқармай, тишларини ғижирлатиб кулар, думининг учидан то қулогигача титрарди. Афтидан ҳайратдан юзим чўзилиб кетган, чиндан ҳам тентакка ўхшаб қолгандим. Ҳақиқатан ҳам стол устидаги шишада ичиб тугатилмаган ароқ турарди. Мен стул олиб, алвастининг рўпарасига ўтирдим. У думпини кўтарди-да, оҳиста сплкита бошладди. Думида кичкина биркаси бор

эди, у нақ думининг учига капоп билан боглаб қўйилган эди.

— Бу биркангиз нимаси?

— Нима бўларди? Ахир мен чет элликман-да!

— Бўлмаган гапни гапирманг!

— Сиз бунга ўйламай қўя қолинг! Ҳа, ўйламанг, отагинам! Яхшиси, қўйинг! Бу ерда озроқ борга ўхшайди. Ичамиз! Олаверинг, бари бир асфаласофилинга кетдингиз!

— Бўлмаган гап,— дедим мен қолган ароқни иккита стаканга қуйиб.

— Муваффақият тилайман!— кўзини қисди алвасти.

— Соғ бўлинг!

Мен ичдим. Алвасти кўздан ғойиб бўлди. Миям сал равшан тортди. Мен ўринга ётиб, ухлаб қолдим. Бироқ оромим узоққа бормади. Назаримда хонага боққинчилар кириб олгандек бўлди. Бу ҳақда сиз биласиз, уни китобнинг бошида ҳикоя қилгандим. Алаҳлаганимдан кейин кўзимни касалхонада очдим...

Мана энди бошимдан шунча можаролар ўтганидан, палатада мен билан бирга ётган ўзимга ўхшаш пиянистларнинг аҳволини кўрганимдан кейин дунёда одамларга ўхшаб яшагим, алкоголь балосидан қутулгим, тузукроқ ишда ишлагим келиб кетди. Ўғлимни кўргим келди, бирор кун келиб оила қурарман, балки олдинги хотиним билан ярашарман. Ҳозиргидек яшаш ҳеч мумкин эмас! Мен ичкилик балосидан қутулишим керак, ёки... Йўқ, мен қандай бўлмасин, ҳаётимни янгидан бошлашим керак!

Мен муҳим аҳамиятга эга бўлган бир масалани четлаштириб ўта олмайман. Гап қаҳрамоннинг фожияли тақдирига бевосита алоқадорлиги устида эмас, бунга кўп ўтмай ўзингиз ҳам шоҳид бўласиз. Гап муҳим ҳаётий проблема: маст ҳайдовчининг машина ҳайдаши ҳақида боради, зеро ҳайдовчиларнинг спиртли ичимликлар ичиши бошқа бошқариш пульти, ҳаракатчан механизмлар ва ҳоказоларга алоқадор касбдаги одамларнинг ишига тенг бўлади, бунда ишга фақат маст бўлиб ёки бош оғриғи ҳолатида келган киши учун эмас, балки бошқа кўпгина одамлар учун ҳам хавф тугилади.

Алкоголли ичимликлар реакциялар тезлигига, ҳаракатлар уйғунлигига таъсир қилади, бу мудҳиш фалокатларга сабаб бўлиши мумкин. Ҳатто озгина спиртли

ичимлик ичилганда ҳам кўриш ва эшитиш реакциясининг бузилиши аниқланган. Бу реакцияларнинг вақти узаяди. Кўзнинг аниқ кўриши — узоқдаги нарсаларни ажратиш, қўшни объектлар ўртасидаги фазовий нисбатларни аниқлаш қобилияти ўзгаради.

Ёруғликнинг ўзгаришига мосланиш ичкилик ичгандан кейин 25 минут ўтгач (ичмаган одамда 15 минутдан кейин) бошланади. Озгина кайфи бор шофер тоннелга киргач, ним қоронғига мослаша олмайди, тоннелдан чиққанида эса кундуздаги майин ёруғлик кўзини қамаштиради.

Совет тадқиқотчилари синалувчи одамга бор-йўғи 5 миллилитр спирт ичришди. Орадан 10—15 минут ўтгач, унга кўзларини юмиб, бармоқларини белгилаб қўйилган предметга теккизиш таклиф қилинди. Маълум бўлишича, ориентирлашга бўлган қобилият 20—50%га камайган. Бу тажриба шароитида. Ахир ҳаётда, турмушда ҳеч ким 5 граммдан спиртли ичимлик ичмайдику, ҳатто арзимаган воқеа туфайли ҳам анча кўп ичилади.

Айтиб ўтилган бузилишларнинг ҳаммаси транспорт тўқнашишларига, фалокатга учрашга, ишлаб чиқаришда эса кўпинча атрофдаги одамларнинг ўлимига олиб боради.

Америкалик олимлар учувчилар ўртасидаги 158 та ўлим ҳодисасини анализ қилдилар. Улардан 35,4%ида учувчи ўлгандан кейин қонидан алкоголь топилган. Ўқувчи учувчиларда спиртли ичимликка мусбат реакция фалокатга учрагандагиларга қараганда икки марта кўп учраган. Барча ичкилик ичиб маст бўлган учувчиларнинг ярмида ва фақат ичмаганларнинг тўртдан бир қисмида учгандан кейин 18 минут ўтгач фалокат рўй берган. Алкоголга мусбат реакция берган учувчилар, ичмаганларга қараганда кечаси икки ҳисса кўп фалокатга йўлиққан.

Менинг ҳикоям поёнига етай деб қолди, зероки Глеб Васильевич касалхонадан чиқиб кетганидан кейин ҳаётида нималар рўй берганини билмайман. У кўпчилик касалларимдан бири эди, илгари унинг тақдири ҳақида қисса ёзишни хаёлимга ҳам келтирмагандим.

Даволаш ҳамisha ҳам яхши натижалар беравермайдди. Биз наркологлр алкоголикнинг ремиссияси (соғайиш даври) баъзан айрим ҳолларда вақт билан эмас,

балки масофа — шу яқиндаги пивохонагача бўлган масофа билан ўлчанади, деб аччиқ ҳазил қиламиз. Чиндан ҳам шундай ҳодисалар бўладики, биз даволаган бемор касалхонадан чиққан заҳоти ичади-да, орадан кўп ўтмай яна бош кўтармасдан ичгани сабабидан касалхонага қайта тушади.

Одамнинг ўз устидан ғалаба қилиши — энг қийин ғалаба бўлса керак. Бош оғриғи синдроми рўйирост намоён бўлган одамнинг ичкилик ичгани ташлаши жуда-жуда қийин. Мен ҳам пациентларим уйга кетаётганларида яна шу гапларни айтаман. «Агар сиз шу касофат ароқни енга олсангиз ўзингизни қаҳрамон — ҳақиқий одам деб билинг», — дейман, уларда ғурур пайдо қилишга, обрў ҳиссини оширишга ҳаракат қиламан. Салгина бўш келиш алкоғолга муккадан кетиб қолишга олиб боради. Ахир ҳатто бир кружка пиво ҳам яна ичкиликни жуда-жуда кўнгил тортадиган қилиб қўяди ва алкоғолик бош кўтармасдан ичади. «Сиз бир умрга алкоғолик бўлиб қоласиз, — дерди менинг ҳамкасбларимдан бири, — сизга ичмайдиган алкоғолик бўлишни тилайман, эсингизда бўлсин, беш йил. Ўн йилдан кейин ҳам биринчи рюмканинг ўзиёқ сизни ўтакетган пияннисталикка олиб боради».

Биз алкоғоликларни бош оғриғи синдромлари бутунлай йўқолганидан ва спиртга кучли иштиёқ туғганидан кейин касалхонадан чиқарамиз. Ана шу даврда ҳамма нарса беморнинг ўзига ва унинг атрофидагиларга боғлиқ бўлади.

Ахир, биз одамларга янги калла қўя олмаймиз-ку! Бизнинг вазифамиз — организмдаги спиртли ичимликка бўлган касаллик эҳтиёжини енгилда одамга ёрдам беришдир. У бир курс даво олганидан кейин бемалол нафсини тийиб тура олади. Лекин гап продаси сусайиб кетган, қизиқиш донралари тор (бунинг устига пиянниста касалхонадан чиққанидан кейин, аксари шунақа ҳодисалар бўлиб туради), ўзининг доимий ичкиликбоз улфатларига қўшилиб кетадиган одамлар хусусида борганда, у албатта яна ичкилик балосига мубтало бўлади.

Глеб Васильевич Лусаров бошига тушган савдонни жуда жиддий ўйлаб кўрган ва оқ алаҳлашнинг сўнгги қатъий огоҳлантиришига етарлича баҳо берган пациентларимдан бири эди. У касалхонага бошқа тушмади.

Қулардан бирида, тахминан орадан бир йилча чамаси вақт ўтгач, Лусаровни метронинг «Преображенск»

станциясида учратиб қолдим. У тетик ва жуда бардам эди. Биз то «Комсомольск»ка етгунча (шу ерда мен тушиб қолишим керак эди) Глеб Васильевич ичкиликни мутлақо ташлаганини, участка терапевти бўлиб ишлаётганини, социал-меҳнат жиҳатидан ўзини оқлаганини ва ҳатто аспирантурага кирганини (тўғри, энди сиртдан ўқиётганини) гапириб берди.

Унинг шахсий ҳаёти ҳақида сўраб улгуролмадим. Лусаров менга «қутулгани» учун ташаккур айта бошлаганида хурсанд бўлдим. Лекин мендан кўра кўпроқ, балки асосан унинг ўзи бунга сабаб бўлганини ичимда ўйладим. У ўзини қўлга ола билган, оғир дақиқаларда бардош берган (бундай дақиқалар албатта касалхонадан чиққанидан кейин бўлган), ўзини ўзи енгган.

Ҳар ҳолда нима бўлганда ҳам қўлингдан шифо топиб кетган бемор билан ана шундай бир дақиқалик учрашув врачга қанчалар катта қувонч бахш этади.

Шу-шу бўлдию, Глеб Васильевич билан қайта учрашмадим. Бироқ орадан яна бир ярим йил ўтгач, тасодифан Лусаров тақдирига яна бир марта бенихтиёр алоқадор бўлдим. Ана шунда мен «Қасаллик тарихи»ни ёзишга аҳд қилдим.

Бу янги йил арафасида навбатчилик пайтида содир бўлди. Ёш врачлар рост гапириб бўлса ҳам, ёлғон-яшиқ гапириб бўлса ҳам, байрамда иложи борича тунги навбатчиликдан қочадилар. Кўпинча 31 декабрда касалхонанинг қабул бўлимида қолиб, уларнинг жониغا оро кирганман.

Балки мен сизга иш деса ўзини томдан ташлайдиган, мақтанчоқ бўлиб кўринарман, лекин пенсияга чиққанидан олдинги йилларда мен янги йилни қабул бўлимида яхши кутиб олганман, чунки ўзимизнинг касалхонага жуда ҳам ўрганиб қолгандим, байрамни ишда ўтказганимда бу кунлар символик маъно касб этарди.


Ўша кунни кечаси касалларни жуда кам олиб келишди. Навбатчилик камдан-кам бунақа тинч ўтади. Мен қабул бўлими ходимларига қондага хилоф бўлса-да дастурхон ёзишга, шампанское олиб келишга рухсат этдим. Биз озроқ пул йиғиб, ҳамширани шу яқиндаги магазинга юбордик. Орадан сал вақт ўтмай, эшикда қўнғироқ жиринглади, шу орада санитар кириб, милиция экспертиза учун алкоголь ичиб маст бўлган одамни олиб келганини айтди.

Ичимда сўқиниб, қабулхонага кирдим. Старшина — милиционер олдимга шофер Климовнинг ҳужжатларини

қўйди. Ҳамшира ҳали қайтиб келмаганидан экспертиза протоколининг паспорт қисмини ўзим тўлғазишимга тўғри келди. Мен милиция тузган актни олиб, ундан текширилувчининг фамилияси, исми ва турар жойи, иш жойини кўчириб ёза бошладим. Протоколнинг бош қисмини тўлдиргач, Климовни қабулхонага олиб киришларини сўрадим. Ўзим бўлса, ҳеч қандай қизиқишсиз, милиция актидаги текширилувчи ушланган вақтда содир бўлган воқеа баёнини ўқидим: «31 декабрь кунини соат 18 у 17 минутда юқорида номи зикр этилган ҳайдовчи Перов кўчасидан ўтатуриб, йўл ҳаракати қондасини бузиб, светофорнинг қизил чироғида тормоз бермаган ва белгиланган жойдан ўтиб кетаётган пиёда, врач бўлиб ишлайдиган Лусаров Глеб Васильевични уриб кетган, Лусаровнинг ёнидаги ҳужжатлардан унинг яшаш жойи аниқланган...» Мен кутилмаган ҳодисадан титраб кетдим. Бир неча қаторни тушириб қолдириб ўқидим: «Жабрланган тез ёрдам машинасида жон берди...»

Кабинетга Климов кирди. У гандираклаб турарди. Оғзидан спирт ҳиди бурқсарди.

— Кечирасиз, доктор! — ўзини оқлай бошлади милиционер. — У қип-қизил маст, бироқ тергов учун расмий ҳужжат зарур. Бўлмаса, сизни безовта қилмасдик...



На узбекском языке

ГЕННАДИИ МИХАЙЛОВИЧ БЛИНОВ

ИСТОРИЯ БОЛЕЗНИ № 689

Издательство «Медицина» УзССР, Ташкент,
Навои, 30.

Таржимон М. Муслимов
Муҳаррир М. Орифжонова
Расом Н. Леушин
Бадий муҳаррир О. Аҳмажонов
Тех. муҳаррир В. Мещерякова
Корректор М. Ҳайдарова

Теришга берилди 11/111-76 й. Босишга рухсат этилди 31/V-1976 й. Қоғоз формати 84×108¹/₃₂. Қоғоз № 3. Босма л. 4,125. Шартли босма л. 6,93. Нашр. ҳисоб л. 7,29. Нашр. № 727. Тиражи 20 000. Баҳоси 22 т.

ЎзССР Министрлар Совети нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитети 3-босмахонасининг 1-дехида терилиб, 3-босмахонасида босилди. Заказ № 1706.
Тошкент, Хоразм кўчаси, 9. 1976 й.